



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



*Empowered lives.
Resilient nations.*

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Амалий қўлланма



ТОШКЕНТ – 2018

УЎК 342.56:351.82(575.1)

КБК 67.71(5Ў)

К 64

Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби [Матн]: амалий қўлланма/ Қ.Комилов, М.Эргашев.
– Тошкент: ILMIY-TEXNIKA AXBOROTI - PRESS NASHRIYOTI, 2018. – 232 6.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддасига кўра ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашлаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур қўлланмада иқтисодиёт соҳасида фуқаролар, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий судлар томонидан кўриладиган низоларни турлари, судга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилишда этибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, суд қароридан норози бўлган тарафнинг ушбу қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, ундан қонуний фойдаланишига оид тартиб-қоидалар, суд қарорларининг ижро этилиши билан боғлиқ ва бошқа шу каби мухим масалалар оддий тилда, шарҳлар, жадваллар ва изоҳлар орқали ёритиб берилган.

Қўлланма нафақат судьялар, суд ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос соҳасидаги мутахассисларга, балки судлар фаолиятига ва процессуал қонунчиликка қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МУАЛЛИФЛАР:

Қобилжон Комилов

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Мансур Эргашев

Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлим бошлиғи

НАШР УЧУН МАСЪУЛ:

Собир Холбаев

Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастирининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси доирасида **БЕГУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастирининг расмий нуқтai назарини акс эттирамайди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзғартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий хисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.olisyud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастирининг www.uz.udnp.org интернет сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1. Телефон: +998 71 239-02-67

ISBN: 978-9943-5066-3-3

© БМТ Тараққиёт дастури, 2018

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2018

© ILMIY-TEXNIKA AXBOROTI - PRESS NASHRIYOTI, 2018



МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.....	9
1.1. Ўзбекистон Республикасида суд тизими	11
1.2. Иқтисодий судларнинг тизими	18
1.3. Иқтисодий судларнинг судловига тааллукли ишлар	21
II БОБ. СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ	27
2.1. Иқтисодий судга мурожаат қилиш тартиби	29
2.2. Даъво аризасини шакллантириш (ёзиш)	34
2.3. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар.....	41
2.4. Давлат божини ҳисоблаш ва тўлаш.....	44
2.5. Даъво аризасини судга топшириш тартиби.....	52
2.6. Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш	56
III БОБ. ДАЪВО АРИЗАЛАРИ ВА АРИЗАЛАРНИ СУДДА КЎРИШ ЖАРАЁНИ	63
3.1.1. Даъво аризани ва аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тартиби	65
3.1.2. Даъво аризасини қабул қилишини рад этиш асослари	70
3.1.3. Даъво аризани қайтариш.....	72
3.1.4. Даъво ариза юзасидан фикр-мулоҳаза ва қарши даъво	74
3.2. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи	79
3.3.1. Судда ишни кўриш тартиби	81
3.3.2. Даъвони кўрмасдан қолдириш.....	89
3.3.3. Даъвони ўзгартириш, ишларни бирлаштириш ва талабларнинг бир кисмини ажратиш.....	91
3.3.4. Иш юритишни тўхтатиб туриш	93
3.3.5. Иш юритишни тугатиш	96
3.4.1. Ҳал қилув қарори (қарор, ажрим)нинг турлари, уларнинг қонуний кучга кириши ва тарафларга юборилиши	98
3.4.2. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш	104
3.4.3. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш.....	107
3.4.4. Корпоратив низолар бўйича иш юритиш	111
3.4.5. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиб	114
3.4.6. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш	120
IV БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛИШ	125
4.1. Ижро этиш органлари ва ижро иши юритишида иштирок этувчи шахслар	127
4.2. Давлат ижрочисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	131
4.3. Ижро иши юритишида иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	133
4.4. Ижро ҳужжатларидан бири сифатида суд буйруғи	134
4.5. Ижро варақаси ва унинг мазмuni	136
4.6. Ижро варақасини ижрга тақдим этиш муддати	139
4.7. Ижро ишларини юритишининг умумий қоидалари	141
4.8. Ижро иши юритишини қўзғатиш	142
4.9. Суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш асоси ва чоралари	146



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

4.10. Ижро иши юритишни тамомлаш	149
4.11. Суд хужжатининг ижросини кечириши ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгаришиш. Суд хужжатининг қайтарма ижроси	151
4.12. Ижро иши юритишни тўхтаби туриш ва тугатиш. Ижро ишини юритишни тиклаш	154

В БОБ. СУД ХУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ

ВА УНИ КУРИШ ТАРТИБИ	157
5.1. Суд хужжатларига нисбатан шикоят беришнинг умумий қоидалари	159
5.1.1. Суд хужжатларига нисбатан шикоят бериш ҳуқуқи	159
5.1.2. Суд хужжатларига нисбатан протест келтириш ҳақида прокуратура органларига мурожаат қилиш	162
5.1.3. Суд хужжатларига нисбатан шикоят беришда тўланадиган суд харажатлари	164
5.2. Суд хужжатларининг апелляция тартибида қайта кўрилиши	166
5.2.1. Суд хужжатларига нисбатан апелляция шикояти келтириш тартиби ва муддатлари	166
5.2.2. Апелляция шикояти бериш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тартиби ва асослари	171
5.2.3. Апелляция шикоятининг мазмунига қўйиладиган талаблар	173
5.2.4. Апелляция шикоятидан воз кечиш тушунчasi, тартиби ва оқибатлари	179
5.2.5. Апелляция шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари	180
5.2.6. Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари	186
5.2.7. Апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорини ўзгариши ёки бекор қилиш асослари	188
5.2.8. Апелляция инстанцияси қарорининг мазмуни	191
5.3. Суд хужжатларига нисбатан кассация тартибида шикоят келтириш ва шикоятни судда кўриш тартиби	193
5.4. Суд хужжатларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби	202
5.4.1. Назорат шикояти бериш тартиби ва муддатлари	202
5.4.2. Назорат шикоятининг мазмуни	204
5.4.3. Назорат шикоятини ўрганиш, қайтариш ва қабул қилишни рад этиш	205
5.4.4. Ишни назорат тартибида кўриш муддатлари ва тартиби	207
5.4.5. Ишни назорат тартибида кўрадиган суднинг ваколатлари	209
5.5. Конуний кучга кирган суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш	211
5.5.1. Конуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тушунчasi ва асослари	211
5.5.2. Конуний кучга кирган суд хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг мазмуни, уни бериш тартиби ва муддати	214
5.5.3. Конуний кучга кирган суд хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартиби	216
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларига мурожаат қилиш учун маълумотлар	218
Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига мурожаат қилиш учун маълумотлар	220



КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунлардан бошлаб барча соҳалардаги каби ҳуқуқ соҳасида ҳам ислоҳотларни изчилик билан амалга оширишга киришилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги ва бошқа бир қанча қонунларнинг қабул қилиниши мулкий муносабатларни янги даражага кўтариш, хусусий мулк ҳимоясини кучайтириш ҳамда аҳоли ўртасида мулқорлик ҳиссини қарор топтиришда муҳим омиллардан бири бўлди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мулк шаклларининг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг тенглиги тамоилини аниқ белгилаб қўйилди.

Турли шакллардаги мулкчиликка асосланган иқтисодиётнинг қарор топиши маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун соғлом рақобат муҳитини яратиб берди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасида шартномалар ўзаро манфаатдорлик асосида ва ихтиёрий тарзда тузила бошланди. Бу эса бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муносабатларнинг сезиларли даражада такомиллашувига, ислоҳотларга нисбатан ишонч ҳиссининг ошишига, оқибат натижада хўжалик юритувчи субъектлар сонининг кескин қўпайишига сабаб бўлди. Қолаверса, ушбу субъектларга ўзлари учун қулай ва маъқул шартномавий шерикларини танлаб олиш, қонунда ва шартномада белгиланган мажбуриятларини лозим даражада ва сифатли ижро этилишини талаб қилиш имкониятлари яратилди.

Айниқса, ушбу муносабатларни тартибга солишинг самардорлигини янада кучайтириш омиллари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва шунга ўхшаш бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этадиган бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши натижасида шартнома тарафларининг ўзаро ҳуқуқ



ва мажбуриятлари шакл ва мазмун жиҳатдан жиддий янгиланди, шартномавий интизомга риоя этмаган айбордor шахсларнинг жавобгарлиги қатъий ўрнатилди ва янада кучайтирилди.

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ янгича муносабатларнинг жорий этилиши ва шаклланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келаётган янги низоларни одилона ҳал этиш, шартномавий маданиятни юксалтириш, мулкий ва номулкий ҳуқуқлар ҳимоясини кучайтиришга бўлган эҳтиёжни ҳам орттириди. Шундан келиб чиқиб, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, режали иқтисодиёта асосланган собиқ иттифоқ даврида фаолият юритган ва давлат ижроия ҳокимияти тизимига кирган давлат арбитражлари хўжалик судлари деб қайта номланди ва уларнинг ҳуқуқий мақоми бозор талабларидан келиб чиқсан ҳолда кескин ўзгариб, мустақил ҳокимият тармоғи бўлган алоҳида суд тизими сифатида барпо этилди.

Шунингдек, хўжалик судларига мурожаат қилиш, уларда ишларни кўриб чиқиш тартиби ва шунга ўхшаш бошқа муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 1997 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди.

1992 йилдан 2017 йил 1 июня га қадар иқтисодий низоларни кўриб чиқувчи суд сифатида хўжалик судлари фаолият юритиб келган бўлса,

2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб, бу судлар иқтисодий судлар деб қайта номланди ва ушбу судларда ишларни кўриб чиқишининг процессуал қоидаларини ўзида ифодалаган Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилинди. Унда суд ишини юритишига оид янги процес-суал ҳуқуқ нормалари акс этган бўлиб, тадбиркорлик субъектлари ёки фуқаролар ҳам иқтисодий судларга мурожаат қилишаётганида мазкур қоидаларга тўлиқ риоя қилишлари лозим бўлади.

Ўз бузилган ҳақ-ҳуқуқини қонуний ҳимоя қила олиш фуқаролар, давлат органлари, ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун муайян билим ва кўнижмалар мавжуд бўлишини талаб этади. Бунга эришиш эса улар учун энг қадрли бўлган вақти ва маблағининг тежалишига олиб келади, ортиқча оворагарчиларга барҳам беради ва ҳоказо.

Шуларни инобатга олиб иқтисодий судларга мурожаат қилиш, ушбу мурожаатларни судда кўриб чиқишида иштирок этиш билан боғлиқ муҳим қоидалар акс этган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда суд фаолияти билан бевосита боғлиқ бошқа процессуал қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтириш мақсадида ушбу қўлланма тайёрланди.

Мазкур қўлланмада иқтисодиёт соҳасида фуқаролар, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий судлар томонидан



кўриладиган низоларнинг турлари, судга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, суд қароридан норози бўлган тарафнинг ушбу қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, ундан қонуний фойдаланишга оид қонуний тартиб-қоидалар, суд қарорларининг ижро этилиши билан боғлиқ ва бошқа шу каби муҳим масалалар оддий тилда, шарҳлар, жадваллар ва изоҳлар орқали ёритиб берилди.

Қўлланма судьялар, суд ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунослик соҳасидаги бошқа мутахассислар, талабалар ва иқтисодий процессуал ҳуқуқ институтига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

I БОБ

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





1.1. Ўзбекистон Республикасида суд тизими

"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда бўлиб ўтган учинчи сессиясида 217А (III)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган) 8-моддасига кўра ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан маъқулланган "Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари" биринчи бўлимининг 1-бандига кўра суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ҳамда конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилади. Барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар суд органлари мустақиллигига ҳурмат билан қарашлари ва бунга риоя қилишлари шарт.

Юқорида қайд этилган ва шу каби бошқа ҳалқаро ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам имзоланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасига кўра ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари Ўзбекистон Республикасида устун бўлиши тан олинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ижро этувчи ҳокимият сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат қўмиталари, қўмиталар, инспекциялар, уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолият юритади.

Суд ҳокимияти – ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлиб, унинг асосий вазифаси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Судлар ишларни ошкора кўриши орқали ҳар бир фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишига кафолат яратади.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа ҳалқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИ

Қонун чиқарувчи ҳокимияти –

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Қонунчилик Палатаси,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Сенати

Ижро этувчи ҳокимияти –

Ўзбекистон Республикасининг
Вазирлар Маҳкамаси,
вазирликлар, давлат кўмиталари,
кўмиталар, инспекциялар,
уларнинг ҳудудий бошқарма
ва бўлимлари ҳамда маҳаллий
ҳокимликлар

Суд ҳокимияти -

Ўзбекистон
Республикаси
Конституциявий
суди, Ўзбекистон
Республикаси Олий
суди ва қўйи судлар

1-чизма. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг тизими

Суд ҳокимияти – бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурний судлов ишларини юритиш бўйича ваколатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ суд ҳокимияти ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, мусассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Суд ҳокимияти ҳужжатларини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

Одил судлов борасидаги фаолият барча бўғиндаги судлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши эълон қилинган.

Ўзбекистонда судлар фаолияти асосан "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу Қонун 1-моддасининг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикасида



фаолият юритувчи судлар санаб ўтилган бўлиб, унинг мазмунига кўра ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ҳамда вилоят судларига тенглаштирилган судлар; туман, туманлараро ва шаҳар судлари фаолият юритмоқда.

Қонун 13-моддасининг биринчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қўйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Қонуннинг 14-моддасида белгиланишича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг биринчи ўринbosари – жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси ҳамда раис ўринbosарлари – фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди барча қўйи бўғин судларининг фолиятини мувофиқлаштирувчи суд сифатида судлов ҳайъатларига бўлинган ҳолда судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширади.



4-чизма. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркиби

Вилоят ва туман даражасидаги судлар улар кўрадиган ишлар тоифасига кўра тўрттага бўлинган ва уларнинг фаолиятига суд раислари бошчилик қиласди.

Жумладан, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддасига кўра **фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди** қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган фуқаролик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қонун билан унинг




Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

ваколатлари доирасига киритилган жиноят ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида судларга бериладиган илтимосномаларни кўриб чиқади.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий суди хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган низоларни ва корпоратив низоларни, шунингдек қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.


Туман (шаҳар) маъмурий суди давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича маъмурий низоларни ҳамда қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.



2-чизма. 2017 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикасида суд тизими



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармонига асосан 2017 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурӣ ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимияти-нинг ягона олий органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.



З-чизма. 2017 йил 1 июнъ ҳолатида Ўзбекистон Республикасида суд тизими

"Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддасига 2017 йил 12 апрелда киритилган ўзгартишга кўра 2017 йил 1 июндан эътиборан ilk маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш



хуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган алоҳида суд органи сифатида маъмурий судлар ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари тегишли иқтисодий судлар этиб ўзгаририлди ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Шунингдек, 2017 йил 31 май куни "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди ва ушбу Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуни ўз кучини йўқотган деб топилди.

Ушбу Қонуннинг 2-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди (бундан бўён матнда Конституциявий суд деб юритилади) қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти организир.

Яъни, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлади, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хulosा, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳ беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган ва 2007 йил 1 январдан эътиборан қонуний кучга кирган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингач, давлат судлари билан бир қаторда судловнинг янги, ўзгача нодавлат тури фаолият кўрсата бошлади.

Ушбу Қонуннинг 5-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари ташкил



етилиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас. Ҳакамлик судлари юридик шахс бўлмайди.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин бўлиб, унинг ҳузурида фаолият кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи ҳакамлик суди.

Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиқсан муайян низони ҳал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, ушбу низо кўриб чиқилганидан кейин муваққат ҳакамлик суди ўз фаолиятини тутатади.



Ҳакамлик судининг қарорлари қандай тартибда ижро этилади?



Ҳакамлик суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарори унинг тарафлари томонидан ихтиёрий равишда ижро этилади.

“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига кўра, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у мажбурий ижро этилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиши “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ваколатли суд берган ижро варақаси асосида амалга оширилади. Бу ерда ваколатли суд деганда давлат судлари бўлган иқтисодий судлар ёки фуқаролик ишлари бўйича судлар тушунилади.

Ҳакамлик муҳокамасининг тарафларидан бири жисмоний шахс бўлган иш бўйича қабул қилинган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан мажбурий ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза фуқаролик ишлари бўйича судларга тақдим этилиши керак.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган жисмоний шахс бўлган ҳолларда, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори асосида ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза иқтисодий судга тақдим этилади.

Шунингдек, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ваколатли судга мурожаат қилиши ҳам мумкин. Бундай аризалар иқтисодий судлар ёки фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси-нинг Иқтисодий процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларида белгиланган қоидалар асосида ҳал этилади.



1.2. Иқтисодий судларнинг тизими

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий судлар иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган, қонунлар билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан маъқулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” биринчи бўлимининг 2-бандида ёзилишича, суд органлари ўзларига берилган ишларни ҳақиқат асосида ва қонунга риоя қилган ҳолда, ким томонидан ва қандай асосларга кўра бўлмасин, бевосита ёки билвосита ҳар қандай чекловлар, ғайриқонуний таъсирлар, майл, тазиқ, таҳдид ёки аралашувларсиз холислик билан ҳал қиласидилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий судлар ҳам худудийлик тамойилига кўра ташкил этилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад тадбиркорлик субъектларининг ортиқча оворагарчилигининг олдини олиш ва уларнинг судга мурожаат қилишига қуалайлик яратишdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар иқтисодий судлари ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари иқтисодий низоларни ҳал этувчи суд органлари ҳисобланади.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддасига кўра туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги фуқаровий-хуқуқий муносабатларда юзага келадиган низоларни ва корпоратив низоларни, шунингдек қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Мазкур Қонуннинг 30-моддасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий суди, вилоятлар иқтисодий судлари ва Тошкент шаҳар иқтисодий суди ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартибида кўради.



Иқтисодий низолардан келиб чиқсан ишлар назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳамда Олий суд Раёсатида кўриб чиқилади.

Муқаддам, хўжалик судлари фақат вилоятлар марказида жойлашган ва бир вилоят ҳудудида биттадан хўжалик суди мавжуд бўлган, бутун вилоятда тадбиркорлик субъектлари ўртасида келиб чиқсан иқтисодий низолар ва суд қарорларига нисбатан берилган апелляция шикоятлари шу судда кўрилган бўлса, 2017 йил 1 июндан туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилиши натижасида ишларни фақат биринчи инстанция тартибида кўрувчи алоҳида бўғин юзага келди.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари	Ўзбекистон Республикаси Олий суди
<ul style="list-style-type: none">ишларни биринчи инстанция тартибида кўради	<ul style="list-style-type: none">ишларни биринчи инстанция тартибида кўрадиишларни апелляция тартибида кўрадиишларни кассация тартибида кўради	<ul style="list-style-type: none">ишларни биринчи инстанция тартибида кўрадиОлий судда биринчи инстанция тартибида кўрилган ишларни кассация тартибида кўрадиишларни судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрадиишларни Раёсатда назорат тартибида кўради

5-чизма. Иқтисодий судларда ишларнинг кўрилиши

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг 14 та маъмурӣ-худудий бирлигида вилоят даражасидаги 14 та иқтисодий суд ҳамда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари мавжуд.

Айрим туманлар ва шаҳарларнинг ўзига хослигини, ундаги тадбиркорлик субъектлари сони ҳамда қўшни туман маъмурӣ марказлари билан ўртадаги масофани инобатга олган ҳолда мазкур туманлар ва шаҳарларда биттадан иқтисодий суд ташкил қилинган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани, Жizzах вилоятининг Фориш тумани, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани, Навоий вилоятининг Учқудуқ тумани, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Нуробод туманлари ҳамда Самарқанд шаҳри, Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида биттадан иқтисодий судлар ташкил этилган.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Тошкент шаҳридаги туманлар бир-бирига яқинлиги, шаҳарнинг транспорт қатновини инобатга олган ҳолда шаҳар ҳудудида битта Тошкент туманлараро иқтисодий суди ташкил этилган.

Қолган 62 та иқтисодий судлар эса икки ёки ундан ортиқ туман (шаҳар)лар ҳудудида биттадан ташкил этилган.

Масалан, Гулистан туманлараро иқтисодий суди Гулистан шаҳрида жойлашган бўлиб, бир-бирига яқин бўлган 4 та маъмурӣ бирлик, яъни Гулистан ва Янгиер шаҳарлари, Гулистан ва Мирзаобод туманлари ҳудудини қамраб олган бўлиб, ушбу маъмурӣ бирликларда жойлашган тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келган иқтисодий низоларни кўрувчи суд ҳисобланади.

Гулистан шаҳри

Янгиер шаҳри

Гулистан туманлараро иқтисодий суди

Гулистан тумани

Мирзаобод тумани

6-чизма. Гулистан туманлараро иқтисодий судига тегишили бўлган маъмурӣ бирликлар

Ушбу қўлланмадан янада самаралироқ фойдаланиш ва ўқувчиларга қулай бўлиши учун унинг илова қисмида Ўзбекистон Республикасидаги барча иқтисодий судларнинг рўйхати, уларнинг почта ва электрон манзиллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.



1.3. Иқтисодий судларнинг судловига тааллуқли ишлар

Иқтисодий судлар суд ҳокимиятининг бир тармоғи сифатида қонун билан фақат ўзига юклатилган низоларга доир ишларни кўриб ҳал қиласди.

Бу ерда қонун деганда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонунлар тушуниши лозим.

ИПКнинг 25-моддасида иқтисодий судларнинг судловига тааллуқли бўлган ишларнинг рўйхати берилган. Умумий қоидага кўра бу рўйхат тугал ҳисобланмайди ва бошқа қонун хужжатларида иқтисодий судларда кўриладиган низолар ҳам белгиланиши мумкин.

ИПКда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар асосан олтига гурухга ажратилган. Бундан кўзланган асосий мақсад, суд амалиётини бирхилластириш, суд статистикасини юритишини таъминлаш ва суд фаолиятини умумлаشتаришда енгилликлар яратишdir.

Иқтисодий судларга тааллуқли ишлар

1. Фуқаровий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар
2. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлашга доир ишлар
3. Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар
4. Ҳакамлик мұхокамаси билан боғлиқ ишлар
5. Корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатта оид низолар мустасно
6. Чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижроетига қаратиш тўғрисидаги ишлар

7-чизма. Иқтисодий судларга тааллуқли ишлар



Иқтисодий судларда кўриладиган ишларнинг асосий қисмини иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар ташкил қиласди.

Бундай низолар тоифасига тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган маҳсулот етказиб бериш, олди-сотди, пудрат, кредит ва ҳоказо Узбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан бўён матнда ФК деб юритилади) доирасида тузилган шартномалар юзасидан келиб чиқадиган низоларни киритиш мумкин.

ФКнинг 39-моддасига кўра ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланган ва унинг фаолияти давомида низо келиб чиқсан бўлса, бу низолар ҳам иқтисодий судлар томонидан ҳал этилади.

Фуқароларга нисбатан қўйилган талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, гарчи, судга ариза берилган кун ҳолатида бу фуқаролар якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган бўлса-да, улар иштироқидаги низоларга доир ишлар иқтисодий судга тааллуқли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида” 2007 йил 15 июндаги 162-сон қарори 9-бандининг тўртинчи хатбошисида қайд этилишича, ХПК 23-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ фуқаро, агар у юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган бўлса, хўжалик судига тааллуқли низонинг қатнашувчиси деб тан олинади. Иқтисодий судлар шуни назарда тутишлари керакки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, лекин давлат рўйхатидан ўтмаган фуқаро, якка тартибдаги тадбиркор мақомини олмайди ва бундай шахслар иштироқидаги низолар ХПК 23-моддасига мувофиқ хўжалик судига тааллуқли эмас. Агар фуқаронинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганигининг амал қилиши, хусусан гувоҳноманинг амал қилиш



муддатининг тугаши, давлат рўйхатидан ўтказилганлигининг бекор қилинганилиги ва ҳоказолар муносабати билан тугатилганда ҳам, масала худди шундай тартибда ҳал этилиши лозим. Агар фуқаронинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтканлигининг амал қилиши, хусусан гувоҳноманинг амал қилиш муддатининг тугаши, давлат рўйхатидан ўтказилганлигининг бекор қилинганилиги ва ҳоказолар муносабати билан тугатилганда, тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, иқтисодий судга тааллуқлидир.



Агар ташкилот билан бирор юридик шахснинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмаси (филиал, бўлинма, ваколатхона) ўртасида низо келиб чиқса, мазкур тузилмага нисбатан даъво аризаси берса бўладими?



Юридик шахснинг тузилмаси (филиал, бўлинма, ваколатхона) иқтисодий судда мустақил равишда тараф сифатида иштирок эта олмайди. Шу сабабли, тузилмага нисбатан тақдим этилган даъволовар бўйича албатта мазкур тузилмани очган юридик шахс ҳам жавобгар сифатида жалб қилинши лозим.

Агар тузилма судда даъвогар сифатида юридик шахс номидан даъво талаби билан мурожаат қиласидиган бўлса, уни раҳбарининг судга юридик шахс номидан даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи бош ишончномаси судга тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида" 2007 йил 15 июндаги 162-сон қарори 9-бандининг биринчи хатбоши-сига кўра ХПКнинг 23-моддасида хўжалик судига тааллуқли низолар келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатлар қатнашчила-рининг субъектли таркиби белгиланган. У энг аввало, юридик шахсларни ва юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқароларни ҳамда ХПК 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган ишлар бўйича фуқаролар - жисмоний шахсларни ўз ичига олади. Судлар назарда тутишлари керакки, агар даъво билан юридик шахснинг ўзи эмас, балки унинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) ишончнома асосида мурожаат этса, иқтисодий суд даъво аризасини қабул қилишни



рад этишга ҳақли эмас. Бундай ишлар бўйича вакил сифатида иштирок этаётган алоҳида бўлинма эмас, балки у манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган юридик шахс даъвогар ҳисобланади.

ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ иқтисодий судга юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Иқтисодий судлар томонидан аниқланадиган юридик фактларга бино ёки ер майдонининг мулк ҳуқуқи асосида мансублиги факти; кўчмас мулкка 15 йил давомида ўзиники каби инсофли, очиқ ва узлуксиз эгалик қилиш ёки бошقا мулкка 5 йил эгалик қилиш факти; ташкилотнинг муайян вақтда ва муайян жойда рўйхатдан ўтиш факти ва бошқалар тегишли.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлашга доир ишлар бўйича низо мавжуд бўлмайди.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси, ИПК 25-моддасининг 3-бандига мувофиқ ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиласди.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига кўра банкротлик (иқтисодий начорлик) - хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслигидир.

Қонуннинг 4-моддасига кўра қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Ёдда туting!

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахслар, яъни давлат корхоналари, давлат идоралари, давлат муассасалари, шу жумладан, давлат бюджетидан тўлиқ молиявий маблағ билан таъминланадиган касалхоналар, мактаблар, боғчалар, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахслар начор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин эмас.

ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиласди. Бундай тоифадаги ишлар ушбу Кодекснинг 28-моддасида белгиланган бўлиб, уларга ҳакамлик судида кўрилаётган иш бўйича даъвони таъминлаш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги аризалар



бўйича ишлар; ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиб ҳақидаги аризалар бўйича ишлар ҳамда ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар киради.

Тадбиркорлик субъектлари бўлган акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар, қўшимча масъулиятили жамиятлар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, матлубот кооперативлари ва улушли мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар иштирокчилари ўртасида ёки айнан шу субъектлар бошқарув органлари ва уларнинг иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низолар, юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар корпоратив низолар ҳисобланади.

Корпоратив низонинг ўзига хос хусусияти шундан иборат-ки, бу низо битта хўжалик юритувчи субъект доирасида, унинг таъсисчилари билан башқарув органи, таъсисчилари ўртасида ўзаро ва хўжалик жамияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Жумладан, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятили жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузатётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиiddий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бунда шуни инобатга олиш лозимки, жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган битта иштирокчи ҳам, жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган бир нечта иштирокчи ҳам бундай талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин. Бир нечта иштирокчи судга мурожаат қилганда даъво аризаси ушбу иштирокчиларнинг барчаси ёки уларнинг вакили (вакиллари) томонидан имзоланган бўлиши керак. Бунда даъвогар (даъвогарлар) улушининг миқдори белгиланган тартибида тасдиқланган таъсис ҳужжатлари асосида аниқланади.

ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, корпоратив низоларга оид ишлар низо вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ташкилотлар ёки жисмоний шахслар бўлишидан қатъи назар, иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.



ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига кўра чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижроэтишга қаратиш тўғрисидаги ишлар иқтисодий судга тааллуқлидир.

Шунингдек, қонун билан иқтисодий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин бўлиб, бу қонунда алоҳида кўрсатилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 269-моддасининг учинчи қисмига кўра мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, иқтисодий суд томонидан ҳам кўриб чиқлади.

Айрим ҳолатларда даъво аризасида икки ёки ундан ортиқ даъво талабларини ҳам кўрсатиш мумкин. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ушбу талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши керак. Агар бундай талаблар билдирилган даъво ариза иқтисодий судга берилган тақдирда, даъво аризаси судья томонидан ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра қайтарилади.

Мисол

Судга даъвогар “Темур” фермер хўжалиги даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “Боғбон” фермер хўжалигини 47,5 га ер майдонини мажбурий чиқаришни, етказилган 93132000 сўм моддий ҳамда ер юзасидан жанжаллар натижасида ўзига етказилган 5000000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган ҳолда, ушбу талабларнинг ер майдонидан чиқариш ва моддий зарарни ундириш қисми иқтисоди судга, жисмоний шахсга етказилган зарарни ундириш қисми фуқаролик судига тегишли талаб ҳисобланади. Шунинг учун мазкур аризада кўрсатилган ҳамма талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши керак.

Шунингдек, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда ҳам даъво аризаси судья томонидан ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра қайтарилади.

II БОБ

**СУДГА
МУРОЖААТ ҚИЛИШ**





2.1. Иқтисодий судга мурожаат қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра ҳар бир шахсга ўз ҳукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуки кафолатланади.

Тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар (корпоратив низолар юзасидан) ўзларининг иқтисодий соҳадаги бузилган ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий судларга мурожаат қиласидилар.

ИПКнинг 3-моддасига кўра ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳукуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ИПКда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳукуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

ИПКнинг 3-моддасида судга мурожаат қилишда низоларнинг тоифасига кўра қандай турдаги ҳужжатлар тақдим этилиши баён қилинган. Унга кўра судга тақдим этиладиган ҳужжатлар даъво аризаси, ариза ёки шикоят тарзида расмийлаштирилиб, тақдим этилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда иқтисодий судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ҳам мурожаат қилишга ҳақли.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномада ёки қонунчиликда даъво аризаси билан судга мурожаат қилишдан олдин, низони судгача ҳал қилиш шартлигидан иборат бўлган қоида белгиланиши мумкин.

Жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўзаро шартнома тузишида эркиндирлар ва шартномада қонунга зид бўлмаган қоидаларни мустақил равишида ва ўз хоҳишлирага кўра белгилайдилар.

Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишида ҳал қилиш чораларини кўрганларидан, яни жавобгарга олдиндан талабнома юборгандан сўнг судда иш қўзғатиш мумкин.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Даъво ариаси	Ариза	Шикоят (протест)
<ul style="list-style-type: none"> • фуқаролик хукуқий муноса-батлардан келип чиқадиган даъво талаблари юзасидан • жавобгар томонидан даъво-гарнинг даъвосига нисбатан билдирилган қарши даъво талаблари юзасидан 	<ul style="list-style-type: none"> • буйруқ тартибида иш юритишга оид талаблар юзасидан • юридик фактларни белгилаш тўғрисида • банкрот деб топиш тўғрисида • судьяни, прокурор ёки суд мажлиси котибини, экспертни рад этиш тўғрисида • ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори асосида мажбурий ижро варакаси бериш тўғрисида • ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида • даъвони ёки ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида • ҳал қилув қарорини тушунтириш ва ёзувдаги хатони тузатиш тўғрисида • чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва уни ижрога қаратиш тўғрисида • йўқолган суд ишини ёки ишни тиклаш тўғрисида • суд қарорларини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисида • ижро варакасининг дубликатини бериш ва уни ижрога тақдим этиш муддатини тиклаш тўғрисида • суд қарорининг қайтарма ижроси тўғрисида • ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида 	<ul style="list-style-type: none"> • апелляция инстанциясида ишни кўриш тўғрисида • кассация инстанциясида ишни кўриш тўғрисида • ишни назорат тартибида қайта кўриш тўғрисида

8-чизма. Судга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг турлари

Бундай тартиб, хусусан Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 125-моддаси, ФКнинг 384-моддаси, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасида белгилаб қўйилган.

Низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби даъвогар учун фақат қонун ва шартномада белгиланган ҳолларда мажбурий бўлади.

Агар бундай қоида Аддия вазирлигида рўйхатдан ўтган, норматив-хукуқий харктерда бўлган низомлар, қоидалар ва бошқа қонуности ҳужжатларида назарда тутилган бўлса ҳам унга риоя қилиш керак.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномада "ушбу шартнома бўйича келиб чиқсан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш лозимлиги" ҳақидаги шарт назарда тутилган бўлса, бу умумий қоида ҳисобланниб, талабнома юбориш зарурлигини англатмайди. Низони судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби шартномада аниқ ёзилган бўлиши шарт.



Шартномада низони судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартибининг белгиланиши:

5.2. ...

5.3. Ушбу шартнома юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда бир тараф иккинчи тарафга ўз вожларини баён қилган ҳолда ёзма равища талабнома билан мурожаат қилиши керак. Талабнома иккинчи тарафга етказилганидан кейин 15 кунлик муддатда унда баён қилинган талабнинг иккинчи тарафдан ижро этилмаслиги ёки ёзма равища рад этилиши ёхуд шу муддатда талабномага жавоб берилмаслиги, судга даъво ариза билан мурожаат қилиш учун асос бўлади.

5.4. ...

Агар қонунда ёки шартномада белгиланган бўлиб, тарафлардан бири низони судгача ҳал қилмасдан, судга тўғридан-тўғри даъво аризаси киритган бўлса, суд томонидан даъво аризаси қайтарилади. Низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилмаганлиги ишни судда кўриш давомида аниқланса, даъво кўрмасдан қолдирилади.

Низони судгача ҳал қилишга оид тартиб шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги талабга нисбатан ҳам қонунда белгиланган.

Жумладан, ФКнинг 384-моддасига кўра шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёйинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса - ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Шу боис бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш юзасидан иккинчи тараф билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилганидан кейингина, судга бу тўғрисида талаб билан мурожаат қилиши мумкин.

Ёдда туting!

Низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилмаганлиги асоси билан даъво кўрмасдан қолдирилса, даъвогар томонидан тўланган давлат божи даъвогарнинг зиммасида қолдирилади, яъни суд давлат божини қайтармайди. Агар давлат божи тўланмаган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилиши билан бир вақтда суд давлат божини даъвогардан ундиради.



Агар даъвогар манфаатида прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилса, талабнома юбориш тартибига риоя қилингандырылады. Шундайда даъвогар манфаатида прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилса, талабнома юбориш тартибига риоя қилингандырылады.

Судга тақдим этиладиган даъво ариза, қарши даъво ариза, аризалар ҳамда шикоятлар учун умумий бўлган қоида шундан иборат-ки, улар ишда иштирок этувчи шахслар (ташкилотлар, фуқаролар) номидан расмийлаштирилади ва ваколатли шахслар томонидан имзоланади. Шунингдек, ушбу ҳужжатларда суднинг олдига ҳал этиш учун муайян талаб қўйилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида” 2007 йил 15 июндангага 162-сон қарорининг 10-бандига кўра шартнома бўйича келишмовчиликлар ҳақидаги низолар икки ҳолатда хўжалик судида кўриш предмети бўлиши мумкин:

- агар шартнома тузиш қонунда назарда тутилган бўлса;
- агар тарафларнинг шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш тўғрисида келишуви мавжуд бўлса.

Бундан келиб чиқадики, шартнома олдидан бўладиган низони, агар бундай шартномани тузиш қонун бўйича ҳеч бўлмаганда бир тараф учун мажбурий бўлса, хўжалик судига кўриб чиқиш учун қабул қилиши шарт (ФКнинг 377-моддаси).

Шартнома бўйича келишмовчиликлар тўғрисидаги низони хўжалик судига ҳал этиш учун беришнинг бошқа шарти тарафларнинг бундай имконият ҳақидаги келишуви ҳисобланади. Мазкур келишув турили шаклларда, масалан, хатлар, телеграммалар, маълумотлар алмашиш йўли билан, факсимил ёки электрон алоқа воситасида ифода этилиши мумкин. Бундан ташқари, шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этишини хўжалик судига топшириш тузилиши керак бўлган шартноманинг шарти сифатида назарда тутилиши ва агар бошқа тараф келишмовчиликлар баённомасида лойиҳанинг бу шарти бўйича ҳеч қандай эътиroz билдириласа, тарафлардан бири томонидан лойиҳага киритилиши мумкин.

Шартномалар шартларини ўзgartириш ёки бекор қилиш ҳақидаги иқтисодий низолар ҳам хўжалик судига тааллуқлидир. Бундай турдаги низоларни хўжалик суди ўз иш юритишига қабул қилиши учун шартноманинг тури ҳам, уни тузиш тартиби ҳам аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга ФК шартномани бекор қилиш ёки ўзgartириш, агар ФК, бошқа қонунлар ёки шартнома билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишуви бўйича мумкинлиги



тұғрисидаги қоиданы белгилайди (ФК 382-моддасининг биринчи қисми).

Тарафлардан бирининг талаби билан эса шартнома суд томонидан фақат иккінчи тараф уни жиғдій равища бузса ҳамда ФК, бoshқа қонуулар ва шартномада назарда тутилған үзга ҳолларда үзгартырилиши ёки бекор қилиниши мүмкін (ФК 382-моддасининг иккінчи қисми).

Бунда хұжалик суди бир тараф шартномани үзгартыриш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккінчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда күрсатылған ехуд қонунда ёйнки шартномада белгиланған муддатта, бундай муддат бўлмаганида эса - ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани үзгартыриш ёки бекор қилиш ҳақидаги даъвони қабул қилишга ҳақли (ФКнинг 384-моддаси).



2.2. Даъво аризасини шакллантириш (ёзиш)

Даъво аризаси иқтисодий судда иш қўзғатиш учун асос ҳисобланади. Агар суднинг олдига ҳал қилиш учун бирор масала қўйилган ҳолда ариза тақдим этилган бўлиб, унинг шакли ва мазмуни даъво аризасига қўйилган талабларга жавоб бермаса, бу ҳолат даъво қўзғатиш учун асос бўла олмайди.

ИПК 149-моддасининг биринчи қисмига кўра даъво аризаси судга ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Даъво аризасини шакллантиришдан олдин низо қайси суднинг судловига тегишли эканлигини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади.

ИПКнинг 33-моддасига кўра юридик шахсларга нисбатан даъволар улар рўйхатдан ўтган жойдаги судга тақдим этилади. Юридик шахсларга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма давлат рўйхатидан ўтган жой бўйича тақдим этилади.

Фуқароларга нисбатан даъволар улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Айрим ҳолатларда даъво аризаси турли ерларда жойлашган икки ёки ундан ортиқ жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин. Бу ҳолда даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири рўйхатдан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтган жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки жойлашган ёки унинг маълум бўлган охириги жойлашган жойидаги судга тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва айни пайтда бошқа давлат ҳудудида турган жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган ердаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган ердаги судга тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар шартнома ижро этиладиган ерда тақдим этилади.

ИПКнинг 37-моддасига кўра кўчмас мулкка бўлган мулк ҳукуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар, кўчмас мулк тўғрисидаги низолар, шу жумладан кўчмас мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб



қилиб олиш ёхуд мулқдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш ва кўчмас мулк ҳуқуқига тегишли бўлган бошқа даъволар кўчмас мулк жойлашган жойи бўйича судга тақдим этилади.

Ташувчига нисбатан йўловчи, бағаж ва юқ ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар, шу жумладан жавобгарлардан бири ташувчи бўлса, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойдаги судга тақдим этилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги иқтисодий судга берилади.

Ҳакамлик судида кўрилаётган иш бўйича даъвони таъминлаш, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади.

Корпоратив низолар бўйича даъволар юридик шахс жойлашган жойда тақдим этилади

Даъво аризасида кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар:

- ✓ ариза берилаётган суднинг номи;
- ✓ ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг юридик ва почта манзиллари;
- ✓ агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- ✓ даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- ✓ даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- ✓ ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- ✓ даъвогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талablari, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса - уларнинг ҳар бирига қўйилган талablар;
- ✓ низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибиغا риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- ✓ илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қарши даъво аризалари дастлабки даъво кўрилаётган жойдаги судга берилади.

Шартномани тузиш вақтида ушбу шартномани ижро этиш давомида низо келиб чиқсанда у қайси суд томонидан кўриб чиқилиши кўрсатилган бўлса, даъво аризаси ўша судга тақдим этилиши керак.



Самарқанд шаҳар иқтисодий судига

Даъвогар: “Шарқ” масъулияти чекланган жамияти

Қарши шаҳри, Баҳор кӯчаси 5-үй.

sharq_01@inbox.uz

“Асака” акциядорлик тижорат банкининг

Қарши шаҳар филиали

х/р:20208000512457896001, МФО: 00125,

СТИР: 200564784, Тел: 0-375-234-56-56,

Жавобгар: “Хумо” масъулияти чекланган жамияти

Самарқанд шаҳри, А.Розий кӯчаси 9-үй.

humo@mail.ru

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банкининг

Самарқанд шаҳар филиали

х/р: 20208000245789865003, МФО: 00789,

СТИР: 207854219, Тел: 0-366-233-60-15,

Даъво аризаси

(120 000 000 сўм асосий қарз ва 60 000 000 сўм пеняни ундириш тўғрисида)

Бизнинг “Шарқ” масъулияти чекланган жамиятимиз (кейинги ўринларда маҳсулот етказиб берувчи, даъвогар) ва “Хумо” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда сотиб олувлари, жавобгар) ўртасида 2016 йил 15 апрелда маҳсулот етказиб бериш тўғрисида 12-сонли шартнома имзоланди ва биз томонимиздан ушбу шартнома асосида 2016 йил 27 апрелда 01-27-сонли юк хати орқали сотиб олувлчига 150 000 000 сўмлик қандолат маҳсулотлари етказиб берилди.

Шартноманинг 2.1-бандида тўлов тартиби назарда тутилган бўлиб, унга кўра сотиб олувлчи шартнома имзоланганидан кейин 10 кун ичida олинадиган маҳсулотнинг 20 фойизини олдиндан тўлаши, маҳсулот қабул қилиб олинганидан кейин 20 кун ичida якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши лозим эди.

Сотиб олувлчи шартнома имзоланганидан кейин 20 апрель куни 30 000 000 сўмлик маблағни бизнинг ҳисоб-рақамиимизга тўлаб берди. Биз шартнома шартларини тўлиқ бажариб, сотиб олувлчига шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда қандолат маҳсулотларини етказиб берган бўлсак-да, сотиб олувлчи шу кунга қадар олинган маҳсулот учун қолган 120 000 000 сўм маблағни асосиз равишда тўламасдан келмоқда.

Шартноманинг 5.1-бандида олинган маҳсулот учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаганлиги юзасидан ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилаган сумманинг 0,4 фойзи, аммо қарзнинг 50 фойизидан ошмаган миқдорда пена ҳисобланishi назарда тутилган.

Шартномада низони судгача ҳал этиш тартиби мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, биз харидорга маҳсулот ҳакини тўлашини сўраб, 2016 йил 1 июlda 17-сонли, 2016 йил 3 сентябрда 42-сонли талабномани юбордик, аммо талабномаларимиз оқибатсиз қолдирилиб, қарз тўланмасдан қолмоқда.

Қайд этилганларга кўра жавобгардан 120 000 000 сўм асосий қарзни ва тўлов кечикритилганини учун ҳисобланган 60 000 000 сўм пеняни ҳамда олдиндан тўланган 1 800 000 сўм давлат божи ва 5 000 сўм почта харажатини ундириб беришингизни сўрайман.

**Илова:**

1. 2016 йил 15 апрелдаги 15-сонли маҳсулот етказиб бериш түўррисидаги шартноманинг нусхаси – 3 варақда;
2. 2016 йил 27 апрелдаги 01-27-сонли юк хати нусхаси – 1 варақда;
3. Суд харажатлари тўланганлиги түўррисида 2016 йил 10 октябрдаги 42-сонли ва 43-сонли тўлов топшириқномаларининг асл нусхалари – 2 варақда;
4. 2016 йил 1 июлдаги 17-сонли, 2016 йил 3 сентябрдаги 42-сонли талабномалар ва уларнинг жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари – 4 варақда;
5. Даъво аризасининг нусхаси жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар – 1 варақда.

“Шарқ” масъулияти чекланган
жамиятия директори

НАМУНА

А.Саидов

Даъво аризасида даъвогарнинг ёки уни вакилининг телефон ёки факс рақамлари, электрон манзили ҳам кўрсатилиши мумкин.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар, шунингдек илтимосномалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Судга тақдим этиладиган илтимосномалар нафақат даъво аризасида кўрсатилиши, балки алоҳида ҳужжат сифатида расмийлаштирилиб, даъво аризасига илова қилинишига ҳам йўл қўйилади.

Шунингдек, даъво аризасида даъвогар ва жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк (филиали)нинг номи, (МФО – “межфилиальный оборот”), банк ҳисоб-рақами (х/р), солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) кўрсатилиши керак. Бу маълумотлар келгусида суд қарори асосида бериладиган ижро варақасини шакллантириш ва ижро қилиш учун муҳим ҳисобланади. Чунки ушбу маълумотлар асосида инкассо, тўлов топшириқномалари тузилиши ва нақдсиз пул маблағлари тўланиши мумкин.

Ёдда туting!

Даъво аризасида даъво талабини аниқ кўрсатиш, жавобгарлар икки ёки ундан ортиқ бўлса, уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар алоҳида кўрсатилиши ва асослантирилган бўлиши шарт.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

НАМУНА

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига

Даъвогар: “Шарқ” масъулияти чекланган жамияти

Қарши шаҳри, Баҳор кӯчаси 5-үй.

sharq_01@inbox.uz

“Асака” акциядорлик тижорат банкининг

Қарши шаҳар филиали

х/р:20208000512457896001, МФО: 00125,

СТИР: 200564784, Тел: 0-375-234-56-56,

Жавобгар: “Хумо” масъулияти чекланган жамияти

Самарқанд шаҳри, А.Розий кӯчаси 9-үй.

humo@mail.ru

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банкининг

Самарқанд шаҳар филиали

х/р: 20208000245789865003, МФО: 00789,

СТИР: 207854219, Тел: 0-366-233-60-15,

ИЛТИМОСНОМА

(ИПКнинг 93-95-моддалари тартибида)

“Шарқ” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Хумо” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан киритилган даъво аризаси бўйича жавобгардан 120 000 000 сўм асосий қарз ва тўлов кечикирилганлиги учун ҳисобланган 60 000 000 сўм пеняни, одиндан тўланган 1 800 000 сўм давлат божи ва 5 000 сўм почта харажатини ундириб бериш сўралган бўлиб, даъво аризасизга талабларни ва суд харажатлари тўланганинг тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилган.

ИПК 93-моддасининг иккинчи қисмига кўра даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд хужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

Жавобгар сўнгги икки ой давомида ўзининг мол-мулкларини бегоналаштириш чораларни кўраётган бўлиб, шу кунга қадар 2 та автотранспорт воситаси сотиб юборилди.

Қабул қилинадиган суд хужжати қонуний кучга киргунга қадар тўловдан қочиш мақсадида мол-мулкларини учинчи шахслар номига ўтказиб юбориши мумкин. Бу суд қарорининг ижросини қийинлаштиради.

Мазкур даъво аризаси кўриб чиқилгунга қадар ИПКнинг 93-95-моддалари тартибида жавобгарнинг Самарқанд шаҳри, А.Розий кӯчаси 9-й манзилида жойлашган маъмурий биносининг жами 181 805 000 сўмлик қисмини хатлашдан иборат бўлган даъвони таъминлаш чорасини қўллашингизни сўрайман.

“Шарқ” масъулияти чекланган
жамияти директори

НАМУНА

А.Саидов



Қаздорни банкрот деб топиш түғрисидаги ариза қарздор жойлаш-
ган ердаги (яшаш жойидаги) судга тақдим этилади.

НАМУНА

Гулистан туманлараро иқтисодий судига

Аризачи: **Гулистан шаҳар давлат солиқ инспекцияси**
Гулистан шаҳри, Мустақиллик кўчаси 15-йй.
АТ "Асака" банкининг Гулистан шаҳар филиали, ҳ/р:
20208000512457896001, МФО: 00125,
СТИР: 200564784, тел: 234-56-56

Қарздор: "**Гулистан**" масъулияти чекланган жамияти
Гулистан шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-йй.
АТ "Капитал" банкининг Гулистан шаҳар филиали,
ҳ/р: 20208000245789865003, МФО: 00789,
СТИР: 207854219, тел: 233-60-15

Ариза

(Қарздорни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш түғрисида)

"Гулистан" масъулияти чекланган жамияти (кейинчалик "Гулистан" МЧЖ деб юртилади)
Гулистан шаҳрида фаолият юритувчи юридик шахс сифатида давлат рўйхатига олинган ҳамда
унга ДСИ томонидан 2008 йил 15 октябрда 554001245-сонли солиқ тўловчининг идентифика-
цион рақами (СТИР) берилган.

Сирдарё вилоят хўжалик судининг 2017 йил 28 мартағи 12-1702/2369-сонли ижро ва-
рақасида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан 56 895 000 сўмлик боқиманда қарзларни унди-
риш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро
бюросининг Гулистан шаҳар бўйими томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб бори-
либ, давлат ижрочисининг 2017 йил 13 августдаги 7849-сонли қарорига асосан қарздорнинг
мол-мулки мавжуд бўлмаганилиги сабабли ижро ишини юритиш тамомланган ва ижро ҳужжат-
лари ДСИга қайтарилган.

"Банкротлик түғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида қарздор-
нинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўлов-
лар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ёки
тўловлар мажбурият юзага келган кундан этиборан уч ой давомида қарздор томонидан ба-
жарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилиши белгиланган.

Ушбу Қонуннинг 188-моддасида ўз фаолиятни тутагтан қарздор якка тартибдаги тадбир-
кор ёки тутатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини
аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш түғри-
сидаги ариза кредиторлик қарзидан қатъий назар, кредитор ёки солиқ органи томонидан бе-
рилиши мумкинлиги, 189-моддасида хўжалик суди ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб то-
пиш ҳақидаги аризани кузатув, суд санацияси ёки ташки бошқарув таомилларни кўлламасдан
куриб чиқиши мумкинлиги белгиланган.

Қарзни ундиришга қаратилиган барча чоралар кўрилган бўлсада, қарздорнинг мол-мулки
ва пул маблағлари мавжуд эмаслиги сабабли, унинг мажбурий тўловлар юзасидан 56 895 000
сўм қарзини ундиришнинг имкони бўлмади. Шунингдек, қарздорда банкротлик аломати юзага
келди.

Қайд этилганларга кўра қарздор "Гулистан" МЧЖни соддалаштирилган тартибда банкрот
деб топишингизни сўрайман.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Иловас:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Гулистон шаҳар бўйими давлат ижрочисининг 2017 йил 13 августдаги 7849-сонли қарорининг нусхаси – 1 варақда;

2. Сирдарё вилоят хўжалик судининг 2017 йил 29 апрелдаги 12-1702/2369-сонли ижро варақасининг асл нусхаси – 1 варақда;

3. Қарздорни 2008 йил 12 октябрдаги уставининг асл нусхаси – 28 варақда;

4. Аризанинг нусхаси қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи 2017 йил 25 августдаги 7890-сонли почта квантанциясининг асл нусхаси – 1 варақда;

5. Почта харажати тўланғанлигини тасдиқловчи 2017 йил 25 августдаги 00147-сонли тўлов топширикномасининг асл нусхаси – 1 варақда.

Жами: 32 варақда.

Гулистон шаҳар ДСИ бошлиғи

НАМУНА

А.Хуррамов.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида" 2006 йил 27 январдаги 142-сон қарорининг 6-бандига кўра Қонуннинг 10-моддасига асосан иқтисодий суд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабарини қондириш мақсадида якка тартиба мурожаат этишга ҳақли эмас.

Агар банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунга қадар пайдо бўлган қарзни ундириш ҳақида кредитордан иқтисодий судга даъво аризаси тушган бўлса, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ даъво аризасини қабул қилиш рад этилади.

Агар кўрсатилган ҳолатлар даъво ариза (ариза) иш юритувга қабул қилингандан кейин аниқланса, у ҳолда ХПКнинг 86-моддаси 1-бандига асосан иш бўйича иш юритиш тутатилади.



2.3. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Даъвогар даъво аризасини судга тақдим этганида жавобгар ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган, бу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг нусхасини юбориши шарт.

ФКнинг 377-моддаси талабларига мос келадиган шартномани тузишга мажбур этиш тўғрисида судга бериладиган аризага шартнома лойиҳаси, келишмовчиликлар баённомаси, келишмовчилик баённомасини рад этиш тўғрисидаги жавоб хати ҳам илова қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, даъво аризасидаги имзо муҳим аҳамият касб этади. Судга тақдим этилаётган даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак. Ўзининг бузилган ҳуқуқи ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат этаётган шахс даъвогар ҳисобланади ва, агар у юридик шахс бўлса, даъво аризаси даъвогарнинг раҳбари ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши лозим.



Корхонанинг раҳбари ишда ҳозир бўлмаган, яъни меҳнат таътилида ёки хизмат сафарида бўлган тақдирда даъво аризасини унинг ўринбосари ёки бошқа мансабдор ходим имзолашга ҳақлами?



Агар шу ҳақдаги ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ёки ишончнома мавжуд бўлса, ҳақли. Бунда даъво аризасини фамилиясини кўрсатмаган ҳолда, чизиқча орқали имзолашга, имзонинг механик ёки бошқа нусха кўчириси воситалари орқали амалга оширишига йўл қўйилмайди. Ҳатто даъво аризаси даъвогар раҳбари томонидан имзоланган бўлса-да, даъво аризасининг асли эмас, фото-нусхаси судга тақдим этилса, суд томонидан ушбу даъво аризаси ҳам имзоланмаган деб баҳоланади ва қайтарилади.

Ваколатсиз шахс томонидан қўйилган имзо ёки даъво аризасининг имзоланмаганилиги ҳам даъво аризани қайтаришга асос бўлади.



Агар даъво аризаси иш юритувга қабул қилинганидан сўнг уни имзолаган шахснинг аризани имзолашга ваколати йўқлиги аниқланган тақдирда, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади, давлат божи эса қайтарилмайди.

Шунинг учун, вакил томонидан имзоланган даъво аризага албатта вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ишончноманинг асли ёки аслига тўғрилиги тасдиқланган нусхаси илова қилиниши шарт.

Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар:

- ✓ белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ва поча харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);
- ✓ даъво аризасининг нусхаси жавобгар ва учинчи шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (почта квитанцияси, агар даъво аризаси жавобгар ва учинчи шахсларга шахсан топширилган бўлса, даъво аризасининг судга тақдим этиладиган нусхасида уни ким ва қачон қабул қилиб олганлиги кўрсатилиб, унинг имзоси, жавобгар ёки учинчи шахснинг муҳри ёки штампи билан тасдиқланиши лозим);
- ✓ низони, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- ✓ даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжат;
- ✓ даъвогарни юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат руйхатидан ўтгандигини тасдиқловчи ҳужжат;
- ✓ агар у вакил томонидан имзоланган бўлса, даъво аризасини имзолаш ваколати берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Вакилга берилган ишончномада вакил қилинган шахснинг даъво аризасини имзолашга бўлган ҳуқуқи кўрсатилиши, ишончнома берилган сана, уни имзолаган мансабдор шахснинг лавозими ва исм-шарифи кўрсатилган бўлиши шарт. Даъво аризаси ишончноманинг амал қилиш муддатида имзоланган бўлиши лозим. Гарчи даъво аризасини имзолашга вакилда ваколат бўлса-да, ишончноманинг амал қилиш муддати ўтган бўлса, у инобатга олинмайди.

Ёдда тутинг!

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Ишончнома кўли билан уч йил муддатта берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлmasa, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.



Даъво аризасига илов қилинадиган ҳужжатлардан яна бири бу низони тӯғри ҳал этиш учун керакли бўлган, даъвони асословчи ҳужжатлардир.

Жумладан, судга тақдим этилган ҳужжатлар далил тариқасида баҳоланади. Айрим ҳолларда судга мурожаат қилувчи тарафлар томонидан даъво аризасига ёки қарши даъво аризасига, шунингдек даъво юзасидан тақдим этилган эътиrozномаларга ўзларининг ҳақ эканликларини исботлаш мақсадида норматив-хуқуқий ҳужжатлар – қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки улардан кўчирмалар илова қилинади. Аммо, агар суд томонидан талаб қилинган бўлмаса, бундай норматив-хуқуқий ҳужжатларни судга тақдим этиш шарт эмас. Чунки бундай қонун ҳужжатлари судга тақдим этилмаган ҳолда ҳам суд низога алоқадор бўлган қонун нормасини ўзи ўрганиб чиқишга ва қўллашга мажбур.

Судга фақат низо юзасидан тарафларнинг важ ва эътиrozларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт. Бундай ҳужжатлар сирасига тарафлар ўртасида тузилган шартнома, турли ёзишмалар, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, талабномалар, огоҳлантириш хатлари, тўлов топшириқномалари, юк хатлари, қабул қилиш далолатномалари ва бошقا шу каби ҳужжатларни киритиш мумкин.

Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатларнинг қайси бири асл нусхада эмас, унинг нусхаси тақдим этилган бўлса, бу ҳолат кўрсатилиши, агар суд талаб қиласа, уларнинг аслига тўғрилиги тасдиқланган бўлиши шарт. Шунингдек, суд мажлисида иштирок этиш учун келгандатарафлар ўзлари билан судга тақдим этган ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб келишлари мақсадга мувофиқдир.



2.4. Давлат божини ҳисоблаш ва тўлаш

Иқтисодий судга мурожаат қилган шахслар олдиндан республика бюджетига давлат божини тўлашлари лозим.

ИПКнинг 113-моддасида қайд этилишича, давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби, тўлашдан озод қилиш, давлат божини қайтариш тартиби қонун билан белгиланади.

Давлат божи давлат бюджетига қайтармаслик шарти билан тўланадиган тўлов бўлиб, уни тўлаш ва тўлашдан озод қилиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда - СК деб юритилади)нинг тегишли моддаларида баён қилинган.

Ушбу Кодекс 326-моддасининг биринчи қисмига кўра давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов. СКнинг 327-моддасига кўра юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

Иқтисодий судга мурожаат қилган шахс давлат божини тўлаши лозим бўлиб, давлат божи ишда иштирок этмаётган шахс томонидан тўланиши мумкин эмас. Агар давлат божи даъвогар (аризачи) ёки апелляция ёхуд кассация шикояти берувчи шахс ўрнига бошқа шахс томонидан тўланган бўлса (корхона учун унинг раҳбари ёки таъсисчиси томонидан давлат божи тўланган ҳоллар бундан мустасно), давлат божи ҳақиқатда тўланмаган деб ҳисобланади ҳамда даъво аризаси (ариза), апелляция ёки кассация шикояти қайтарилади.

Давлат божининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари” асосида аниқланади. Унинг 2-бандига кўра иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилинганда даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида, аммо даъво тақдим этилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши лозим.



**Иқтисодий судларга бериладиган даъво аризалар,
аризалар ва иқтисодий суднинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги
шикоятлар бўйича тўланадиган давлат божлари миқдори**

- а) мулкий тусдаги даъво аризаларидан – даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мулкий тусдаги даъво аризаларидан – даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида
- б) мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан – энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;
- в) банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризалардан – энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;
- г) хўжалик шартномаларини тузиш, ўзgartериш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан – энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;
- д) судларнинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан – биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича эса талашилаётган суммадан ҳисоблар;
- е) суд қарорлари, ажримлари ва бошқа қарорларининг дубликатларини ҳамда томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун – ҳужжатнинг ҳар бир саҳифаси учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида чиқарилган ставкалар миқдорида;

Изоҳ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилишда ушбу банднинг "а" - "г" ва "е" кичик бандларида кўрсатилган белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўладилар.

Судга мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектларининг мақоми ва бошқа ҳолатларга кўра давлат божини тўлашда турли имтиёзлар берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан судга мурожаат қилинганда, умумий тартибда тўланиши лозим бўлган давлат божининг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўлаши кўзда тутилган.

Мисол

Иқтисодий судга 150 000 000 сўмни ундириш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилинганда даъвогар олдиндан 1 500 000 сўм давлат божи тўлаши керак. Агар даъвогар ўзининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тоифасига мансублигини статистика органининг маълумотномаси билан тасдиқлаган ҳолда судга мурожаат қилса, 150 000 000 сўмни ундириш тўғрисидаги талаб юзасидан 750 000 сўм давлат божи тўлаши етарли ҳисобланади.

Судга мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти эканлиги статистика органи томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланади.

Статистика органи тадбиркорлик субъектининг фаолият соҳаси ва унда ишловчи ходимларнинг йиллик сонига кўра "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи"га (ИФУТ) ҳамда "Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг ИФУТ асосида такомиллаштирилган таснифлагичи"ни (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли қарори билан тасдиқланган) қўллаб, тадбиркорлик субъекти томонидан топширилган статистик ҳисботга асосан унинг кичик бизнес субъекти эканлигини тасдиқлади. Жумладан, ноширлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектида йиллик ўртacha ходимлар сони 1 кишидан 20 кишигача бўлганда – микрофирма, 21 кишидан 100 кишигача бўлганда – кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Агар ноширлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектининг йиллик ўртacha ходимлари сони 101 киши ва ундан ортиқни ташкил қилса, у юқорида қайд этилган имтиёздан фойдалана олмайди. Агар даъво талаби баҳоланмайдиган талабдан иборат бўлса (масалан, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш, шартномани бекор қилиш, бинодан чиқариш, юридик фактни белгилаш ва шу кабилар) энг кам ойлик ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи тўланиши лозим.

Ушбу тоифадаги даъволар юзасидан ҳам юқорида қайд этилган имтиёз қўлланилиши мумкин. Яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти судга бу тоифадаги даъво билан мурожаат қилганда, даъво тақдим этиладиган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида давлат божи тўлаши лозим.



Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка (жарима, пеня) суммалари, агар даъво аризасида ФКнинг 327-моддасига асосан бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни ундириш тўғрисидаги талаблар мавжуд бўлса, ушбу фоизлар ҳам киритилади.

Судга мурожаат қилувчиларга қулийлик яратиш, давлат божининг тўғри тўланишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайтида "Суд харажатларини тўлаш бўйича реквизитлар" рукни мавжуд бўлиб, ушбу рукннинг "Иқтисодий ишлар бўйича давлат божи ва жарима реквизитлари" саҳифасига (<http://oliysud.uz/articles/565/raschetnie-scheta-sudov>) кирган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган исталган иқтисодий суднинг давлат божи бўйича реквизитларини аниқлаштириш мумкин.

Шу билан бирга, иқтисодий судларга мурожаат қилишда баъзи субъектлар ёки баъзи тоифадаги низолар юзасидан даъвогарлар давлат божини олдиндан тўлашдан озод этилиши мумкин.

Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш асослари СКнинг 330-моддасида кўрсатилган.

Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган субъектлар:

- қишлоқ ҳўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар** – тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкilotлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ даъвалор бўйича;
- тадбиркорлик субъектлари** – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;
- аризачи ва жавобгар** – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмайтган ва (ёки) ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантирган корхоналарни тугатишига доир ишлар бўйича;
- даъвогарлар** – ўрмон дараҳтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни кўриқлаш ва муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги, ўрмон ҳўжалиги даромади суммаларини (шу жумладан, ўрмон дараҳтларини ўсиб турган жойида сотиш қоидаларини бузганлик учун зарар ва неустойкани, шунингдек ўзбошимчалик билан ўрмон дараҳтларини кесганлик, пичан ўрганлик ва молларни ўтлатганлик учун жарималарни) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари** – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар бўйича;



- **нодавлат нотижорат ташкилотлари** – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;
- **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари** – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб судга шикоят қилганда;
- **хусусий ўй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари** – мажбурий бадалларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;
- **хусусий ўй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари** – тузилган шартномалар шартлари аҳолига ўй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганилиги ёки лозим даражада бажарилмаганилиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;
- **туманлар, шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари** – коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;
- **ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўкув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари** – барча даъволар бўйича;
- **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий тузилмалари** – “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга кетган маблағларни ташкилотлардан ундириб олиш бўйича даъволар, шу жумладан регресс даъволар юзасидан;
- **даъвогарлар ва жавобгарлар** – суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари- мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;
- **“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти, унинг дирекцияси ва жойлардаги бўлинмалари** – қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан банк кредитларини тўламаслик хавфини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишириш, шунингдек фьючерс контрактлар бўйича ишларни амалга ошириш учун олдиндан бериладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган суғурта товони учун қишлоқ хўжалиги корхоналаридан қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;
- **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари** – сув тўғрисидаги қонун хўжжатларини бузганик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;
- **туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари** – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини кўзлаб берилган даъволар бўйича;



– **Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари** – атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиятдан ўзбошимчалик билан фойдаланганик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий обьектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

– **Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари** – стандартларни, техник шартларни жорий этиш ва уларга риоя этилиши ҳамда маҳсулотлар сифати устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар ёки шундай ваколатга эга бўлган бошқа органлар жўнатишни ман этган маҳсулотларни етказиб берган юридик шахслардан бюджет даромадига жарималар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

– **Ўзбекистон Республикаси Ҳусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари** – қўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан;

– **қўмматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи** - инвесторларнинг, қўмматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқўқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги даъволар бўйича;

– **давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари** – барча ишлар ва ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

– **прокуратура органлари** – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

– **аддия органлари** – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

– **ундириувчи ёки давлат ижрочиси** – қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мulkини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

– **юридик ва жисмоний шахслар** – давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлари бўйича;

– **халиқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан ҳукуматлараро келишувлар асосида берилган кредитлар бўйича асосий қарздор сифатида қатнашувчи давлат органлари ва ташкилотлари** – субзаём олувчилардан пайдо бўлган қарздорликларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

– **давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича сотиб олувчи ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари** – етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганилиги билан боғлиқ даъволар юзасидан;

– **Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги** – интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳуқўқ эгаларининг ҳуқўкларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан;

– **Ўзбекистон Фермерлар кенгashi, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари** – фермер ҳўжаликларининг манфаатларини



кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

- **мулқорлар** – хусусий мулқ ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзни бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;
- **аризачи ва жавобгар** – ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- **хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари** – уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;
- **тадбиркорлик субъектлари** – ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варажаси бериш тўғрисида ариза берганда.

Иқтисодий судларга давлат божи тўлашга оид муҳим қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Ҳўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2008 йил 18 апрелдаги 180-сон қарорида ҳам акс этган.

Қонун бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинмаган даъвогар давлат божини тўлашни кечикириш ёки давлат божини қисмларга бўлган ҳолда тўлашга рухсат бериш юзасидан судга илтимоснома тақдим қилиш ҳуқуқига эга. Илтимоснома асослантирилган бўлиши керак.

СК 337-моддасининг йигирма олтинчи қисмига кўра пул маблағлари мавжуд бўлмаган, бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўрадавлат божини кечикириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида судга мурожаат қилинган санадан кўпি билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши лозим. Агар банк маълумотномасидаги муддат юқоридаги талаб даражасида бўлмаса, илтимосномани қаноатлантириш рад этилади ва даъво аризаси қайтарилади.

Ушбу тартиб апелляция ва кассация шикоятлари тақдим этилишида ҳам қўлланилади.



Тошкент туманлараро иқтисодий судига

НАМУНА

Даъвогар: **“Ором” хусусий корхонаси томонидан**
Тошкент шаҳри, Анҳор кўчаси 185-үй.
xk_ogram@mail.uz
“Асака” акциядорлик тижорат банкининг
Шайхонтохур филиали
x/p:20208000214598983001, МФО: 00854,
СТИР: 209321654, Тел: 0-371-273-10-21

ИЛТИМОСНОМА
(давлат божини тўлашни кечиктириш тўғрисида)

“Ором” хусусий корхонаси томонидан “Шарқ ўлдузи” ишлаб-чиқариш савдо корхонасига нисбатан 2017 йил 16 ноябрь куни киритилган 234-сонли даъво аризаси бўйича жавобгардандан 400 000 000 сўм асосий қарз ва тўлов кечиктириганинги учун ҳисобланган 50 000 000 сўм пеняни ундириб бериш сўралган бўлиб, ҳозирда ҳисоб-рақамимизда пул маблағлари мавжуд эмаслиги сабабли олдиндан 4 500 000 сўм давлат божини тўлаш имкониятимиз йўй.

Бизнинг корхонамизга хизмат кўрсатувчи “Асака” акциядорлик тижорат банкининг Шайхонтохур филиали томонидан 2017 йил 14 ноябряда берилган 45/107-сонли маълумотномага кўра корхонанинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд эмас, ҳисоб-рақамимизга кредиторлар томонидан тақдим этилган жами 54 600 000 сўмлик тўлов топширикномасини ижро этишининг имкони бўлмаганлиги сабабли, банк томонидан ушбу сумма mijozning 2-сонли картотекасига кўчирилган.

Шунингдек, ушбу маълумотномада қайд этилишича, “Ором” хусусий корхонасининг (СТИР: 209321654) Ўзбекистон Республикаси банк депозиторлари Миллий ахборотлар базасида 20208000214598983001-тартибли талаб қилиб олингунча асосий ҳисоб рақами мавжуд. Корхонада бошقا (иккиласми, валюта) ҳисоб-рақамлар мавжуд эмас.

Юқоридагиларни инобатта олиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 327-саддасининг йигирма олтинчи бандига кўра давлат божини тўлашни кечиктирган ҳолда, даъво аризамизни иш юритишига қабул қилишингизни сўрайман.

Илова:

“Асака” акциядорлик тижорат банкининг Шайхонтохур филиали томонидан 2017 йил 14 ноябряда берилган 45/107-сонли маълумотноманинг асл нусхаси – 1 варақда.

**“Ором” хусусий
корхонасининг раҳбари**

НАМУНА

С.Кенжаев.



2.5. Даъво аризасини судга топшириш тартиби

Иқтисодий судга киритиладиган даъво аризаси тайёр бўлгач, агар даъвогарда сканер ва интернет тармоғи мавжуд бўлса, у уйидан ёки иш хонасидан чиқмасдан, судга уни юбориши мумкин.

Бунинг учун даъво ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни сканер қилиш орқали *.pdf электрон кўринишида компютерга жойлаштирилади. Сўнгра интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси Олий судининг oliysud.uz расмий сайтидаги **Интерактив хизматлар –Иқтисодий судларнинг интерактив хизматлари – Электрон қабулхона** руқнига киришталаб этилади.

The screenshot shows the official website of the Olyi Sud (Oliy Sudi) of Uzbekistan. The main header features the national emblem and the text 'Ўзбекистон Республикаси Олий суди'. Below the header, there are several menu options: 'Олий суд ҳақида', 'Қонунчилик', 'Ахборот хизмати', 'Интерактив хизматлар' (highlighted in blue), 'Фойдали маълумотлар', and 'Боғланиш учун маълумотлар'. The 'Интерактив хизматлар' section contains a sub-menu titled 'Иқтисодий судларнинг интерактив хизматлари' with links to 'Интернет қабулхона', 'Электрон кутубхона', 'Ўзр судларнинг интерактив харитаси', and 'Судьялар ҳамда суд ходимлари билими ва малақасини ошириш'. To the right, there are three boxes: 'Фукароларни қабул қилиш жадвали', 'Фукароларни қабул қилиш тартиби', and 'Олий суд Раисига мурожаат юбориш'.

Шундан кейин электрон тизимга кириш учун “Рўйхатдан ўтиш” тугмаси босилади.



exsud.sud.uz/#/login

Ўзбекистон
Республикаси Олий
суди
(Иқтисодий судлар бўйича)

Тизимга кириш

Логин
Пароль
Парольни ўртадан тасдиқлаш
Кириш
Рўйхатдан ўтиш
language рус

Менюдаги барча маълумотлар аниқ ва тўғри тўлдирилган ҳолда
“Сақлаш ва юбориш” тугмаси босилади, даъвогарга тегишли бўлган
маълумотлар электрон тармоқда сақланади ва унга тармоқقا кириш
учун аккаунт яратилади.

exsud.sud.uz/#/reg_user

control_point Фойдаланувчани регистрация
қилиш

person_add Регистрация
Аккоунтни яратиш учун, кўйидаги катакларни тўлдиринг

Ф.И.Ш.
Логин
Телефон раҳами
Почта манзилингиз
Пароль
Паролни тасдиқлаш
Сақлаш ва юбориш

SUD

exsud.sud.uz/#/reg_user

control_point Фойдаланувчани регистрация
қилиш

person_add Регистрация
Аккоунтни яратиш учун, кўйидаги катакларни тўлдиринг

Сандов Аброр Ахорович
“Шарқ” МЧЖК
0 366-234-56-56
shard_01@inbox.uz

Сақлаш ва юбориш



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Шундан сўнг даъвогар яна “Тизимга кириш” менюсига қайтган ҳолда тизимга кириши керак.

Ўзбекистон
Республикаси Олий
суди
(Иқтисодий судлар бўйича)

Тизимга кириш

“Шарк” МЧЖ

Парольни ўргудонтасиз?
Кириш
Рўйхатдан ўтиш
language ru

Тизимга кирган ҳолда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жойлаштирилади. Даъво аризаси судда қоғоз кўринишида чоп этилади ва белгиланган тартибда суд девонхонасида рўйхатга олинади.

Судга электрон тарзда мурожаат қилган даъвогар суд мажлиси бўладиган вақтда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг аслини судга тақдим этиши лозим ва улар далил сифатида текширилади ҳамда ишга қўшиб қўйилади.

Агар даъво аризасини электрон шаклда юбориш учун интернет тармоғи мавжуд бўлmasa ёки интернет тармоғи орқали юборишнинг имконияти бўлmasa, унда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни оддий почта орқали судга юбориш ёки, агар суд биноси яқин бўлса, уларни суднинг қабулхонасига бориб топшириш ҳам мумкин.

Электрон тизим орқали даъво аризасини судга тақдим этишининг қулиялиги шундаки, нафақат даъво аризаси қисқа муддатда судга тақдим этилади, балки ушбу даъво аризаси бўйича чиқарилган суд ҳужжатларини ҳам даъвогар электрон кўринишида суддан олиши мумкин бўлади. Ундан ташқари даъвогарда даъво аризасини суд томонидан кўриб чиқилиши қай ҳолатда эканлигини ҳам аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Даъвогар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида ажрим орқали хабардор қилинади. Суднинг ажримини олган даъвогар суд мажлисида вакил иштирок этишини таъминлаши лозим. Шунингдек, даъвогарда ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқиши суддан сўраш ҳуқуқи мавжуд. Агар даъвогар ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқиша розилик берса, иш судда даъвогар иштирокисиз, тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилади.



НАМУНА

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига

Даъвогар: “Шарқ” масъулияти чекланган жамияти

Карши шаҳри, Баҳор кӯчаси 5-үй.

sharq_01@inbox.uz

“Асака” акциядорлик тижорат банкининг

Карши шаҳар филиали

х/р:20208000512457896001,

МФО: 00125,

СТИР: 200564784, Тел: 0-375-234-56-56,

ИЛТИМОСНОМА

(ишни даъвогар иштирокисиз кўриш тўғрисида)

“Шарқ” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Хумо” масъулияти чекланган жамиятияга нисбатан киритилган даъво аризаси бўйича жавобгардан 120 000 000 сўм асосий қарз ва тўлов кечикирилганлиги учун ҳисобланган 60 000 000 сўм пеняни, олдиндан тўланган 1 800 000 сўм давлат божи 5 000 сўм поча харажатини ундириб бериш сўралган.

“Шарқ” масъулияти чекланган жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ўртасида 2017 йил 29 ноябрь куни тузилган 48-сонли шартномага асосан жамиятимиз ҳукукшуноси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида жорий йилнинг декабрь ойда малака ошириш курсини ўташи, ўзим хизмат сафари билан Россия Федерациясига бир ойлик муддатга кетаётганинг сабабли, суд мажлисида вакил иштирокини таъминлашнинг имкони бўлмайди. Шу сабабли, мазкур ишни даъвогар иштирокисиз, биз томонимиздан тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқишингизни сўрайман.

Иловা:

- 1) шартнома нусхаси 2 варақда;
- 2) хизмат сафарига юбориши тўғрисидаги буйруқ нусхаси 1 варақда.

“Шарқ” масъулияти чекланган
жамияти директори

НАМУНА

А.Саидов

Ёдда тутинг!

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган даъвогар суд мажлисида иштирок этмаса ҳамда ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишига розилик бермаса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади ва иш юзасидан тўланиши керак бўлган давлат божи даъвогар зиммасига юклатилиб, ундан ундирилади.



2.6. Суд буйруғи бериш түғрисидаги аризаларни күриб чиқиш

Иқтисодий судлар томонидан күриладиган ишларнинг яна бир тури – буйруқ тартибида күриладиган аризалардир. Бу суд ҳужжати суд буйруғи деб номланади. Бу тоифадаги ишларнинг тарафлари кредитор ва қарздор бўлиб, судга ариза билан мурожаат қилган юридик шахс ёки якка тартиbdаги тадбиркор кредитор, яъни ҳақ талаб қилувчи, ариза қаратилган шахс эса қарздор ҳисобланади.

Суд буйруғи кредиторнинг низосиз талабларини қаноатлантириш түғрисидаги судьянинг ҳужжатидир. Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, у бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд буйруғи беришга асос бўлувчи талаблар:

- солиқлар бўйича қарздорликни ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш түғрисида талаб билдирилган бўлса;
- коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб билдирилганда (бунда коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари бўйича қарздорлик суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаслиги керак);
- ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш түғрисидаги талаб билдирилганда;
- талаб тўлланмаганилиги, акцептланмаганилиги ва акцептга сана қўйилмаганилиги сабабли нотариус томонидан қилинган вексель протестига асосланганда;
- лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкини талаб қилиб олиш түғрисидаги талаблар билдирилганда.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Суд буйруғи бериш түғрисидаги ишларни кўрища Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларини кўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2013 йил 5 декабрдаги 254-сон қарорининг 2-бандида қайд этилишича, ПКнинг 103-моддасида назарда тутилган



суд буйруғи бериш бўйича талабларнинг рўйхати тугал ҳисобланади ва у кенгайтирилган тарзда талқин қилинмайди.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда судловга тегишиликтининг умумий қоидалари бўйича берилади. У кредитор ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризада кўрсатиладиган маълумотлар:

- ариза берилаётган суднинг номи;
- кредиторнинг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзиллари;
- кредиторнинг қонун хужжатларига асосланган талаби;
- талабга асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар;
- ундириладиган сummанинг ҳисоб-китоби, лизинг обьекти талаб қилиб олинган тақдирда эса лизинг шартномасида белгиланган, тўланмаган тўловларнинг лизинг берувчининг лизинг шартномаси мuddati тугагунига қадар қолган даврдаги даромадини чегириб ташлаган ҳолдаги сummанинг ҳисоб-китоби;
- ундирилаётган қарздорлик вуждга келган давр;
- илова қилинган хужжатлар рўйхати.

Булардан ташқари, аризада кредиторнинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни ИПКда белгиланган талабларга тўлиқ мос бўлиши шарт.

ИПК 135-моддасининг 3-бандига асосан хужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисидаги талаб билдирилганда кредитор томонидан аризада дебиторлик қарзини қарздорнинг мол-мулкидан ундириш тўғрисида талаб қўйилиши мумкин эмас. Бундай талаб билдирилганда аризани қабул қилиш ИПК 140-моддасининг биринчи қисмига асосан рад этилади.

ИПК 135-моддасининг 3-бандига асосан қарздорликни ундириш тўғрисида талаб қўйилганда қарздорлик қарздор томонидан хужжатлар асосида тан олинган бўлиши, яъни икки томонлама тасдиқланган солиштирма далолатнома судга тақдим этилиши лозим.

Шунингдек, кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2013 йил 5 декабрдаги 254-сон қарорининг 9-бандида баён қилинишича ХПКнинг 105-моддасига мувофиқ



аризачи (кредитор) суд буйруғини бериш түғрисида ариза берганида қарздорга аризанинг нусхасин топшириши шарт. Қарздор - юридик шахсга суд буйруғини бериш түғрисидаги аризанинг нусхаси топширилганинг далили бўлиб, унинг раҳбари ёки ходимининг муҳр (штамп) (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган имзоси, қарздор - фуқарога эса, унинг шахсий имзоси ҳисобланади. Ушбу тартибга риоя қилинмаган тақдирда, суд буйруғини бериш түғрисидаги аризани қабул қилиш ХПК 107-моддаси биринчى қисмининг 4-бандига асосан рад этилади.

Суд буйруғи бериш түғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар:

- белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- суд буйруғини бериш түғрисидаги ариза нусхасининг қарздорга топширилганини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- талабга асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- агар суд буйруғини бериш түғрисидаги ариза кредиторнинг вакили томонидан имзолangan бўлса, унинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома.

Коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб билдирилган бўлса иқтисодий суд томонидан суд буйруғи берилади. Бунда қўйидаги ҳужжатлар қўшимча тарзда тақдим этилиши лозим.

Коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича қарзни ундириш түғрисида талаблар билдирилганида суд буйруғи бериш түғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар:

- истеъмолчи билан тузилган шартнома;
- қарздор тан олган қарз юзага келган давр кўрсатилган қарз ҳисоб-китоби;
- пеня ҳисобланиши түғрисидаги ва истеъмолчини тегишли коммуникация тармоқларидан узиш ҳақида огоҳлантириш кўрсатилган, қарзни узиш түғрисидаги талаб;
- истеъмолчини тегишли коммуникация тармоқларидан узиш ҳақидаги ёхуд етказиб беришни технологик ёки авария захираси даражасигача чеклаш түғрисидаги далолатноманинг кўчирма нусхалари.

Суд буйруғини бериш түғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи



тўланади. Агар судга мурожаат қилган кредитор ўзининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти эканлигини тасдиқловчи далилни тақдим қиласа, суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза юзасидан умумий тартибда ундириладиган давлат божининг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўлаши кифоя бўлади.

Масалан, 50 000 000 сўм қарзни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилса, 500 000 сўм давлат божи тўлаш лозим.

Агар шу сумма бўйича суд буйруғи бериш тўғрисида ариза тақдим қилинса, 250 000 сўм давлат божи тўлаш керак бўлади. Кредитор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти эканлигини статистика органи томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқласа, 125 000 сўм давлат божи тўлаши суд буйруғи бериш учун етарли бўлади.

Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризада билдирилган талаб ИПКнинг 135-моддасида назарда тутилмаган бўлса ёки билдирилган талаб иқтисодий судда кўриш учун тегишли бўлмаса судья суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади. Бу тўғрисида ажрим чиқарилади ва унинг устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Шунингдек, ИПКнинг 141-моддасида аризани қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилган.

Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза қўйидаги ҳолларда қайтарилади:

- ариза ИПКнинг 136-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилганда;
- ариза имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганда;
- билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда, шунингдек ИПКнинг 138-моддасида санаф ўтилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;
- қарздорга ариза нусхаси топширилгани тўғрисидаги далиллар тақдим этилмаганда;
- белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ва бошқа суд харажатлари тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда;
- шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаганда;
- суд буйруғи берилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида кредитордан ариза тушганда.

Судья аризани қайтариш ҳақида ариза келиб тушгандан беш кундан кечиктирмай, – суд буйруғи берилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида кредитордан ариза тушганда эса – суд буйруғини бериш



хақидаги аризани қайтариб олиш тұғрисида ариза келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Қарздор унга суд буйруғини бериш тұғрисидаги ариза нусхаси топширилған пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатда судга кредитор талабларыға қарши әзтиrozини, уни тасдиқловчы ҳужжатларни илова қылған ҳолда тақдим этишга ҳақы.

Белгиланған муддатда қарздор томонидан әзтиroz тақдим этилмаслиги, шунингдек уннинг билдирилған талабға розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

Суд буйруғи кредитор томонидан аризанинг нусхаси қарздорға топширилған кундан сўнг ўн кун ўтгач берилади. Ўн кунлик муддат суд буйруғини бериш тұғрисидаги аризанинг нусхаси қарздорға топширилған кундан бошлаб ҳисобланади. Агар аризанинг нусхаси топширилғанлыгини тасдиқловчы ҳужжатда бундай сана кўрсатилмаган бўлса, ўн кунлик муддат ушбу ариза судга келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ёдда тутинг!

Суд буйруғи судья томонидан якка тартибда суд муҳокамасиз, кредитор ва қарздор чақирилмасдан, уларнинг тушунтиришлари эшитилмасдан берилади.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, иккинчиси – суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади ва кредиторга берилади. Қарздорға суд буйруғининг тегишли тартибда тасдиқланған нусхаси юборилади.

Суд буйруғи бериш тұғрисидаги ариза билан судга электрон тарзда мурожаат қилиш мумкин бўлиб, бунда суд буйруғининг ёзма шаклига риоя қилинған ҳисобланади. Бундай тарзда тақдим қилинған ариза асосида суд буйруғи берилганда у кредиторга электрон ҳужжат шаклда юборилиши мумкин.

Агар қарздор билдирилған талабға қарши әзтиroz тақдим қилса ёки ҳуқуқ тұғрисида низо мавжудлиги кўринса ва уни тақдим этилған ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмаса, судья суд буйруғини беришни рад этади. Суд буйруғини беришни рад этиш тұғрисида ажрим чиқарилади.

Судлар суд буйруғини беришни рад этиш тұғрисидаги ажримда кредиторнинг ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилиши лозим. Суд буйруғини беришни рад этиш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш мумкин.



Суд буйруғида күрсатилиши шарт бўлган маълумотлар:

- суднинг номи, унинг жойлашган жойи ва буйруқ берилган сана;
- ишнинг рақами, судьянинг фамилияси ва исм-шарифи, талабнинг предмети;
- кредитор ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;
- ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини кўрсатган ҳолда;
- ундирилиши лозим бўлган давлат божи ва почта харажатларининг суммаси.

Агар қарздор узрли сабаб билан кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътиroz билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғи олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Суд бундай ҳолда буйруқни бекор қилишга ҳақли, шундан кейин кредиторнинг талаби даъво тартибида кўриб чиқилиши мумкин.

Ушбу муддат узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган бўлса, у қарздорнинг аризасига кўра тикланиши мумкин. Муддатни тиклаш тўғрисидаги ажримда узрли сабаб аниқ кўрсатилиши талаб этилади.

Ёдда туting!

Суд буйруғи апелляция, кассация инстанцияларида, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилмайди. Шу боис суд буйруғи устидан берилган апелляция ёки кассация шикояти, янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилади. Агар шикоят ёки ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, у бўйича иш юритиш тугатилади.

III БОБ


**ДАЪВО АРИЗАЛАРИ
ВА АРИЗАЛАРНИ СУДДА
КЎРИШ ЖАРАЁНИ**





3.1.1. Даъво аризани ва аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тартиби

Иқтисодий судда иш қўзғатиш учун манфаатдор шахслар, прокурор ёки қонун бўйича юридик шахслар, фуқаролар, давлат ва жамият ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг даъво аризалари (аризалари) асос бўлади.



Судья даъво аризаси судга келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан якка ўзи уни иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш масаласини ҳал қиласди.

Бу жараёнда судья қўйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қиласди:


- ✓ судга тақдим этилган даъво аризани расмийлаштиришда унинг шакли ва мазмунига риоя этилганми?
- ✓ даъво талаблари суд томонидан ҳал этиладиган масалаларми?
- ✓ ушбу даъво аризасини кўриб чиқиш шу суднинг судловига тегишилми?
- ✓ даъво аризанинг нусхаси ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганми?
- ✓ суд харажатлари тўланганми, тўланган давлат божи даъво талабига мутаносибми, агар давлат божи тўланмаган бўлса, уни кечиктириш тўғрисида илтимоснома мавжудми, илтимосномада келтирилган важлар асослами?
- ✓ даъвогар қонунга кўра давлат божидан озод этилганлигини важ қилиб, давлат божи тўламаган бўлса, бу ҳолат асослами?



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

- ✓ Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан даъвогар манфаатида киритилган даъво аризаси бўйича даъвогар ушбу палата аъзосими, аъзолик муддати тугамаганми?

Юқоридаги масалалар ўрганилган ҳолда, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш учун асослар етарли бўлса, судья беш кундан кечикитрмасдан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажримда ишни судда кўришга тайёрлаш билан боғлиқ масалалар ҳам ёритилиши мумкин.



СУДНИНГ БЛАНКИ

А Ж Р И М

(даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида)

Намангандар шаҳри

2018 йил 1 май

16-1709/2559-сонли иш

Намангандар шаҳриро иқтисодий судининг судьяси Ш. Ботиров, даъвогар "XXI-ACP" масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар "GULISTON SERVIS" масъулияти чекланган жамиятияга нисбатан 2014 йил 5 октябрдаги кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъвоси бўйича киритган даъво аризаси ва уларга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-128, 195-моддаларига асосланниб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

1. "XXI-ACP" масъулияти чекланган жамиятининг даъво аризаси иш юритишга қабул қилинсин.
2. Иш 2018 йил 20 май куни соат 11-30 да Намангандар шаҳриро иқтисодий судининг 1-сонли суд залида видеоконференцалоқа режимидаги очиқ суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин. Манзил: Намангандар шаҳри, Орзу кўчаси, 45-үй.

3. Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш учун ишда иштирок этувчи шахслар ва иқтисодий судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари суд муҳокамаси тайинланган вақтда ўз хоҳишларига кўра Намангандар шаҳриро иқтисодий судига ёки Тошкент туманлараро иқтисодий судига келишлари мумкин.

Ажрим нусхаси видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш бўйича техник ва бошқа шартларни таъминлаш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига юборилсин.

4. Ишни суд муҳокамасида кўришга тайёрлаш учун:

- даъвогар зиммасига: аризага илова қилинган ҳужжатларни асл нусхасини судга тақдим қилиш вазифаси юклатилсин;

- жавобгарга даъво аризасига нисбатан ёзма фикрни, эътиrozларини ва ҳужжатлар асосида исботлаш бўйича судишига оид бошқа тегишли материалларни судга тақдим этиш ҳукуки мавжудлиги тушунтирилсин;

- тарафлар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинсинлар.

5. Тарафларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътиrozларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги, ушбу Кодекс 107-моддасининг 6-бандига асосан даъвогар ҳўжалик судининг мажлисига келмаган ҳолда ҳўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтирилсин.

Судья

Ш.А. Ботиров



Амалиётда даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида битта ажрим чиқарилади.

Ишни кўрадиган суд жойлашган маъмурий бирлиқдан ташқарида жойлашган шахслар суд мажлисида ахборот техника воситаларидан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда тарафлар томонидан далилларни тақдим этиш ҳуқуқи, суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш ҳуқуқи, суд мажлисининг бўлиб ўтадиган жойи ва вақти кўрсатилади.

Шуни эътиборга олиш керак-ки, даъвогар томонидан тақдим этилган даъво аризада ёки унга алоҳида илова қилинган ҳужжатда даъвони таъминлаш чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билдирилган бўлса, судья даъво аризаси судга келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан, яъни бир кунлик муддат ичida даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ҳамда даъвони таъминлаш масаласини ҳал қилиши шарт.

Даъвони таъминлаш чорасини қўллаш тўғрисидаги аризанинг судга тақдим этилиши, биринчидан, суд томонидан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш муддатини қисқартирса, иккинчидан, даъвони таъминлаш чораси қўлланилганда, келгусида суд ҳужжатини ижро қилиш эҳтимоли кучаяди.

Масалан, бирор кўчмас мулқ, яъни бинони олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва ушбу бинодан жавобгарни мажбурий равишда чиқариш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган даъвогар даъво талабига алқадор бўлган кўчмас мулкнинг жавобгар томонидан бегоналаштирилиши билан боғлиқ ҳаракатлар қилишни таъқиқлаш тариқасидаги таъминлаш чорасини қўллаш тўғрисида судга ариза тақдим этганда суд томонидан даъвони таъминлаш чораси қўлланилган бўлса, суд ажрими бино жойлашган ҳудудда фаолият юритувчи кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш органига тақдим этилиши натижасида бинонинг иш судда кўриб чиқилиши давомида бегоналаштирилиши эҳтимолининг олдини олади.

Даъвогар нафақат даъво аризаси тақдим этиш билан бир вақтда, балки ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ҳам даъвони таъминлаш чорасини қўллашни сўраши мумкин. Ундан ташқари, агар ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлиб, даъво талаби қаноатлантирилган бўлса, даъвогар даъвони таъминлашни эмас, балки ушбу ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлашни сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд томонидан қонунда таъқиқланмаган бошқа турдаги даъвони таъминлаш чоралари ҳам кўрилиши мумкин.



Даъвони таъминлаш чоралари

- 1) жавобгарга тегишли бўлган мол-мulk ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш
- 2) жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни таъкиқлаш
- 3) бошқа шахсларга низо предметига алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни қилишни таъкиқлаш
- 4) даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш
- 5) мол-мulkни хатлашдан озод қилиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туриш
- 6) жавобгарга низоли мулкнинг бузилиши ёки унинг ҳолати ёмонлашишини олдини олишга қаратилган муайян ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини юклаш
- 7) низоли мулкни сақлаш учун учинчи шахсга (сақловчига) топшириш

Таъминлаш чоралари билдирилган талабга мутаносиб бўлиши лозим. Яъни, даъво талаби нимадан иборат бўлса, таъминлаш чораси ҳам шу талабга алоқадор бўлиши керак. Масалан, қарзни ундириш тўғрисида судга мурожаат қилинганда, жавобгарнинг мол-мulkлари ва пул маблағларининг қарз суммасига мутаносиб бўлган қисмини хатлаб қўйишдан иборат таъминлаш чораси сўралиши мумкин.

Шунингдек, низо мулкни талаб қилиб олиш тўғрисида бўлса, жавобгар ушбу мулкни бегоналаштириши ёки йўқ қилиб юборишини олдини олишга қаратилган таъминлаш чораси қўлланилади.

Ёдда тутинг!

Бир вақтнинг ўзида бир неча даъвони таъминлаш чоралари қўлланилиши мумкин.

Даъвони таъминлаш чораси қўлланилганда суд ажрим чиқаради ва ушбу ажрим суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро этилади.

ИПК 98-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилишича, даъвони таъминлаш чораларини ижро этиш мажбурияти суд томонидан зиммасига юклатилган шахс даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни



ижро этмаганлик учун ушбу Кодекснинг 14-бобида белгиланган тартибда суд жаримасига тортилади.

Даъво аризасини қабул қилиш тўғрисидаги ажрим у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан ишда иштирок этувчи тарафларга юборилиши лозим.

Бунда шуни эътиборга олиш керак-ки, даъво аризаси судга электрон тарзда тақдим этилса, суд ҳужжатлари даъвогарга электрон тарзда юборилади.

Судья даъвогар томонидан ИПҚда назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилган даъво аризасини иш юритишга қабул қилиши ва иш қўзғатиши шарт.

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас.



3.1.2. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари

Айрим ҳолларда даъвогар томонидан судга тақдим этилган даъво аризасини суднинг иш юритувига қабул қилиш рад этилиши мумкин. Бундай ҳолда судья томонидан беш кундик муддатда асослантирилган ажрим чиқарилади ва ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан даъвогарга юборилади. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда даъво аризаси ва унга илова қилинган барча ҳужжатлар даъвогарга қайтариб юборилади. Даъво аризаси судга электрон тарзда тақдим этилган ҳолда, даъвогарга суднинг ажрими юборилиши кифоя бўлади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш учун асос бўладиган ҳолатлар:

- низонинг иқтисодий судга тааллуқли эмаслиги;
- айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иқтисодий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки иш юритишини тугатиш тўғрисидаги ажрими ёхуд фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори ёки келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими, ишни медиация тартибида ҳал этиш бўйича тарафларнинг келишуви мавжудлиги;
- иқтисодий суднинг, фуқаролик ишлари бўйича суднинг, ҳакамлик судининг иш юритишида айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан кўрилаётган ишнинг мавжудлиги;
- айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган қарори мавжудлиги;
- айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ҳакамлик суднинг қонуний кучга кирган ажрими мавжудлиги (ҳакамлик судини ушбу низони кўриб чиқиш учун ваколатга эга эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тугатилганлиги ҳолати бундан мустасно).

Тақдим этилган даъво аризаси юзасидан ушбу ҳолатлардан бирортасининг мавжудлиги аниқланган ҳолда судья даъво аризасини иш юритишига қабул қилишни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.



Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан норози бўлган даъвогар апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Агар даъво аризасида даъвони таъминлаш чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома баён қилинган ёки алоҳида хужжат тариқасида илова қилинган бўлса, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим даъво аризаси судга келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан қабул қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олийхўжаликсуди Пленумининг “Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида” 2007 йил 15 июндаги 162-сон қарорининг 25-бандида қайд этилишича, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари ХПКнинг 117-моддасида назарда тутилган ва ушбу рўйхат кенгайтирилган тарзда талқин қилинмайди. Агар ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 4-бандларида назарда тутилган асослар даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, иш юритиш ХПК 86-моддаси биринчи қисмининг тегишинча 1 ва 3-бандларига асосан тутатилади. ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган даъво аризасини қабул қилишни рад этиш учун асос даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, даъво ХПК 88-моддасининг 1-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади.



3.1.3. Даъво аризани қайтариш

ИПКнинг 155-моддасида даъво аризасини қайтариш асослари кўрсатилган. Ушбу асосларнинг лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда даъво аризаси даъвогарга қайтарилади.

Даъво аризасини қайтариши учун асос бўладиган ҳолатлар:

- даъво аризасининг ИПКнинг 149-моддасида белгиланган шакл ва мазмунга риоя қилинмаган ҳолда тақдим этилганлиги;
- даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганилиги;
- иш даъво тақдим этилган иқтисодий суднинг судловига тегишли эмаслиги;
- ўзаро боғлик бўлган бир неча талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурӣ судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқлилиги;
- жавобгар ва учинчи шахсларга даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далилларнинг тақдим этилмаганилиги;
- белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тақдим этилмаганилиги, давлат божи тўлашни кечкитириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;
- шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар томонидан жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тақдим этилмаганилиги;
- битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарларга ўзаро боғланмаган бир неча талабнинг бирлаштирилганлиги;
- қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақидаги далилларнинг тақдим этилмаганилиги;
- даъво аризасини иш юритишига қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушганлиги.

Жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун қарши даъво аризаси бериш ҳуқуқига эга. Бунда у даъво аризасини расмийлаштириш ва тақдим қилишнинг умумий қоидаларига риоя



қилади. Суд ИПК 160-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ келмайдиган қарши даъво аризасини ҳам қайтаради.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан норози бўлган даъвогар апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиши (прокурор протест келтириши) мумкин.



Даъво аризаси қайтарилса, даъвогар айнан шу асос билан судга қайтадан мурожаат қилишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлса, даъвогар томонидан олдиндан тўланган давлат божи тақдири нима бўлади?



Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф этилгандан кейин даъво аризаси билан тақроран судга умумий тартибда мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди. Эътиборга олиш керак-ки, даъво аризаси қайтарилган ҳолда, тўланган суд харажати кейин тақдим қилинган даъво аризани кўриб чиқишида инобатга олинади.

ИПКнинг 149-моддасига мувофиқ даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли. Бир неча даъво талаблари, агар улар иқтисодий судга тааллуқли бўлган низоли моддий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан ҳолда ўзаро боғлиқ бўлса, бирлаштирилиши мумкин (хусусан, қайтарилмаган кредит, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ва неустойкани ундириш ҳақида; хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ва шу хужжат асосида тўланган суммаларни қайtариш ҳақида; бир неча транспорт хужжатлари бўйича олинган ва битта қабул қилиш хужжати билан расмийлаштирилган ёки битта ҳисоб-китоб хужжати бўйича тўланган камомад миқдорини ундириш ҳақида).

Агар қўшимча даъво талаби дастлабки даъво билан боғлиқ бўлмаса ёки иккала талабни биргалиқда кўриш мақсадга номувофиқ деб топилса, суд ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мос ҳолда уни қайtариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Масалан, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар билан тузилган олди-сотди шартномаси бўйича етказиб берилган маҳсулот учун ҳақ ундириш билан бир вақтда, у билан тузилган ижара шартномасига мувофиқ ижара ҳақини ҳам ундириш тўғрисидаги талабни битта даъво аризасида бирлаштирган бўлса, суд бу талабларни бирга кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас деб топади. Бу ҳолда даъво аризаси қайtарилади. Шу сабабли икки ёки ундан ортиқ талаб биргалиқда битта даъво аризасида баён қилинадиган бўлса, даъво талабларининг ўзаро алоқадорлигини исботлаш талаб қилинади.



3.1.4. Даъво ариза юзасидан фикр-мулоҳаза ва қарши даъво

Даъвогар даъво аризасида ўзининг талабини асословчи ҳужжатларни тақдим этишга ҳаракат қиласди. Суд эса ишни кўриш давомида судга тақдим этилган далилларни ўргангандек ҳолда якуний тўхтамга келади.

ИПКнинг 9-моддасига кўра судда ишларни юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципи асосида амалга оширилади. Шу сабабли, қонунчиликда жавобгарнинг даъвогарга қарши ўзининг важларини баён қилиш, шунингдек, даъво талабига нисбатан ўзининг қарши даъво талабларини баён қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

ИПКнинг 156-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътиrozларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини ишда иштирок этувчи шахсларга фикр-мулоҳазазанинг ҳамда уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда судга юборишига ҳақли.

Фикр-мулоҳазада ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг почта манзили, телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили ҳам (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Фикр-мулоҳаза ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикр-мулоҳазага унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ишда иштирок этувчи жавобгар судга даъво юзасидан нафақат фикр-мулоҳаза тақдим этиши, балки даъвогарга нисбатан ўзининг талабини баён қилган ҳолда қарши даъво бериш ҳуқуқига ҳам эта. Қарши даъво жавобгар томонидан иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун берилиши мумкин.

Иш апелляция ёки кассация инстанция судларида кўрилишида қарши даъво тақдим этилиши мумкин эмас. Агар жавобгарларнинг сони икки ёки ундан ортиқ бўлса, қарши даъво улардан бири ёки бир нечтаси томонидан ҳам берилиши мумкин.



НАМУНА

Тошкент туманлараро иқтисодий судига

Жавобгар: **“Малик” хусусий корхонаси**

Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси 740-йй.

malik01@mail.ru

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг

Учтепа филиали

х/р:20208000548749194001, МФО: 00524,

СТИР: 207324780, Тел: 0-371-277-11-48

ЭЪТИРОЗНОМА

“Курувчи” хусусий корхонаси томонидан “Малик” хусусий корхонасига нисбатан 2017 йил 16 ноябрь куни киритилган 234-сонли даъво аризаси бўйича жавобгардан 700 000 000 сўм асосий қарз ва тўлов кечикирилганлиги учун ҳисобланган 50 000 000 сўм пеняни ундириб бериш сўралган.

Хақиқатдан ушбу иккала ташкилот ўртасида пудрат шартномаси тузилган ва “Курувчи” хусусий корхонаси томонидан “Малик” хусусий корхонасига жами 1 000 000 000 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, белгиланган тартибда топширилган.

Даъво аризасида қайд этилишича, биз томонимиздан қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида 1 000 000 000 сўм тўлаб берилган ва қабул қилиб олинган иш ҳажмининг 700 000 000 сўми тўланмасдан қолган. Ушбу суммани бизнинг корхонадан ундириб бериш ҳақида даъвогар томонидан даъво аризаси киритилган.

Биз ушбу қарзни умуман тан олмаймиз. Чунки қурилиш давомида биз пудратчига 2016 йил 15 февралда тузилган 1-сонли ишончнома, 75-сонли ҳисобварақ-фактура ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали 700 000 000 сўм микдоридаги темир-бетон маҳсулотларини берган эдик. Қурилиш давомида биздан олинган ушбу товарлар ҳақи иш ҳажмидан чегириб ташланмасдан, даъвогар фақат ҳисоб-рақамидаги маълумотларга кўра даъво тақдим этган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 640-моддасининг биринчи қисмига кўра пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши, иш тугаганидан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши, шунингдек унинг қолдигини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт.

Гарчи, “Курувчи” хусусий корхонаси биздан 400 000 000 сўмлик темир-бетон маҳсулотларини қабул қилиб олган бўлса-да, унинг қурилища сарфланганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни бизга тақдим этмаган. Шунингдек, бажарилган ишдан ушбу сумма чиқарилмасдан судга даъво тақдим этилган.

Қайд этилганларга кўра даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингизни сўрайман.

Илова:

1. 2016 йил 15 февралдаги 1-сонли ишончноманинг нусхаси – 1 варақда;
2. 2016 йил 15 февралдаги 75-сонли ҳисобварақ-фактуранинг нусхаси – 1 варақда
3. 2016 йил 15 февралдаги топшириш-қабул қилиш далолатномаси нусхаси – 1 варақда.

“Малик” хусусий корхонаси раҳбари

НАМУНА

Р. Соатов



Тошкент туманлараро иқтисодий судига

Жавобгар: "Шарқ юлдузи" ишлаб-чиқариш савдо корхонаси

Тошкент шаҳри, У.Носир кӯчаси 740-үй.

Sharq_yulduzi@mail.ru

"Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг

Учтепа филиали

х/р:20208000548749197001, МФО: 00524,

СТИР: 207324780, Тел: 0-371-277-11-48,

Даъвогар: "Ором" хусусий корхонаси

Тошкент шаҳри, Анҳор кӯчаси 185-үй.

xk_orm@mail.uz

"Асака" акциядорлик тижорат банкининг

Шайхонтохур филиали

х/р:20208000214598983001, МФО: 00854,

СТИР: 209321654, Тел: 0-371-273-10-21,

Қарши даъво аризаси

"Ором" хусусий корхонаси томонидан "Шарқ юлдузи" ишлаб-чиқариш савдо корхонасига нисбатан 2017 йил 26 октябрь куни киритилган 511-сонли даъво аризаси бўйича ундан 400 000 000 сўм асосий қарз ва тўлов кечикирилганлиги учун ҳисобланган 25 000 000 сўм пеняни ундириб бериш сўралган.

Аслида ушбу иккала ташкилот ўртасида пудрат шартномаси тузилган ва "Ором" хусусий корхонаси томонидан "Шарқ юлдузи" ишлаб-чиқариши савдо корхонасига жами 6 400 000 000 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, белгиланган тартибда топширилган.

Даъво аризасида қайд этилишича, биз томонимиздан қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида 6 000 000 000 сўм тўлаб берилган ва қабул қилиб олинган иш ҳажмининг 400 000 000 сўми тўлансудан қолган. Ушбу суммани ва унинг кечикирилганлиги учун пеняни бизнинг корхонамиздан ундириш ҳақида даъво аризаси киритилган.

Лекин биз пудратчи 2017 йилнинг 4 май куни 521-сонли юк хати орқали 400 000 000 сўм миқдоридаги цемент маҳсулотини берган эдик. Пудратчи эса мазкур маҳсулот ҳақини инобатга олмаган. Қолаверса, пудратчи маҳсулотнинг қурилишга сарф қилганлиги тўғрисида бизга маълумот бермаган. Шу сабабли даъво талабини тўлиқ рад қилишингизни сўраймиз.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 327-моддасининг биринчи қисмига кўра бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечикириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариши натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

2016 йилнинг 15 февралидан 2017 йил 26 июня қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаси 9 фоизни ташкил қилган бўлиб, 2017 йил 27 июнядан шу кунга қадар банк қайта молиялаш ставкаси 14 фоизни ташкил қилмоқда.

Кайта молиялаш ставкаси 9 фоиз бўлган даврда 400 000 000 сўм маблағидан фойдаланганлик учун бир кунлик фоиз миқдори 98 361 сўмни, 14 фоиз бўлган даврда 153 424 сўмни ташкил қиласи. 2016 йил 16 февралдан 2017 йил 26 июня қадар 377 кун учун ҳисобланган фоиз миқдори 37 082 097 сўмни, 2017 йил 27 июнядан 2017 йил 17 ноябрга қадар 89 кун учун 13 654 736 сўмни, жами 50 736 833 сўмни ташкил қиласи.



Қайд этилғанларга күра даъвогарнинг даъво талабини тұлық рад қилиб, ундан үзганинг маблағидан фойдаланғанлық учун ҳисобланған 50 736 833 сүмни ундириб беришингизни сүраймиз.

Илова:

1. 2016 йил 4 майдагы 3-сонли ишончноманнинг нусхаси – 1 варақда;
2. 2016 йил 4 майдагы 521-сонли юк хатининг нусхаси – 1 варақда

НАМУНА

**“Шарқ қолдузи” ишлаб-чиқариш
савдо корхонаси раҳбары**

Р.Соатов

Қарши даъво аризасини бериш ва уни иш юритишга қабул қилиш даъво аризасини бериш ва уни иш юритишга қабул қилиш учун ИПКда белгиланған қоидалар бүйича амалга оширилади. Яғни, қарши даъво тақдим этган жавобгар унинг нусхасини даъвогарга юбориши, қарши даъво суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи тұлаши лозим.

ҚАРШИ ДАЪВО БЕРИЛИШИ МУМКИН БҮЛГАН ҲОЛАТЛАР

қарши талаб дастлабки
талабни ҳисоб қилишга
қаратылған бўлса

қарши даъвони
қаноатлантириш дастлабки
даъвони тұлық ёки қисман
қаноатлантиришин мумкин
бўлмайдиган қилиб қўйса

қарши даъво билан
дастлабки даъво ўртасида
ўзаро боғлиқлик бўлиб,
уларни биргаликда кўриб
чиқиш низони тез ва тўғри
ҳал этишга олиб келса

Суд амалиётида айрим ҳолларда учинчи шахслар томонидан қарши даъво тақдим этиш ёки жавобгар томонидан даъвогарга эмас балки бошқа шахсга нисбатан қарши даъво тақдим этиш ҳоллари учраб туради.

Даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низо судда кўрилаётган вақтда суд томонидан қабул қилинадиган қарор учинчи шахсларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатадиган бўлса, у ишда низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида иштирок этиш учун жалб қилинади.

Масалан, судда даъвогар бино жавобгар томонидан ноқонуний олди-сотди шартномаси асосида қўлга киритилганилиги асосига кўра даъво қўзғатиб, жавобгарнинг бинога эгалик қилиш ҳуқуқини юзага келтиришга асос бўлган шартномани ҳақиқий эмас деб топишни



сўраган бўлиб, иш кўрилаётганда, низоли мулк учинчи шахсга жавобгар томонидан ижарага берилганилиги ва ҳақиқатда у фойдаланаётганлиги аниқланган ҳолда, ижарачи низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилиниши керак. Чунки суд томонидан олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топиладиган бўлса, ижарачининг жавобгар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсири қиладиган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Ўз навбатида ижарачи, яъни учинчи шахс ёки жавобгар даъвогарга мулк ҳуқуқи юзага келганилигини тасдиқловчи туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан судга қарши даъво тақдим этса, бу талаб қарши даъво талаби ҳисобланмайди.

Чунки қарши даъво учинчи шахс томонидан эмас, балки жавобгар томонидан берилган бўлиши, шунингдек даъвогарга нисбатан тақдим этилиши лозим.

Учинчи шахс ёки жавобгар томонидан берилганилигидан қатъи назар, юқоридаги мазмундаги қарши даъво талаби бўйича жавобгар туман ҳокимлиги ҳисобланади. Бу каби ҳолларда суд қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқлиги сабабли ИПК 155-моддасининг иккинчи қисмига кўра қарши даъво аризасини қайтариши ва уни тақдим этганларга алоҳида тартиба судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтириши лозим.

ИПКнинг 170-моддасида қайд этилишича, суд ишда иштирок этувчи шахсларга тақдим этишни таклиф қилган даъво аризаси юзасидан фикр-мулоҳаза ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги мавжуд материаллар асосида ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигига ҳал қилиниши мумкин.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигига ҳал қилиниши мумкин.

Судда иш даъвогарнинг иштирокисиз кўриб чиқилиши учун у суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган ҳамда у ишни ўзининг иштирокисиз кўришга рози бўлиши шарт.

Ишни жавобгар ёки учинчи шахснинг иштирокисиз кўриш учун эса уларнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинганлигининг ўзи етарли ҳисобланиб, бунда уларнинг розилиги талаб қилинмайди.



3.2. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, ушбу ҳаракатларнинг амалга оширилиши лозим бўлган муддатлар, суд муҳокамаси ўтказиладиган вақт ва жой кўрсатилади.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримда баён этилиши мумкин.

Даъво аризасини иш юритувга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Ушбу ажримда баён қилинган масалалар низони қонуний ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлардан иборат бўлади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар:

- 1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади. Жумладан, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар судья томонидан ўрганилган ҳолда, низо тарафлари доираси белгиланади;
- 2) ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қиласди. Бунда манфаатдор шахслар деганда, даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар, даъвогар манфаатида судга мурожаат қилган органлар тушунилади;
- 3) ишда иштирок этувчи шахсларни видеоконференцалоқа режими орқали ўтказиладиган суд мажлисида иштирок этиши бўйича ҳукуқлари ҳақида хабардор қиласди;
- 4) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муйайн ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишини таклиф этади. Судга тақдим этилиши таклиф этилган ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги, мавжуд ҳужжатлар асосида ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қиласмиади;
- 5) гувоҳларни чақириради. ИПКнинг 58-моддасига кўра, иқтисодий суд низони тўғри ҳал этиши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва ҳолатлардан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин;
- 6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади. Ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласадиган



саволларни тушунтириб бериш учун суд ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг розилиги билан экспертиза тайинлайди. Агар экспертизани тайинлаш қонунда белгиланган ёки шартномада назарда тутилган ёхуд тақдим этилган далилнинг қалбакилаштирилганлиги тўғрисидаги аризани текшириш ёхуд кўшимча экспертиза тайинлаш зарур бўлса, суд экспертизани ўз ташаббуси билан тайинлаши мумкин.

- 7) тарафларга зарур далилларни олишга кўмаклашади, яъни тарафларнинг илтимосномаси бўйича зарур деб топилган далилларни талаб қилиб олади;
- 8) тарафларни яратшириш чораларини кўради;
- 9) тарафларнинг илтимосномаси кўра даъвони ва далилларни таъминлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;
- 10) бошқа шахсларнинг ишга киришиши, ишларни бирлаштириш ёки даъво талабларини алоҳида иш юритишга ажратиш, сайёр суд мажлисини ўтказиш масалаларини кўриб чиқади;
- 11) ишни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.



3.3.1. Судда ишни күриш тартиби

Ишнинг муҳокамаси суд мажлисида амалга оширилади. Ишдаги ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш, суд муҳокамасининг очиқлигини, судларнинг шаффоғлиги ва унга эришиш даражасини таъминлаш ҳамда суд муҳокамасининг тарбиявий таъсирини ошириш мақсадида жойга чиқилган ҳолда иш муҳокамаси сайёр суд мажлиси тарзида ўтказилиши мумкин.

Суд муҳокамаси судья томонидан якка тартибда амалга оширилганда у суд мажлисида раислик қилувчи ҳисобланади.

Суд муҳокамаси ҳайъат томонидан амалга оширилганда суд раиси суд мажлисида раислик қилувчи этиб судьялардан бирини тайинлайди ёки ўзи раислик қилувчи бўлади.

Суд муҳокамаси суднинг ўзгармас таркибида амалга оширилади. Суд муҳокамаси жараёнида судьялардан бири алмашган тақдирда муҳокама бошидан бошланиши лозим.

Суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда тамомланиши керак. Алоҳида ҳолларда суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Суд мажлисига раислик қилувчи:

1) суд мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қиласди;

2) иш юритуви иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равища хабардор қилинганикларини ҳамда улар келмаганлигининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади;

3) суд таркибини эълон қиласди, прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қиласди ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларни рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради;

4) келган гувоҳларни сўроқ қилиш бошлангунга қадар мажлис залидан чиқариб юборади;

5) иш юритуви иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;



- 6) таржимонни била туриб нотұғри таржима қилғанлик учун, экспертни била туриб нотұғри хуоса берганлик учун, гувохни била туриб ёлғон күрсатув берганлик ва күрсатув беришдан бosh торғанлик ёки бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик тұғрисида огоҳлантиради;
- 7) далилларни текшириш тартибини белгилайди;
- 8) иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқланишини таъминлаб, мажлисга раҳбарлик қиласи;
- 9) мажлисда тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Ёдда тутинг!

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тұғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хуосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътиroz билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ИПҚда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тұғрисида" 2007 йил 15 июндаги 162-сон қарорининг 6-бандида судларга тушунтирилишича, рад қилиш тұғрисидаги ариза фақат ХПКнинг 17 ва 18-моддаларида кўрсатилган ҳоллар мавжуд бўлганда берилиши мумкин.

ХПК 17-моддаси биринчи қисмининг 1-бандини қўллашда судья, агар у ишда иштирок этувчи шахсларнинг (ишда иштирок этувчи шахслар раҳбарларининг) ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса, ишни кўришда қатнаша олмаслигини назарда тутиш лозим.

Ишни якка тартибда кўраётган суд раисини рад қилиш тұғрисидаги ариза суд раисининг ўринбосари томонидан ҳал этилади.

Судлар ХПКда суднинг барча судьяларини бир вақтнинг ўзида рад қилиш назарда тутилмаганлигини, шу муносабат билан барча судьяларни рад қилиш ҳақидаги аризалар қаноатлантирилмасдан қолдирилиши лозимлигини инобатга олишлари керак.


ХПК 21-моддасининг тўртинчи қисмига кўра бир неча судьяни ёки ишни кўраётган бутун суд таркибини бутунлай рад қилиш масаласи шу суднинг тўлиқ таркибида оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Бунда "шу суд" деганда, айни шу ишни кўраётган суд таркиби назарда



тутилганлигини ҳисобга олиш лозим.

ИПК 23-моддасининг иккинчи қисмига кўра ишни якка тартибда кўраётган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала суднинг раиси, бир таркибли судда эса шу судья томонидан ҳал қилинади.

Мажлис залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш хукуқига эга. Суд мажлисини фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек радио ва телевидениега узатишга ишни кўраётган суднинг рухсати билан йўл қўйилади.



Ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.





Шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи шахсларга, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга ҳамда уларнинг бундай мажлисда иштирок этишига кўмаклашадиган тегишли судга юбориладиган ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатиласди.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суд ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар вакиллари ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар, шунингдек суд мажлисида тақдим этилган ёзма далиллар ишни кўраётган судга юборилишини таъминлайди.

Судларда ушбу ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган барча техника воситалар мавжуд бўлиб, тақдим этилган ҳужжатлар реал вақт режимида ишни кўрувчи судга электрон тарзда етказиб берилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи нафақат биринчи инстанция судида, балки апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

ИПКнинг 42-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборатлиги баён қилинган бўлиб, мазкур шахслар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари шарт.

Судьялар мажлис залига кирганларида залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ўринларидан турадилар.

Суд иш юритуви иштирокчилари судга "Хурматли суд!" деган сўзлар билан мурожаат қиладилар. Улар судга ўзларининг тушунтиришлари ва кўрсатувларини, саволларга жавобларини тик турган ҳолда берадилар. Бу қоидадан четга чиқишига фақат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Раислик этувчи суд мажлисида иштирок этаётган шахсларнинг соғлиғи, ногиронлиги ва шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда уларга ўтирган ҳолда судга мурожаат қилишига рухсат бериши мумкин. Бундай рухсатнинг берилганлиги, уларнинг раислик этувчи рухсатисиз судга мурожаат қилиши ҳуқуқини бермайди. Улар ҳам раислик этувчининг рухсатидан кейингина судга мурожаат қилишлари, тарафлар вакилларига саволлар беришлари ва бир томоннинг важига қарши ўзларининг эътироzlарини билдиришлари мумкин.

Суд мажлиси суднинг нормалишини ва процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлайдиган шароитда олиб борилади.

Суднинг ҳал қилув қарорини мажлис залида ҳозир бўлганларнинг барчаси тик турган ҳолда тинглайдилар.



Суд муҳокамаси давомида суд иш бўйича далилларни текширади: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хуносаларини, мутахассисларнинг фикрларини эшитади, ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради, шунингдек ёзма тарзда тақдим этилган тушунтиришлар, кўрсатмалар ва хуносаларни эълон қиласди.

Ёдда туting!

Суд мажлисида ҳозир бўлган шахсларнинг судда раислик қилувчи рухсати билан амалга оширадиган кино ва фотосурат, видеотасвирга олиш, суд мажлисини радио ва телевидениега узатишга доир ҳаракатлари суд мажлисидаги тартибга халақит бермаслиги керак. Бу ҳаракатлар суд томонидан вақт бўйича чегараланиши мумкин.

Мажлис вақтида тартиб бузилган тақдирда раислик қилувчи суд номидан тартибни бузган шахсни огоҳлантиради. Тартиб такроран бузилган тақдирда мазкур шахс раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин.

Агар судга далил тариқасида аудио ва видеотасвиirlар тақдим этиладиган бўлса, уларни намойиш қилиш суд мажлиси залидан ёки ушбу мақсад учун маҳсус жиҳозланган бошқа хонада амалга оширилади. Аудио ва видеотасвиirlарни намойиш қилиш факти суд мажлиси баённомасида акс эттирилади, электрон ташувчилар эса далил сифатида ишга қўшилиши керак.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва иш муҳокамаси билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномалари суд томонидан ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари эшитилганидан кейин ҳал қилинади.

Ариза ёки илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш масаласи ишни кўриш ёки суд мажлисини якунлаш жараёнида ҳал этилиши мумкин.

Аризалар ва илтимосномаларни кўриш натижалари бўйича суд ажрим чиқаради.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларга тақдим этишни таклиф қилган даъво аризаси юзасидан фикр-мулоҳаза ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги мавжуд материаллар асосида ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигига ҳал қилиниши мумкин.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигига ҳал қилиниши мумкин.



Суд ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган ёхуд видео-конференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш вақтида видеоконференцалоқа ўрнатишнинг имкони бўлмаган тақдирда ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Суд муҳокамаси уни кейинга қолдиришга асос бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга, ИПҚда суд муҳокамаси учун белгиланган муддат доирасида қолдирилиши мумкин.

Суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ёдда тутиңг!

Суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Агар суд мажлисида тарафлар ҳозир бўлган бўлсалар, суд келган гувоҳларни суд муҳокамасини кейинга қолдиргунча сўроқ қилишига ҳақли. Бу гувоҳларнинг кўрсатувлари янги суд мажлисида эълон қилинади. Ушбу гувоҳларни янги суд мажлисига такорран чақириш фақат зарур ҳолларда амалга оширилади.

Янги суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи, ammo суд мажлисига келмаган шахслар қонунда белгиланган тартибида, суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахслар ишга кўшиб қўйиладиган тилҳат олиш орқали хабардор қилинади.



Ёдда тутинг!

Гувоҳ кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик, била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади. Шу сабабли суд гувоҳни бу ҳақда огоҳлантиради ва тилхат олади.

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Суд муҳокамаси у кейинга қолдирилган жойидан бошлаб давом эттирилади. Зарур ҳолда ишнинг муҳокамаси у кейинга қолдирилганидан кейин бошидан бошланади.

Суд ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан суд мажлисида уч кундан ошмаган муддатга танаффус эълон қилиниши мумкин. Бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

Танаффус тугаганидан кейин суд мажлиси давом этади, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида эълон қиласди. Танаффусдан олдин текширилган далилларни қайтадан кўриб чиқиш, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакиллари алмаштирилган бўлса ҳам, амалга оширилмайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар танаффус эълон қилингунга қадар суд мажлисида ҳозир бўлган ёки бўлмаганликларидан қатъи назар суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган ҳисобланадилар ҳамда уларнинг танаффус тугаганидан кейинги суд мажлисида ҳозир бўлмаганликлари уни давом эттиришга тўсқинлик қилмайди.

Барча далиллар текширилганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш бўйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай материаллар бўлмаса, суд музокараларига ўтади.

Суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки чиқишиларидан иборат бўлади. Музокараларда улар иш бўйича ўзларининг фикрларини асослайдилар.



Суд мажлисида ишда иштирок этувчилардан ким биринчи бўлиб фикрини билдиришига ҳақли? Ёки фикр билдириши, вожларини баён қилиши кетма-кетлиги мавжудми?



Суд музокараларида биринчи бўлиб даъвогар, кейин низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс ва жавобгар сўзга чиқади. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс



ишида қайси даъвогар ёки жавобгар томонидан иштирок этадётган бўлса, шу даъвогар ёки жавобгардан кейин сўзга чиқади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши мақсадида судга мурожаат этган прокурор, шунингдек давлат ва бошқа органлар, ташкилотлар вакиллари суд музокараларида биринчи бўлиб сўзга чиқадилар.

Суд музокаралари қатнашчилари суд томонидан аниқланмаган ҳолатларга ва суд мажлисида текширилмаган ёки суд томонидан номақбул деб топилган далилларга таянишга ҳақли эмаслар.

Агар суд музокаралари давомида ёки улардан кейин суд қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текширишни зарур деб топса, у далилларни теширишини тиклайди, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

Далилларни қўшимча текшириш тамомланганидан кейин суд музокаралари ИПҚда белгиланган тартибда ўтказилади.

Далиллар текширилгач вاصуд музокараларидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи иш бўйича суд муҳокамаси тамомланганлигини эълон қиласди ва суд қарорини қабул қилиш учун чиқиб кетади.



3.3.2. Даъвони кўрмасдан қолдириш

Даъвони кўрмасдан қолдириш ишни мазмунан қўриб чиқмасдан, иш қўришни якунлаш ҳисобланади. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, даъвогар судга даъво аризаси билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли.

Даъвони кўрмасдан қолдириш асослари ИПКнинг 107-моддасида баён қилинган бўлиб, ушбу рўйхат тугал ҳисобланади. Яъни, ушбу асослардан бошқа асос билан даъвони кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажримчиقاради. Суд ажримида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Ишни қўриш даъвони (аризани) кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни чиқариш билан якунланганида давлат божи қайтарилмайди, тўланмаган давлат божи эса даъвогардан ундирилади.

Даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлувчи ҳолатлар

- фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий ва маъмурний ёки ҳакамлик суди иш юритида айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш қўрилаётган бўлса;
- ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлик судига қўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви бўлиб, ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ва, агар ишнинг иқтисодий судда қўрилишига қарши бўлган жавобгар биринчى аризасидан кечиктирмай низони мазмунан ҳал этишини ҳакамлик судига топшириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилса;
- даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш хукуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи, фамилияси ва исми-шарифи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ундириб олиниши шарт бўлишига қарамай даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат этмаган бўлса;



- даъвогар талабнома юбориш ёки низони судгача ҳал қилишнинг бошқа тартибига риою этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишига розилик бермаган бўлса;
- юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда хукуқ тўғрисида низо келиб чиққанлиги аниқлансан;
- даъвогар унинг манфаатларини кўзлаб прокурор, давлат органи, бошқа шахс томонидан тақдим этилган даъводан воз кечган бўлса;
- “Банкротлик тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кўриб чиқилиши лозим бўлган талаб билдирилган бўлса.

Дастлабки даъво (ариза) кўрмасдан қолдирилгандан кейин даъво аризаси (ариза) билан иқтисодий судга қайтадан мурожаат қилинганда давлат божи умумий асосларда янгидан тўланади.

Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.



3.3.3. Даъвони ўзгартериш, ишларни бирлаштириш ва талабларнинг бир қисмини ажратиш

Даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўришда ишни мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд қарори қабул қилингунга қадар даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартериш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақли.

Даъвогар ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда ишни тегишли инстанция судида мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд қарори қабул қилингунга қадар даъводан тўла ёки қисман воз кечишга ҳақли.



Даъво предметининг ўзгариши даъвогарнинг жавобгарга нисбатан моддий-хукукий талабларининг ўзгаришини билдиради. Даъво асосини ўзгартериш даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўз талабларини асослантирган ҳолатларнинг ўзгаришини билдиради.

Суд шунингдек, даъводан воз кечишни, даъво талаблари миқдорини камайтиришни, агар бу қонун ҳужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса қабул қилмайди. Бундай ҳолларда суд ишни мазмунан кўради.

Даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартеришни, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришни, даъвогарнинг даъводан



тұла ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ёхуд қабул қилишни рад этиш тұғрисида суд ажрим чиқаради.

Биринчи инстанция суди айни бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир неча ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

Ишларни бирлаштиришга иш күришни якуни бүйича суд қарори қабул қилингунга қадар йүл қўйилади. Ишлар бирлаштирилганда улар бүйича ишни кўриш муддати кейинроқ тайинланган иш бўйича белгиланади. Ишларни бирлаштириш тұғрисида суд ажрим чиқаради.

Бундай ҳолда, бирлаштирилган ишни кўриш якунига кўра битта суд хужжати қабул қилинади ва даъво талабларига мутаносиб равища давлат божи ундирилади. Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозимки, низо тарафлари айнан шу тарафлар бўлса-да, битта иш бўйича даъвогар бўлган томон иккинчи ишда жавобгар бўлса ҳам, бир турдаги иш бўладиган бўлса, бу ишларни бирлаштиришга йўл қўйилади.

Агар суд талабларни ажратиб кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, бир ёки бир неча бирлаштирилган талабларни алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Талабларни алоҳида иш юритишга ажратишга иш кўришни якуни бўйича суд қарори қабул қилингунга қадар ҳам, уни қабул қилиш билан бир вақтда ҳам йўл қўйилади.

Талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш тұғрисида суд ажрим чиқаради.

Ажратилган талаб бўйича ишни кўриш муддати ажрим чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ажратилган талаблар бўйича юритилган ишларда давлат божи даъво талабига мунатосиб равища ундирилади. Давлат божи икки ёки ундан ортиқ талаб бўйича қонунда белгиланган миқдорда тўлиқ тўланган бўлса, ажратилган талаб доирасида тақсимланади.

Ишларни бирлаштириш ва талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас.

Ёдда тутинг!

Агар битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб билан алмаштирилса ва бу ўзгаришга бошқа асослар келтирилса, бундай ҳолда даъвонинг предмети ва асоси ўзгарган ҳисобланади. ИПК даъво предмети ва асосини бир вақтда ўзgartiriшга йўл қўймайди.



3.3.4. Иш юритишни тұхтатиб туриш

Судда иш юритишнинг вазифалари тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқтарини ўз вақтида тиклашга қаратылған.

Судда иш күриш процессуал қонунчиликта белгиланған муддатлар доирасыда амалға оширилиши лозим.

Шундай ҳолатлар бўладики, муайян ҳаракат якунига етгунига қадар ёки бирор чора-тадбир амалға оширилгунга қадар ишни кўриб чиқишининг имкони бўлмайди. Бу ҳолда суд иш юритишни тұхтатиши лозим бўлади.

ИПКда суд иш юритишни тұхтатиб туришга мажбур бўладиган ва иш юритишни тұхтатиши ҳуқуқи қайси ҳолатларда мумкинлиги санаб ўтилган.

Иш бўйича иш юритиш тұхтатилгандан сўнг ушбу Кодекс ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ёхуд суд томонидан белгиланған барча муддатларнинг ўтиши тұхтатилади.

Иш бўйича иш юритиш тиклангунга қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатларни амалға оширишга ҳақли эмас, даъвони ва далилларни таъминлашга қаратылған ҳаракатлар бундан мустасно.

Тарафларнинг ушбу муддат давомидаги процессуал ҳаракатлари, агар улар кўрсатилған масалаларга оид бўлмаса, иш бўйича иш юритиш тикланганидан кейингина ҳуқуқий оқибатлар туғдиради.

Суд қўйидаги ҳолларда иш юритишни тұхтатиб туришга мажбур

- ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурӣ ёки иқтисодий суд томонидан кўриллаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга, шунингдек олиб борилаётган тергов ҳаракатлари якунлангунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда;
- жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмida бўлган ёки Ўзбекистон

Суд қўйидаги ҳолларда иш юритишни тұхтатиб туришга ҳақли

- суд томонидан экспертиза тайинланганда;
- ишда иштирок этувчи шахс бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда;
- ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда;
- низони мазмунан ҳал этиш учун зарур бўлган процессуал ҳаракатларни амалға ошириш ҳақида чет давлат судларига белгиланған тартибида топшириқ юборилганда.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Республикаси Қуролли Күчларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар - фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда;

- ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;
- ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро мумомала лаёкатини йўқотганда;
- тараф суд томонидан тан олиниши ва ижрора қаратилиши тўғрисида кўрилаётган чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилив қарорини бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида ваколатли органга илтимоснома берганда.

ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ МУДДАТЛАРИ

– ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурий ёки иқтисодий суд томонидан кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга, шунингдек олиб борилаётган тергов ҳаракатлари якунлангунига қадар кўриш мумкин бўлмаган ҳолларда тўхтатилганда –

– жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Күчларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Күчларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар-фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганилиги муносабати билан тўхтатилганда –

– ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса; ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро мумомала лаёкатини йўқотганилиги асос билан ҳамда ишда иштирок этувчи шахс бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганилиги асосига кўра тўхтатилганда –

тишили суднинг суд ҳужжати қонуний кучга киргунинга ёки тергов ҳаракатлари якунлангунига қадар;

иш бўйича иш юритиши тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингунга қадар;

ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий вориси аниқлангунга, муомалага лаёқатсиз шахсга вакил тайинлангунга, янги ташкил этилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар;



- тараф суд томонидан тан олиниши ва ижрода қаратилиши түғрисида күрилаётган чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки унинг ижросини түхтатиб туриш ҳақида ваколатли органга илтимоснома берганлиги сабабли түхтатилганда –
 - суд томонидан экспертиза тайинланганлиги муносабати билан түхтатилганда –
- иш юритишни түхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингунiga қадар; суд томонидан экспертиза хуносаси олингунга қадар

Иш бўйича иш юритишни түхтатиб туриш, уни тиклаш ёки тиклашни рад этиш түғрисида суд ажрим чиқаради. Ажрим нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Иш бўйича иш юритишни түхтатиб туриш түғрисидаги, иш юритишни тиклашни рад этиш түғрисидаги суд ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ёдда туting!

Агар битта ажримда суд ҳам экспертиза тайинлаган, ҳам экспертиза хуносаси олингунга қадар иш ютиришни түхтатган бўлса, ажримнинг экспертиза тайинлаш қисмига нисбатан шикоят қилиниши мумкин эмас, иш ютиришни түхтатиш қисмига нисбатан эса шикоят қилиш мумкин.

Иш юритишни түхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингач, иш бўйича иш юритиш тикланади.



3.3.5. Иш юритишни тугатиш

Судга тақдим этилган даъво аризаси асосида иш қўзғатилиб, уни кўриш давомида шундай ҳолатлар аниқланади-ки, ишни мазмунан ҳал қилишнинг ёки кўриб чиқишининг имкони бўлмайди. Бунда суд асослантирилган ҳолда иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим қабул қилиши лозим бўлади.

Масалан, кўрилаётган ишнинг иқтисодий судга тааллуқли эмаслиги ишни кўриш вақтида маълум бўлиб қолса, яъни даъво талабини ҳал қилиш иқтисодий суднинг ваколатидаги масала ҳисобланмаса, у ҳолда иш юритиш тугатилиши керак.

Иш юритишни тугатиш асослари:

- иш иқтисодий судга тааллуқли бўлмаса;
- фуқаролик ишлари бўйича суднинг, маъмурий суднинг, иқтисодий суднинг ёки чет давлат ваколатли суднинг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган суд ҳужжати бўлса, иқтисодий суд томонидан чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилган ҳоллар бундан мустасно;
- ҳакамлик суднинг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлик суднинг ҳал қилув қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан иқтисодий суд ижро варақасини беришни рад этган ҳоллар бундан мустасно;
- ишда тараф ҳисобланган юридик шахс тугатилган бўлса;
- ишда тараф бўлган фуқаронинг ўлимидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;
- даъвогар даъвосидан воз кечган ва суд уни қабул қилган бўлса;
- келишув битими тузилиб, у суд томонидан тасдиqlangan бўлса;
- даъвогар талабнома юбориш ёки низони судгача ҳал қилишнинг бошқа тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса;
- тўпланган материаллар йўқотилган суд ишини ёки ижро ишини юритишни тиклаш учун етарли бўлмаса.



Иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Суд ажримда иш бўйича иш юритишни тугатиш асосларини кўрсатади, шунингдек давлат божини бюджетдан қайтариш ва суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш масалаларини ҳал қилади. Ажрим нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Иш бўйича иш юритиш тугатилган тақдирда айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан судга такroran мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.



3.4.1. Ҳал қилув қарори (қарор, ажрим)нинг турлари, уларнинг қонуний кучга кириши ва тарафларга юборилиши

Низони мазмунан ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси номидан суд ҳал қилув қарори қабул қиласи. Суднинг ҳал қилув қарори суд муҳокамаси тугаганидан кейин дарҳол қабул қилинади. Ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. У суд мажлисida текширилган далиллар билангина асослантирилиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади. Иш ҳайъатда кўрилганда ҳал қилув қарори суд мажлисida иштирок этаётган судьяларнинг кўпчилик овози билан судьялар маслаҳати сирининг сақланиши таъминланадиган шароитларда қабул қилинади.

Суд ҳал қилув қарорини қабул қилаётган хонада фақат ишни кўраётган суд таркибига киравчи судьяларгина бўлиши мумкин. Ушбу хонага бошқа шахсларнинг кириши, шунингдек суд таркибига кирмаган шахслар билан бошқа усуулларда мuloқотда бўлиш таъкиқланади.

Судьялар ҳал қилув қарорини қабул қилишда муҳокама мазмuni тўғрисидаги, суд таркибига киравчи баъзи судьяларнинг фикри тўғрисидаги маълумотларни ва судьялар маслаҳати сирини бошқа усууллarda ошкор қилишга ҳақли эмас.

Суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда далилларни қўшимча равишда текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, суд муҳокамасини янгидан бошлади.

Ҳал қилув қарори суд мажлисida раислик қилувчи ёки ишни кўраётган суд таркибидаги бошқа судья томонидан алоҳида хужжат кўринишида ёзма баён қилинади.

Судья қарор қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар:

- ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаб ва этироzlарини асослантириш учун келтирган далиллар ва важларга баҳо беради;
- иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;



- ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бүйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қиласди;
- ушбу иш бүйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;
- ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини аниқлади;
- даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қиласди;
- зарур ҳолларда даъвони таъминлаш чораларини амалда қолдириш ёки бекор қиши ёхуд ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларидан бирини кўриш масалаларини ҳал қиласди;
- ҳал қилув қарорини ижро этишнинг тартиби ва муддатини белгилайди;
- ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини ҳал қиласди;
- суд харажатларини тақсимлайди;
- суд муҳокамаси давомида юзага келган бошқа масалаларни ҳал қиласди.

Ҳал қилув қарори судья томонидан, иш ҳайъат таркибида кўрилганда эса - ҳал қилув қарорини қабул қилишда иштирок этган барча судьялар томонидан имзоланади.

Ҳал қилув қарори бир асл нусхада тайёрланади ва ишга қўшиб қўйилади. Тарафларга унинг аслига тўғрилиги тасдиқланган нусхалари юборилади.

1. Кириш

2. Баён

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИНГ ҚИСМЛАРИ

3. Асослантирувчи

4. Хулоса

Ҳал қилув қарорининг **кириш** қисмида ҳал қилув қарорини қабул қилган судинг номи; суд таркиби, суд мажлиси котиби; иш рақами, ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва жой, низо предмети; ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек уларнинг вакиллари ва суд иш юритувининг бошқа иштирокчилари кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг **баён** қилиш қисмида ишда иштирок этувчи шахсларнинг билдирган талаблари ва эътиrozлари, тушунтиришлари, аризалари ва илтимосномаларининг қисқача баёни ифодаланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг **асослантирувчи** қисмида:

- 1) ишнинг суд томонидан аниқланган ҳақиқий ҳолатлари;
- 2) иш ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаларига асос бўлган



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

далиллар ва қабул қилинган ҳал қилув қарорига асос бўлган важлар; суднинг у ёки бу далилларни рад қилганилиги, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаб ва эътиrozларига асос қилиб келтирган далилларни қабул қилганлиги ёки рад этганлигининг сабаблари;

3) суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда қўллаган қонун ҳужжатлари ва ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаганлигининг сабаблари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми, шунингдек суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг асослантирувчи ҳолатларини ўз ичига олиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми билдирилган ҳар бир талабларни тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хуласаларни ўз ичига олиши лозим.

Агар суд ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгилаган ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрган бўлса, бу ҳолат ҳал қилув қарорининг хулоса қисмida кўрсатиласди.

Низонинг тоифасига кўра ҳал қилув қарорининг хулоса қисмida акс эттирилиши шарт бўлган масалалар

- | | |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| – Пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талаблар қаноатлантирганида – | ундириладиган сумманинг миқдори (асосий қарз, заар, неустойка ва фоизлар миқдорини алоҳида кўрсатган ҳолда); |
| – Мол-мulk ундириб берилганида – | даъвогарга топширилиши лозим бўлган мол-мulkнинг номи, унинг қиймати ва турган жойи; |
| – Ижро ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда, шу жумладан нотариуснинг ижро ёзуви асосида амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганида – | ижро этишга тегишли бўлмаган ҳужжатнинг номи, рақами ва санаси ҳамда ҳисобдан ўчирилмайдиган сумма; |
| – Шартномани тузиш ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганда – | шартноманинг низоли шартлари бўйича хуласаси, шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб бўйича эса тарафлар қандай шартларда шартнома тузишга мажбур эканликлари; |
| – Пул маблағларини ундириш ёки мол-мulkни олиб бериш билан боғлиқ бўлмаган муайян | шу ҳаракатларни бажариши шарт бўлган шахс, шунингдек уларнинг амалга оширилиш жойи ва муддати; |



харакатларни бажариш мажбуриятини юклаш тұғрисидаги талаб қаноатлантирилганды –

- Бир неча дағынанға талаблары үларнинг ҳар бирига нисбатан қайси қисм (улуш)нинг тегишлилиги;
- Бир неча жавобгарларға нисбатан талаблар қаноатлантирилганды – жавобгарлардан ҳар бири ҳал қилув қарорининг қайси қисми (улуш)ни бажариши шартлиги ёки үларнинг жавобгарлығы солидар эканлиғи;
- Дастреки ва қарши дағындар тұла әкімнен қаноатлантирилганды – дағындарни үзаро ҳисобға олиш натижасыда үндирілиши лозим болған сума

Ҳал қилув қарорининг холоса қисмінде суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасыда тақсимлаш, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) муддати ва тартиби күрсатиласы.

Суднинг ҳал қилув қарори суд мұхоммадаси тамомланған суд мажлисінинг үзида раислик қилувчы томонидан әйлон қилинади.

Суд мұхоммадаси тамомланған суд мажлисінде қабул қилинған ҳал қилув қарорининг фақат холоса қисми әйлон қилинади.

Ҳал қилув қарорининг әйлон қилинаётган холоса қисми ҳал қилув қарорини қабул қилинишида иштирок этган барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга құшиб қойилиши лозим.

Ҳал қилув қарорини тұлық ҳажмда тайёрлаш ва имзолаш беш кундан ортиқ бўлмаган муддатта қолдирилиши мумкин.

Суд мажлисінде раислик қилувчы ҳал қилув қарорини әйлон қилганидан кейин ҳал қилув қарорини тұлық ҳажмда тайёрлаш муддати, ишда иштирок этувчи шахсларға уни етказиш ва уннинг устидан шикоят қилиш (протест келтириш) тартибини тушунтириб беради.

Суд ҳал қилув қарорининг нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларға ҳал қилув қарори қабул қилинған кундан әтиборан беш кунлик муддатда топширилганды маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборади ёки тилхат олиб топширади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлған тақдирда эса, ҳал қилув қарори ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

Ёдда туting!

Ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят бериш муддати қарор қабул қилинган куннинг әртасыдан ўта бошлайди.



Ҳал қилув қарорини қабул қилған суд ИПКда күрсатилған ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари ёки суднинг ташаббуси бўйича қабул қилиниши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш асослари:

ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса

суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса

суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса

Суд томонидан қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ИПКнинг 21-бобида белгиланган қоидалар бўйича ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида ИПКнинг 128-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласини кўриша тўсқинлик қilmайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда суд ажрим чиқаради.

Суднинг қўшимча ҳал қилув қарори ва қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилған суд ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижро чиқиришининг, суд қарорини ижро этиш юклатилган бошқа органларнинг аризалари бўйича, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзgartирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақли.

Суд ҳужжатини тушунтириш тўғрисидаги ариза суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар, давлат ижро чиқириши, суд қарорини ижро этиш юклатилган бошқа органларни мажлис вақти ва жойи тўғрисида қонунда назарда тутилган тартибда хабардор қилған ҳолда кўриб чиқлади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қilmайди.

Суд ҳужжатини тушунтириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан бошлаб йигирма кунлик муддатда кўриб чиқлади.



Ҳал қилув қарорини тушунтириш ёки тушунтиришни рад қилиш тұғрисида суд ажрим чиқаради. Ушбу ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мүмкін.

Ҳал қилув қарорини қабул қылған суд ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижрочисининг, суд қарорини ижро этиш юклатилған бوشқа органларнинг аризалари бўйича ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилған ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни, ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда тузатишга ҳақли.

Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш ҳақидаги ариза суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар, давлат ижрочиси, суд қарорини ижро этиш юклатилған бушқа органлар мажлис вақти ва жоий тұғрисида қонунда назарда тутилган тартибда хабардор қилинган ҳолда кўриб чиқлади. Бироқ уларнинг келмаганлыги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш ҳақидаги ариза у берилған кундан бошлаб йигирма кунлик муддатда кўриб чиқлади. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш ёки уларни тузатишни рад этиш тұғрисида суд ажрим чиқаради.

Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш ёки уларни тузатишни рад этиш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мүмкін.

Суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтгач, агар унинг устидан апелляция тартибida шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, қонуний кучга киради. Апелляция шикояти (протести) берилған тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган ёки ўзгартырилмаган бўлса, апелляция инстанцияси суди қарори қабул қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

Суднинг ҳал қилув қарори у қонуний кучга кирганидан кейин ИПКнинг бешинчи бўлимида назарда тутилган тартибда ижрога қаратилади.



3.4.2. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар (даъвосиз иш юритиш) суд томонидан ИПКда назарда тутилган даъво тартибида иш юритишнинг умумий қоидалари бўйича, ушбу тоифадаги ишларни кўришда назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда кўрилади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан қўзғатилади.

Іқтисодий суд юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгартирилиши ёки тугатилиши учун юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлайди.

Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор, фақат уларда ушбу фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни олиш ёки тиклаш имкони бўлмаса ва, агар қонун ҳужжатларида тегишли фактларни аниқлашнинг суддан ташқари бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд томонидан белгиланадиган юридик фактлар:

- юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг кўчмас мулкка ўз шахсий мулки сифатида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш факти;
- юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг маълум вақтда ва маълум жойда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги факти;
- иқтисодиёт соҳасида амалда бўлган ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатнинг, агар юридик шахснинг ҳужжатда кўрсатилган номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг исми, отасининг исми ёки фамилияси юридик шахснинг таъсис ҳужжатида кўрсатилган номига, якка тартибдаги тадбиркорнинг паспорти ёки түфилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган исми, отасининг исми ёки фамилиясига тўғри келмаса, юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорга тегишилиги факти;
- юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар, агар қонун ҳужжатларида уларни аниқлашнинг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса.



Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза аризачининг жойлашган жойи ёки яшаш жойи бўйича судга берилади, кўчмас мулкка эгалик қилиш, фойдаланишга оид юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилиши учун юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактлар бундан мустасно бўлиб, улар кўчмас мулк жойлашган жойдаги судга берилади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза ИПКнинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризада кўрсатилиши шарт бўлган маълумотлар

аниқлаш талаб
қилинаётган
факт

ушбу факт иктисадиёт
соҳасида юридик
оқибатлар келтириб
чиқариши назарда
тутилган қонун
нормалари

ушбу фактни
аниқлаш
зарурлигини
асослантирувчи
ҳолат

аризачи томонидан
тегишли ҳужжатларни
олиш ёки йўқотилган
ҳужжатларни тиклаш
имкони йўқлигини
тасдиқловчи далиллар

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризага ИПКнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар аризачи ва бошқа манфаатдор шахслар иштироқида кўрилади.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда судья юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилив қарори ҳуқуқларига дахлдор бўлиши мумкин бўлган манфаатдор шахсларнинг доирасини аниқлайди, иш бўйича иш юритиш тўғрисида ушбу шахсларни хабардор қиласида, уларни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш масаласини кўради, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар қиласида.

Ёдда туting!

Агар юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги иш бўйича суд муҳокамасида ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқсанлиги аниқланса, суд юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдиради ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишни кўришда суд қонун ҳужжатлари билан ушбу фактни аниқлаш учун суддан ташқари бошқача тартиб назарда тутилмаганлигини,



аризачида зарур ҳужжатларни олиш ёки тиклаш учун бошқа имконият бўлмаганлигини, иқтисодиёт соҳасида фаолиятини амалга ошириш муносабати билан аризачи учун ушбу факт юридик аҳамиятга эга бўлган оқибатларни келтириб чиқаришини, талаб этилаётган фактнинг аниқланиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларига таъсир этмаслигини, ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқмаганлигини аниқлайди.

Ишни қўриш давомида низо келиб чиқсанлиги асоси билан ариза кўрмасдан қолдирилса, ажримда аризачига ва иш бўйича бошқа манфаатдор шахсларга уларнинг судга даъво тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори суд томонидан ИПКнинг 21-бобида белгиланган қоидалар бўйича қабул қилинади.

Суд томонидан юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилганда, ҳал қилув қарорининг хуроса қисмида аниқланган факт баён этилади.

Суднинг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишли органлар томонидан шундай фактни қайд этиш учун ёки аниқланган факт муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқларни расмийластириш учун асос бўлиб ҳисобланади ва ушбу органлар томонидан бериладиган ҳужжатлар ўрнига ўтмайди.

Ёдда тутинг!

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида ижро варақаси берилмайди. Ҳал қилув қарорининг ўзи суд белгилаган фактни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлади.



3.4.3. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш

Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири бўлган эркин рақобат корхоналарнинг қонун асосида фаолият юритишини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Иқтисодий муносабатларнинг пухта ўрганилмаганлиги, бозор талаблари инобатга олинмаган ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг йўлга қўйилганлиги, хўжалик юритиш жараёнидаги билимсизлик корхоналарнинг зарар кўришига ва пировард натижада иқтисодий ноҷорликнинг юзага келишига олиб келади.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (бунданбўёнушбуబўлимдагиматнда Қонундебюритилади) 3-моддасида қайд этилишича, **банкротлик** (иктисодий ноҷорлик) – қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслигидир. Корхоналар иқтисодий судлар томонидан банкрот деб эътироф этилади.

Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар

- қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида **беш юз каррасини** ташкил этадиган бўлса,
- қарздор якка тартиbdаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида **үттиз каррасини** ташкил этадиган бўлса, иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш учун қарз миқдорининг аҳамияти йўқ.

Қонуннинг 188-моддасига кўра ўз фаолиятини тутатган қарздор якка тартиbdаги тадбиркор ёки тутатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби


катъи назар, кредитор, банкротлик түғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин.

Шунингдек, қарздорда пул мажбуриятини тўлаш мақсадида ундирув қаратиш мумкин бўлган мол-мulkning мавжуд эмаслиги ҳам ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тартибида кўрилади.

Қонуннинг 35-моддасида қайд этилишича, банкротлик түғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ иқтисодий судга мурожаат этиш ҳукуқига эга бўлган шахснинг (органинг) аризаси асосида қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) иқтисодий суд томонидан кўзғатилади.

Қарздорнинг банкротлиги түғрисидаги ишлар ИПКда назарда тутилган қоидалар бўйича, ушбу Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

Банкротлик түғрисидаги ишлар умумий тартибида ва соддлаштирилган тартибида кўриб чиқилади.



Умумий тартибдаги банкротлик иши бўйича юқоридаги таомилларнинг барчаси қўлланилиши мумкин. Соддалаштирилган тартибида ишни кўришда банкротликнинг кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди.

Умумий тартибдаги банкротлик иши икки ойлик муддатда, соддалаштирилган тартибдаги банкротлик иши эса икки ҳафталик муддатда кўриб чиқилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик түғрисидаги ишда қарздорнинг ходимлари ёки уларни вакили, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздорнинг мол-мulkи эгаси, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакили ҳамда бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.



БАНКРОТЛИК ТҮФРИСИДАГИ ИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР



Банкротлик түфрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар банкротлик түфрисидаги ишда құлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил жараёнида судга сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротлиқка олиб келиш аломатларини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинлаш түфрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Қонуннинг 51-моддасига кўра суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки банкротлик түфрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар бўлмаганда, суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш түфрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади. Суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш түфрисидаги ҳал қилув қарорида қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

Суднинг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш түфрисидаги қарорида қарздорнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотганлиги кўрсатиласди.

Суднинг қарздорни банкрот деб топиш түфрисидаги қарори устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

НАМУНА

Тошкент туманлараро иқтисодий судига

Қарздор: “СПМК-102” масъулияти чекланган жамиятидан

Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси 10А-үй.

Spmk102@mail.uz

“Асака” акциядорлик тижорат банкининг

Миробод филиали

х/р:20208000014549194001, МФО: 00120,

СТИР: 203054050, Тел: 0-371-277-40-79,

ИЛТИМОСНОМА

(суд санацияси жорий этиш тўғрисида)

Кредитор “З-сонли қурилиш трести” акциядорлик жамияти томонидан “СПМК-102” масъулияти чекланган жамиятини банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза тақдим этилган ва суднинг 2017 йил 4 октябрдаги ажрими билан “СПМК-102” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ҳамда кузатув жорий этилган.

“СПМК-102” масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳисобланади.

Жамиятнинг кредиторлик қарзи жами 1 750 478 120 сўмни ташкил қиласди, жумладан:

- 1 450 000 000 сўм – “З-сонли қурилиш трести” акциядорлик жамиятидан;
- 200 071 059 сўм – солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдида;
- 100 407 061 сўм – иш ҳақи бўйича ишчилардан.

Жамиятимизнинг буюртмачилар билан шартномалари мавжуд, шаҳарнинг икки мавзесида кўп қаватли уйлар қурилиши давом этмоқда. Жамиятимизда фаолият барқарор ва у 12 ой давомида тўлов қобилиятини қайта тиклаш имконига эга бўлиб, шундан сўнг у кредиторлар олдидаги қарзларни узишни бошлияди.

Жамиятнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш мақсадида суд санацияси режаси ишлаб қицилган, шунингдек қарзни узиш жадвали тузилган.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 76-моддасининг биринчи қисмига мувоғиқ, кузатув жараённида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида иқтисодий судга мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йигилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шу муносабат билан жамиятта нисбатан 12 ой муддатга суд санацияси жорий этишини сўрайман.

Илова:

Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали – 27 варақда;

“СПМК-102” масъулияти чекланган жамияти директори

НАМУНА

И.Файзиев



3.4.4. Корпоратив низолар бўйича иш юритиш

Корпоратив низолар бўйича ишлар суд томонидан ИПКда назарда тутилган қоидалар бўйича, мазкур Кодекснинг 26-бобида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда кўриб чиқилади.

Корпоратив низо бўйича даъво аризаси ИПКнинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

Даъво аризасига ИПКнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат илова қилинади.

Корпоратив низолар бўйича даъвогарнинг аризасига кўра суд томонидан даъвони таъминлаш чоралари кўрилиши мумкин.

Корпоратив низолар бўйича даъволар юридик шахс жойлашган жойда тақдим этилади. Юридик шахс жойлашган жой деганда, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган ва фаолият юритаётган жой тушунилади.

Айрим ҳолларда юридик шахслар бир маъмурий бирлик ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса-да, кейинчалик ўз манзилини бошқа маъмурий бирликка ўзгартириши мумкин. Бундай ҳолда даъво юридик шахс рўйхатдан ўтган жойдаги эмас балки, ҳақиқатда фаолият юритаётган жойдаги судга тақдим этилади.

Бунда фаолият юритилаётган жойнинг ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот ўзгарган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида давлат рўйхатидан ўтказувчи ваколатли органга хабар берилган ва маълумот асосида қайта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган бўлиши шарт.

Корпоратив низоларга доир ишлар судлар томонидан ФК, ИПК, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари доирасида ҳал этилади.



Суд томонидан ҳал қилинадиган корпоратив низолар:

- юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар;
- хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мulkни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мulkини бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар му-стасно;
- юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар;
- қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан, давлат органларининг ва бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳа-ракатсизлиги), эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиб билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равиша чиқариш) на-тижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиб билан боғлиқ низолар;
- қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг мумомаласи муносабати билан қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амал-га ошириш билан боғлиқ фаoliyatiдан келиб чиқадиган низолар;
- юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар;
- юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғри-сидаги низолар;
- қонун ҳужжатларида суднинг ваколатларига киритилган бошқа корпоратив низолар.

Шунингдек, судлар шахснинг хўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси (акциядори) эканлигини аниқлаш учун: тўлиқ ва коммандит ширкатлардан таъсис шартномасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси; масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардан таъсис шартномаси (агар муассислар сони икки ва ундан ортиқ бўлса) ва жамият уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси; акциядорлик жамиятларидан акциядорлар реестридан кўчирмани талаб қилиб олишлари лозим.



Ёдда тутинг!

Судларга хұжалик жамияти ва ширкати зиммасига унинг бошқарув органлари ваколатига кирадиган мажбурият (масалан, устав фондини (устав капиталини) күпайтириш ёки камайтириш)ни юклаш ҳақидағы дағво талаби тақдим этилган ҳолда, ушбу мажбурият қонун ҳужжатлари билан жамият ёки ширкат бошқарув органининг ваколатига киритилгандығы сабабли, рад этилади. Агар тақдим этилған талаб меңнат-хуқуқий муносабатларидан келиб чиққан бўлса, суд дағво аризасини қабул қилишни рад этади. Бу ҳолат ишни кўриш давомида аниқланса, низо иқтисодий судга таалуқли бўлмаганлиги асосига кўра иш юритиш тутатилади.



3.4.5. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш

Ҳакамлик муҳокамаси тарафлариға ҳакамлик суди ҳал қилув қарори устидан низолашиш ҳуқуқи берилган.

Жумладан, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан бўён матнда Қонун деб юритилади) 46-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичida ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб ариза бериш йўли билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиши мумкин.

ИПКнинг 223-моддасида мазкур норма янада аниқлаштирилган бўлиб, унга кўра, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг иқтисодий судга таалуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичida иқтисодий судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Шунингдек, ҳакамлик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, ушбу шахслар бундай ҳал қилув қарори устидан ИПКнинг 223-моддасига мос ҳолда ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида иқтисодий судга ариза беришлари мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги иқтисодий судга, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ариза эса қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганини низо бўйича иш юритиш иқтисодий суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.



Ҳакамлик судларининг қарорлари фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий суд томонидан қайта кўриб чиқилиб, бекор қилиниши ҳам мумкин экан? У ҳолда ҳакамлик судига мурожаат этгандан нима фойда?



Давлат судлари ҳакамлик судлари томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорларини аппеляция, кассация ва назорат тарзида қайта кўриб чиқишларини амалга оширишига ҳақли эмас, яъни ваколатли давлат судлари ҳакамлик судларига нисбатан юкори суд ҳисобланмайди. Улар фақатгина ҳакамлик судлари фаолиятидаги қонунда белгиланган процессуал тартиб-таомилга амал қилинганлигини текширишади холос. Шунинг учун Қонуннинг 47-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ваколатли судга ҳакамлик суди томонидан аниqlанган ҳолатларни текширишига ёки ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини моҳиятига кўра қайта кўриб чиқишга ҳуқук берилмаган. Ваколатли суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асосланганлиги нуқтаи назаридан тўғрилигини текширишини амалга оширмайди.

Қонун чиқарувчи ҳакамлик муҳокамаси иштирокчиларига ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини низо моҳиятига кўра қайта кўриб чиқиш нуқтаи назаридан эмас, балки Қонуннинг 47-моддасида кўрсатилган процессуал қоидаларга риоя қилмаслик нуқтаи назаридангина ҳакамлик суди ҳал қилув қарори устидан низолашув ҳуқуқини беради.

Ушбу модда тарафга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичida ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан ваколатли судга мурожаат қилиш имконини беради.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори устидан низолашув ваколатли судга тараф ёки манфаатдор шахс томонидан кўрсатилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани топшириш орқали амалга оширилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори юзасидан низолашётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзили ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома ҳам илова қилинади.



Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги аризада кўрсатилиши шарт бўлган маълумотлар:

- ариза берилаётган иқтисодий суднинг номи;
- низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган жойи;
- ҳакамлик мұхокамаси тарафларининг номи, уларнинг юридик ва почта манзиллари;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;
- мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисида ариза билан мурожаат этган тараф ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарорини олган сана;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги талаб ва мазкур қарор қандай асослар бўйича низолашилаётгандиги.

ИПК 223-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги аризани ушбу Кодекснинг 154-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан қабул қилиш рад этилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш түғрисидаги ишларни кўриб чиқиша ИПКнинг 164-моддасида белгиланган муддатлар қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар:

- ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак);
- ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар;
- белгиланган тартибда ва миқдорда суд харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги ариза нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳакамлик мұхокамасининг бошқа тарафига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.



Судья ишни ҳакамлик мұхокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд мұхокамасига тайёrlаётганда иқтисодий судда низолашылаётган ҳал қилув қарорига оид иш материалларини ҳакамлик судидан ИПКда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мүмкін.

Иқтисодий суд ҳакамлик мұхокамаси тарафларини суд мажлисингенінг вақты ва жойи түғрисида хабардор қиласы. Суд мажлисингенінг вақты ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлығы ишни күриб чиқыш учун түсқиңлик қилмайды.

Иқтисодий суд ишни суд мажлисіда күриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ИПКнинг 226-моддасыда назарда тутилган асослар мавжудлігі ёки мавжуд әмаслигини баён қилинган талаблар ва эътиrozларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқладый.

Иқтисодий суд ишни суд мажлисіда күриб чиқаётганда юқорида таъкидланғанидек, ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта күриб чиқишга ҳақли эмас.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўйувчи ҳолатлар

- ҳакамлик битимининг қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий әмаслиги;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хуносалар мавжудліги;
- ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик мұхокамасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ әмаслиги;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлиги;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик мұхокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисингенінг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлиги.

Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хуносаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хуносаларидан ажратиб олиш



мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хulosалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин. Бу ҳолатларни тасдиқловчи далиллар судга мурожаат қилган шахс томонидан тақдим этилиши шарт.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса ёки низо "Ҳакамлик судларитўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига риоя этилмаган ҳолда ташкил қилинган ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган бўлса ёхуд ҳакамлик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуqlари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори иқтисодий суд томонидан бекор қилиниши керак.

Ёдда тутинг!

Иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ИПКда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинганилиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгидан мурожаат этишига ёки ИПКда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан иқтисодий судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганилиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича хulosалар мавжудлиги оқибатида иқтисодий суд томонидан тўлиқ ёхуд қисман бекор қилинган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ИПКда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан иқтисодий судга мурожаат этишлари мумкин.

Ҳакамлик битимини қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун унинг бундай битимларга қўйилган талабларга мувофиқлигини текшириш лозим.

Хусусан, унинг ёзма шаклда тузилганилигига, шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилганилигига, ҳакамлик битими, агар у ҳакамлик битими тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда ифодаланган бўлса ёки



бундай битимни қайд этишни таъминловчи электрон ёхуд бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда хатлар ёки хабарлар алмасиш йўли билан тузилган бўлса, ёзма шаклда тузилган деб, ҳисобланishiiga эътибор қаратилиши зарур.

Ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиқсан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд маълум бир низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозим. Ушбу талабларга риоя қилинмаган тақдирда, битим Қонуннинг 12 ва 13-моддаларига мувофиқ ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Шунингдек, ҳакамлик битимида ҳакамлик судьяларининг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, ҳакамлик муҳокамасининг қўлланиладиган қоидалари, низони кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Иқтисодий суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишини рад этиш ҳақидаги ажримида кўрсатиладиган маълумотлар:

Ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги ва мазкур қарор қабул қўлинган жой тўғрисидаги маълумотлар

Низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар

Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёхуд аризачининг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида кўрсатма

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича иқтисодий суднинг ажрими устидан ИПКда белгиланган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Ушбу шикоят (протест) ИПКда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилади.

Ёдда туting!

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш юзасидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи тўланади. Давлат божини тўлаш қонунчиликда назарда тутилган асосларга кўра кечикирилиши мумкин.



3.4.6. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги аризада кўрсатиладиган маълумотлар:

- ариза берилаётган иқтисодий суднинг номи;
- ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган жойи;
- ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи, уларнинг юридик ва поча манзиллари;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;
- ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган сана;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги талаб.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.



Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар:

- ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланган, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судъясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак);
- ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза нусхаси ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига топширилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки унинг юборилганлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши, мазкур муддат иқтисодий суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ИПКда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқлади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда ижро варақаси сўралаётган иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексада далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Иқтисодий суд ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қиласи. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қilmайди.

Иқтисодий суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришини рад этиш учун ИПКнинг 231-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Иқтисодий суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишига ҳақли эмас.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ИПК 37-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган иқтисодий суднинг иш юритувида бўлса, мазкур ҳал қилув қарорини



мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги ариза кўриб чиқилаётган иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги аризани кўриб чиқишни қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдириши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари:

- ҳакамлик битимининг қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслиги;
- ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хуросаларнинг мавжудлиги;
- ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамасининг “Ҳакамлик судлари түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслиги;
- ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг “Ҳакамлик судлари түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлиги;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, уша тараф ҳакамлик судъяларини сийлаш (тайинлаш) түғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлиги;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари учун мажбурий бўлмаганлиги ёки бекор қилинганлиги ёхуд унинг ижроси иқтисодий суд ёки фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан тўхтатиб турилганлиги.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хуросаларни бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хуросалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, иқтисодий суд ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хуросалар бўлган қисми учун ижро варақаси беради.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса ёки низо “Ҳакамлик судлари түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига риоя этилмаган ҳолда ташкил қилинган ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган бўлса ёхуд ҳакамлик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари түғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.



Иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тұғрисидаги ишни күриб чиқиш натижалари бўйича ИПКда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Суд томонидан аризани күриб чиқиш якунига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Ариза қаноатлантирилса, жавобгардан, рад этилса аризачининг ўзидан суд харажатлари ундирилади.

Ёдда туting!

Тадбиркорлик субъектлари – ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тұғрисида ариза берганда иқтисодий судда олдиндан давлат божи тұлашдан озод қилинган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилғанлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимиға мувофиқ ҳакамлик судига янгидан мурожаат этишига ёки ИПКда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан иқтисодий судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тұғри келмайдиган низо бўйича чиқарилғанлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тұхтамлар мавжудлиги ёнки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида иқтисодий суд томонидан тұлық ёки қисман рад этилган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан иқтисодий судга мурожаат этишлари мумкин.

Суднинг аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тұғрисидаги ажримида кўрсатиладиган маълумотлар

- ҳал қилув қарорини қабул қылган ҳакамлик судининг номи ва таркиби;
- ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тұғрисидаги, аризачи мажбурий ижро этишини илтимос қилаётган ижро варақаси ҳақидаги маълумотлар;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ёки ижро варақаси беришини рад этиш тұғрисидаги кўрсатма.

Иқтисодий суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тұғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак ва ушбу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

НАМУНА

Тошкент туманлараро иқтисодий судига

Аризачи: "Электр жиҳозлари" масъулияти чекланган жамияти

Карши шаҳри, Бешкент йўли кўчаси 5-й.

el-jihoz@inbox.uz

"Асака" акциядорлик тижорат банкининг

Карши шаҳар филиали

х/р:20208000451265456001, МФО: 00125,

СТИР: 200478312, Тел: 0-375-234-50-87

Карздор: "Электр тармоқлари" акциядорлик жамияти

Тошкент шаҳри, Таракқиёт кўчаси 5А-й.

ch-tet@inbox.uz

"Асака" акциядорлик тижорат банкининг

Чилонзор туман филиали

х/р:20208000989811117001, МФО: 00187,

СТИР: 209145001, Тел: 0-371-237-12-41,

АРИЗА

(Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий
ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи ҳакамлик суди томонидан жавобгар "Электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг даввогар "Электр жиҳозлари" масъулияти чекланган жамияти олдиаги 640 400 000 сўм асосий қарзини ундириш тўғрисида 2017 йил 15 сентябрда 10-2017/456-сонли ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳал қилув қарори бир ойлик муддатда ихтиёрий равишда ижро этилиши лозим эди.

Бизга маълум бўлмаган сабабга кўра жавобгар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини шу кунга қадар ижро этмасдан келмоқда.

"Ҳакамлик суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига кўра, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у мажбурий ижро этилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ваколатли суд берган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Қайд этилганларга кўра Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судининг жавобгар "Электр тармоқлари" акциядорлик жамиятидан даввогар "Электр жиҳозлари" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 640 400 000 сўм асосий қарзини ундириш тўғрисида 2017 йил 15 сентябрдаги 10-2017/456-сонли ҳал қилув қарори асосида ижро варақаси беришингизни сўрайман.

Илова:

1. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси – 3 варақда;
2. Ҳакамлик битимининг тегисиши тарзда тасдиқланган нусхаси – 1 варақда;
3. Ариза нусхаси қарздорга юборилганлиги тўғрисида почта квитанцияси – 1 варақда;
4. Почта харажати тўланганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномаси – 1 варақда.

"Электр жиҳозлари" масъулияти
чекланган жамияти директори

НАМУНА

Б.Бобоев

IV БОБ

**СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ИЖРО ҚИЛИШ**





4.1. Ижро этиш органлари ва ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар

Мамлакатимизда қонунийлик ва хуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишида, суд ҳокимияти обрўсининг ошишида суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига кўра суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Иқтисодий судларда кўрилган ва мазмунан ҳал этилган суд ишлари юзасидан тегишли қарор чиқарилади. Суд ҳужжатларининг қонуний ва асосли бўлиши адолатни қарор топтиради, унинг натижасида бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар тикланиб, одил судлов амалга оширилади.

Аммо ҳар қанча адолатли, қонуний суд ҳужжати қабул қилинмасин, агар уни ижро этиш учун белгиланган мuddат кечикирилаверса, унинг аҳамияти ҳам, суд ҳокимиятига бўлган ишонч ҳам камайиб боради. Шу боис суд ҳужжатларини ижро қилиш босқичи суд процессида муҳим ва мустақил босқич бўлиб ҳисобланади.

ИПКнинг 334-моддасига кўра суд ҳужжатлари қонуний кучга киргач ижрога қаратилади, бундан дарҳол ижрога қаратиш ҳоллари мустасно.

Иқтисодий суд ҳужжатларининг ижроси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан бўён матнда Қонун деб юритилади) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, шунингдек унинг жойлардаги бўлинмалари давлат ижрочилари (бундан бўён матнда давлат ижрочилари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талаблари қонунда назарда тутилган ҳолларда ўзга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ҳам ижро этилиши мумкин.



Ижро иш юритувини ташкил этадиган процессуал ҳаракатлар

ижро варақасини бериш

ижро варақасининг дубликатини бериш

суд ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш

ижро варақасини ижрота қаратиш

суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш

суд ҳужжатининг ижро этиш усули ва тартибини ўзгартриш

суд ҳужжатининг қайтарма ижроси

давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиш

пул маблағи етарли бўлмаган тақдирда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш

қонунда назарда тутилган бошқа ижро ҳаракатлари

Қонуннинг 9-моддасига кўра ундирувчи ва қарздор ижро иши юритишдаги тарафлар ҳисобланади.

Ижро ҳужжати кимнинг фойдасига ёки манфаатларини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахс ундирувчи ҳисобланади.

Ижро ҳужжатида назарда тутилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундирувчига бериш ёхуд муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти зиммасига юклатилган шахс қарздор ҳисобланади.

Ижро иши юритишида бир нечта ундирувчилар ёки бир нечта қарздорлар иштирок этишлари ҳам мумкин. Уларнинг ҳар бири бошқа тарафга нисбатан ижро иши юритишида мустақил иштирок этади ёки ижро ҳаракатларида иштирок этишини шериклардан бирига топшириши мумкин.



Ижро ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар сифатида ундирувчи-даъвогар ва қарздор-жавобгардан ташқари уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, шунингдек ижро ҳаракатларини амалга ошириш даврида давлат ижрочиси томонидан рухсат этилган ёки жалб қилинган жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг вакиллари ҳам қатнашишлари мумкин.

Агар тараф фуқаро бўлса, ижро босқичида ўзи ёки унинг вакили қатнашиши мумкин.

Юридик шахс ижро босқичида қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиласидан

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар

Ижрони амалга оширувчи органлар

Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари
(суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш хуқуқига эга)

Солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари
(мустақил равишда суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш хуқуқига эга эмас)

Бошқа органлар, жисмоний ёки юридик шахслар
(мустақил равишда суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш хуқуқига эга эмас)

Тарафлар

Ундирувчи – ижро ҳужжати фойдасига ёки манфаати кўзлаб берилган жисмоний ёки юридик шахс

Қарздор – ижро ҳужжатида назарда тутилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мulkни ундирувчига бериш ёхуд муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти зиммасига юқлатилиган жисмоний ёки юридик шахс

Ижро иши юритишининг бошқа иштирокчилари

Тарафлар вакиллари

Таржимон – таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган ҳар қандай вояга етган, муомалага лаёқатли жисмоний шахс

Мутахассис – ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда юзага келадиган, маҳсус билимларни талаб қиласидан масалаларни тушунириб бериш учун тайинланган шахс

Холислар – ижро ҳаракатларини амалга оширишдан манфаатдор бўлмаган ва ўзаро ёки ижро иши юритиши иштирокчилари билан қариндош бўлмаган, бир-бирига бўйсунмайдиган ва бир-бирини назорат қилмайдиган вояга етган ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахс



ўз органлари ёки мансабдор шахслари орқали ёхуд мазкур юридик шахснинг вакиллари орқали иштирок этади.

Юридик шахснинг вакили сифатида қатнашувчи шахс ўз мансаби ва ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши шарт.

Вакилнинг ваколатлари қонун доирасида берилган ва расмий-лаштирилган ишончнома билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Қонуннинг 17-моддасига кўра ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда ижро иши юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон хизматидан фойдаланиш ҳукуки таъминланади.

Ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда юзага келадиган, маҳсус билимларни талаб қиласидиган масалаларни тушунтириб бериш учун давлат ижроиси ўз ташаббусига ёки тарафларнинг илтимосига биноан ўзининг қарори билан мутахассис тайинлаши мумкин.

Холислар сифатида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан манфаатдор бўлмаган ва ўзаро ёки ижро иши юритиш иштирокчилари билан қариндош бўлмаган, бир-бирига бўйсунмайдиган ва бир-бирини назорат қиласидиган вояга етган ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахслар таклиф этилиши мумкин. Холислар икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Ёдда тутинг!

Қарздорнинг хоналари ва омборларини очиш, мол-мулкини кўздан кечириш, хатлаш, олиб қўйиш ва бериш билан боғлиқ ижро ҳаракатларини амалга ошириша холислар иштирок этиши шарт. Бошқа ҳолларда холислар давлат ижроисининг ихтиёрига кўра чақирилади.

Холис тегишли ижро ҳаракати далолатномасида ўзи иштирок этган ижро ҳаракатлари факти, мазмуни ва натижаларини ўз имзоси билан тасдиқлади. Холис ўзининг қандай ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун таклиф қилингандигини, улар қандай ижро ҳужжатларига асосан амалга оширилаётганлигини билишга, амалга оширилган ижро ҳаракатлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Холиснинг мулоҳазалари тегишли ижро ҳаракатлари далолатномасига киритилиши лозим. Холиснинг истагига биноан бундай мулоҳазалар унинг ўз кўли билан ёзилиши мумкин.

Қонуннинг 22-моддасига кўра, агар давлат ижроиси, таржимонлар ва мутахассислар тарафларнинг, улар вакилларининг ёки ижро иши юритишида иштирок этаётган бошқа шахсларнинг қариндошлари бўлсалар ёхуд ижро иши юритиш натижасидан манфаатдор бўлсалар ёки уларнинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, улар ижро иши юритишида иштирок этиши мумкин эмас ва улар рад қилиниши лозим.



4.2. Давлат ижрочисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Давлат ижрочисининг мажбуриятлари

ижро иши юритишда иштирок этәётган шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш

ижро ҳужжатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ижро этилиши чораларини кўриш

ижро иши юритиш тарафларига ёки уларнинг вакилларига ижро иши юритиш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш имкониятини бериш

тарафларнинг ижро иши юритиш борасидаги аризаларини ва илтимосномаларини кўриб чиқиши, шикоят қилиш муддатлари ва тартибини тушунтирган ҳолда тегишли қарорлар чиқариш

агар ўзи ижро иши юритиш жараёнидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини ўзи рад этиш

Давлат ижрочисининг ҳуқуқлари

давлат органларидан ва бошқа органлардан, ташкилотлардан ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотлар олиш, шунингдек бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш

ишаляётган қарздорларга нисбатан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд ҳужжатларининг ижро этилишини ҳамда молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро иши юритишига мувофиқ текширувдан ўтказиш

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга ва шу жумладан турар жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган ҳолларда жойлар ҳамда омборларни мажбуран очиш ва холислар иштироқида кўздан кечириш

қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мulkни хатлаш, хатланган мол-мulkни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш

қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда ўзга қимматликларини хатлаш



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

қарздор ва унинг дебиторларининг ҳисобварақларига ижро ҳужжатлари бўйича қарз суммаларни ундириш ҳақида инкассо топшириқномаларини қўйиш

ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни чақириш

ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраб мурожаат этиш

қонунда белгиланган бошқа ижро ҳаракатларини амалга ошириш



4.3. Ижро иши юритишда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ижро иши юритишда тарафлар қонунда кўрсатилган қатор ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Тарафларнинг ҳуқуқлари

- иҷро иши юритиш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш
- қўшимча материаллар тақдим этиш, илтимосномалар бериш
- иҷро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этиш
- иҷро ҳаракатлари жараёнида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, иҷро иши юритилиши давомида пайдо бўладиган масалалар юзасидан ўз важлари ва фикр-мулоҳазаларини билдириш
- иҷро иши юритиша иштирок этувчи бошقا шахсларнинг илтимосномалари, важлари ва фикр-мулоҳазаларини рад қилиш, уларга қарши эътиroz билдириш, давлат ижроқисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Шу билан бирга тарафлар иҷро ҳаракатлари амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари талабларини бажаришлари шарт.

Ижро ишини юритишда иқтисодий суд ҳал қиласидаган масалалар

- иҷро варақасини бериш, зарурат туғилганда эса унинг дубликатини бериш
- суд ҳужжатини тушунтириб бериш
- иҷро иш юритувини тўхтатиб туриш ёки тугатиш
- суд ҳужжатининг ижросини кечиқтириш ёки уни бўлиб-бўлиб иҷро этиш, иҷро этиш усулини ва тартибини ўзгаририш
- иҷро варақасини ижрога тақдим этишининг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш
- суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш
- давлат ижроқисининг ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш



4.4. Ижро ҳужжатларидан бири сифатида суд буйруғи

Иқтисодий суд томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ичидә суд буйруғи алоҳида аҳамиятга эга.

ИПКнинг 5-моддасига кўра кредиторнинг сўзсиз талабларига доир аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича суд томонидан суд буйруғи чиқарилади.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга ва у суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ижро этилиши лозим. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик мuddат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд буйруғи беришдан мақсад кредиторларга қарздорларнинг ўзи низосиз деб тан олган талаблари юзасидан ижро кучига эга бўлган қарорларни олишни соддалаштириш, шунингдек ундирувнинг қисқа муддатларда ва арzonроқ амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат.

Ёдда тутиңг!

Агар қарздор узрли сабаб билан ўз вақтида кредиторнинг талабига қарши эътиroz билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Суд бундай ҳолда буйруқни бекор қилишга ҳақли, шундан кейин кредиторнинг талаби даъво ишини юритиш тартибida кўрилиши мумкин.

Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Суд буйруғи судья томонидан қўйидаги ҳолларда якка тартибда берилади:

солиқлар бўйича қарздорликни ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мulkiga қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса

коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб билдирилган бўлса



хужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш түғрисида талаб билдирилган бўлса

талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган бўлса

лизинг берувчи лизинг олувчидан ўз мол-мулкини талаб қилиб олиши түғрисида талаб билдирган бўлса



4.5. Ижро варақаси ва унинг мазмуни

ИПКнинг 334-моддасига кўра суд ҳужжатининг ижроси суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Суд томонидан берилган, ундирувчининг суд ҳужжатини мажбурий тартибда ижро этириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ижро варақасидир.

ИПКнинг 336-моддасига асосан суд ҳужжати бўйича битта ижро варақаси берилади, бундан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар суд ҳужжатини ижро этиш турли жойларда ёхуд бир нечта ундирувчи фойдасига амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига кўра ижро этиш жойи ёхуд суд ҳужжатининг ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши лозим бўлган қисмини кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақасини беради.

Ижро варақасида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

ижро варақасини берган суднинг номи

ижро варақаси берилган иш ва унинг рақами

ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана

ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг жойлашган ери (почта манзили)
ёки яшаш жойи

суд ҳужжатининг холоса қисми, ижро варақасини ижро этиш тартиби ва усули,
агар бу ҳақда суд ҳужжатида кўрсатилган бўлса

суд ҳужжати кучга кирган сана

ижро варақаси берилган сана ва уни ижрога тақдим этиш мuddати

Пул суммаларини бир неча жавобгардан ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир нечта ижро варақаси берилади. Бунда, агар солидар жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувчининг



умумий суммаси кўрсатилиши ва солидар жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши керак.

Ижро варақаси суд хужжатини қабул қилган суд томонидан берилади.

Суд хужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичida ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосномасига кўра давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади.

Бюджетга маблағларни ундириш учун ижро варақаси қарздор турган жойдаги давлат ижрочисига суд хужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичida юборилади.

Ижро варақаси электрон хужжат шаклида юборилиши мумкин.

Ижро варақаси судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

ИПКнинг 341-моддасига кўра ижро варақаси (суд буйруғи) йўқотилган тақдирда, уни берган суд ундирувчининг аризасига кўра ижро варақасининг (суд буйруғининг) дубликатини бериши мумкин.

Ижро варақасининг (суд буйруғининг) дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақасини (суд буйруғини) ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганига қадар берилиши мумкин, бундан ижро варақаси (суд буйруғи) давлат ижрочиси ёки ижрони амалга оширувчи бошқа шахс томонидан йўқотилган ва бу ҳақда ундирувчига ижро варақасини (суд буйруғини) ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан сўнг маълум бўлган ҳоллар мустасно. Ушбу ҳолларда ижро варақасининг (суд буйруғининг) дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақаси (суд буйруғи) йўқотилганлиги ундирувчига маълум бўлган кундан эътиборан бир ой ичida берилиши мумкин.

Ёдда туting!

Ижро варақасининг (суд буйруғининг) дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақасини (суд буйруғини) ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганига қадар берилиши мумкин, бундан ижро варақаси (суд буйруғи) давлат ижрочиси ёки ижрони амалга оширувчи бошқа шахс томонидан йўқотилган ва бу ҳақда ундирувчига ижро варақасини (суд буйруғини) ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан сўнг маълум бўлган ҳоллар мустасно.

Ариза судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда суд мажлисида, ундирувчи ва қарздор суд мажлисининг жойи ва вақти ҳақида тегишли равишда хабардор қилинган ҳолда кўриб чиқилади.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, аризани кўриб



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

чиқиш учун тұсқынлик қилмайди. Аризани күриш натижалари бүйича ажрим чиқарилади, унинг күчирма нусхаси ундирувчи ва қарздорға юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.



4.6. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати

ИПКнинг 334-моддасига кўра даъвони таъминлаш бўйича чоралар кўриш, келишув битимини тасдиқлаш, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижрога қаратиш учун ижро варақасини бериш, чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши лозим.

ИПКнинг 338-моддасига асосан ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан эътиборан ёки суд ҳужжатининг ижроси кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб ижро этилган тақдирда, муддат тугаган кундан эътиборан уч йил ичida ижрога тақдим этилиши мумкин.

Агар суд ҳужжатининг ижроси тўхтатиб қўйилган бўлса, унинг ижроси тўхтатиб қўйилган вақт ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

ИПКнинг 339-моддасига кўра ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати:

ижро варақаси ижрога тақдим этилганда;

ижро варақаси қарздор томонидан қисман ижро этилганда узилади.

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати узилганидан сўнг муддатнинг ўтиш даври янгидан бошланади. Муддат узилгунига қадар ўтган вақт янги муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

Ижро варақаси уни тўлиқ ёки қисман ижро этиш имконияти йўқлиги сабабли ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро варақасини муддат узилганидан кейин ижрога тақдим этишнинг янги муддати ижро варақаси ундирувчига қайтарилган кундан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади.

Ёдда туting!

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи ижро варақасини берган судга ёки у ижро этиладиган жойдаги судга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Муддатни ўтказиб юбориш сабаблари суд томонидан узрли деб топилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.



Ундирувчининг ижро варақасини ижрота тақдим этиш муддатини тиклаш тұғрисидаги аризаси у судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда суд мажлисида күриб чиқылади.

Ундирувчи, қарздор суд мажлисингенің вақты ва жойи тұғрисида ариза келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай чиқарылған суд ажрими орқали, ИПКнинг 127-моддасида назарда тутилған тартибда хабардор қилинади. Суд мажлисингенің вақти ва жойи тұғрисида тегишли тарзда хабардор қилинған мазкур шахсларнинг келмаганлығы аризани күриб чиқыш учун тұсқынлик қылмайды. Аризани күриш натижалари бүйіча ажрим чиқарылады, унинг күчирма нусхаси ундирувчи ва қарздорга юборилади. Ажрим устидан шикоят қилиниши (протест көлтирилиши) мүмкін.



4.7. Ижро ишларини юритишнинг умумий қоидалари

Одатда ижро ишини юритиш ундирувчининг аризасига кўра қўзғатилади. Бунда ундирувчи ижро варақасининг аслини давлат ижрочисига юборади.

Давлат ижрочиси суд ҳужжатини ижро этишга киришар экан, қарздорга қарорни ўн беш кунлик муддат ичидаги ихтиёрий бажариш тақлифини топширади ва агар у тегишли муддатда ихтиёрий ижро қилмаган тақдирда мажбуран ижро этилиши ҳақида огоҳлантиради.

Ижро этиш давомида давлат ижрочиси қарздорларни ижро ҳужжатлари билан танишиш учун чақириш, шунингдек, улардан ижрода иштирок этмайдиган бошқа шахслардан ижро учун зарур бўлган оғзаки ва ёзма хабар ва ахборотларни олиш ҳуқуқига эгадир. Айни пайтда у қарздор эгаллаб турган бинога кириш ва унинг омборларини кўздан кечириш ҳуқуқига эга.

Давлат ижрочисининг қонуний талаблари давлатнинг бутун ҳудудида барча органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, тадбиркорлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ёдда туting!

Давлат ижрочисининг қонуний талабларини бажармаслик ёки унга ўз вазифаларини ва мажбуриятларини бажаришга ҳалақит бериш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Суд ҳужжатини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар суднинг ажримига кўра қарздор томондан қопланади.



4.8. Ижро иши юритишни құзғатиши

Қонуннинг 22¹-моддасига құра ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар давлат ижрочиси томонидан чиқарилған қарорлар ҳақида, қонунда назарда тутилған ҳолларда еса ижро ҳаракатлари түғрисида ва мажбурий ижро этиш чоралари ҳақида хабардор қилинади, шунингдек давлат ижрочисининг ҳузурига ёхуд ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойига чақырув қоғози, бошқа хабарнома, телефонограмма, телеграмма ёки бошқа алоқа воситалари орқали чақыртирилади.

Ижро ҳужжати дархол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда давлат ижрочиси ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни олдиндан хабардор қилмасдан ижро ҳаракатларини амалга оширишга мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳақли.

Давлат ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат белгиланган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт.

Давлат ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиши түғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни қўзғатиши түғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилған куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга,

Ижро иши юритишни қўзғатиши түғрисида қарорда қўйидагилар қўрсатилади:

ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишида бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилған кундан эътиборан кўпли билан ўн беш кун муддат белгилайди

қарздорни мазкур муддат тугаганидан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йиғими, давлат ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек ижро ҳаражатлари ундирилған ҳолда мажбурий ижро этилиши түғрисидаги хабарни қўрсатади

агар зарурат бўлса, қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиб,
уларнинг хатланганлигини қўрсатади



шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин.



Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар қандай тартибда чақирилади, агар чақирилаётган шахс уйда бўлмасачи?



Агар ижро иши юритишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили бошқа манзилни кўрсатмаган бўлса, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсга чақирув қоғози, бошқа хабарнома ижро ҳужжатида кўрсатилган манзилга юборилади. Чақирув қоғози, бошқа хабарнома ижро иши юритишда иштирок эттаётган шахснинг иш, ўқиши жойига юборилиши мумкин.

Агар чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс чақирилаётган жисмоний шахсни топа олмаса, чақирув қоғози, бошқа хабарнома у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига топширилади, улар йўқлигида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органига ёки иш берувчига (ўкув муассасаси маъмуриятига) топширилади. Чақирув қоғозини, бошқа хабарномани қабул қилиб олган шахс уни имконият бўлиши билан дарҳол чақирилувчига топшириши шарт.

Адресат вақтинча бирор жойга кетган бўлса, чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс унинг иккинчи нусхасига чақирилувчи қаерга кетганлиги ва қачон келиши куттилаётганлиги тўғрисида белги қўяди. Бу маълумотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органи томонидан ёки иш берувчининг (ўкув муассасаси маъмуриятининг) имзоси билан тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши лозим.

Адресат чақирув қоғозини, бошқа хабарномани қабул қилишдан бош тортганди, уларни етказиб берувчи шахс давлат ижрочисига қайтариладиган чақирув қоғозига, бошқа хабарномага белги қўяди.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар қўйидаги ҳолларда хабардор қилинган ҳисобланади, агар:

чақирув қоғози, бошқа хабарнома адресатга Қонуннинг 22¹-моддаси талабларига мувофиқ етказиб берилган (юборилган) бўлса;

адресат чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олишдан бош тортса;

почта хабарномасини олган бўлишига қарамасдан адресат ўз номига юборилган чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олиш учун келмаса.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Мажбурий ижро этиш чоралари түғрисида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги мазкур чораларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайди.

Ёдда тутинг!

Агар ижро ҳужжати бўйича қарздор зиммасига фақат шахсан ўзи бажариши мумкин бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, давлат ижрочисининг чақируви бўйича келишдан бўйин товлаётган қарздор давлат ижрочисининг қарори асосида мажбурий келтирилиши мумкин.

Қонуннинг 25-моддасига кўра, агар қарздор жисмоний шахс бўлса, ижро ҳаракатларини давлат ижрочиси унинг яшаш жойи ёки иш жойида ёхуд унинг мол-мулки турган жойда амалга оширади.

Агар қарздор юридик шахс бўлса, ижро ҳаракатларини давлат ижрочиси унинг органи жойлашган ёки мол-мулки турган жойда амалга оширади.

Қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатларининг талаблари бундай ҳаракатлар амалга ошириладиган жойда

Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жой

Қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатларининг талаблари бундай ҳаракатлар амалга ошириладиган жойда

Агар қарздор жисмоний шахс бўлса, унинг яшаш жойи ёки иш жойида ёхуд унинг мол-мулки турган жойда

Агар қарздор юридик шахс бўлса, ижро ҳаракатлари унинг органи жойлашган ёки мол-мулки турган жойда

Қарздорнинг қидириб топилган мол-мулки жойлашган жойда

Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган вақт

Эрталаб соат 8⁰⁰дан
кеч соат 22⁰⁰гacha
(иш кунларида)

Қолган вақтларда (фақат
кечкитириб бўлмайдиган
ёки қарздорнинг айбига
кўра уларни бошқа вақтда
амалга ошириш мумкин
бўлмаган ҳолларда)



Мажбурий ижро этиш муддатлари

Ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг
ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан
кўпи билан икки ой муддат ичидা

Дарҳол:

даъвони таъминлаш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги ажрим

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижрога қаратиш
учун ижро варақасини бериш тўғрисида ажрим

чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш
ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим



4.9. Суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш асоси ва чоралари

Қонуннинг 44-моддасига кўра мажбурий ижро этиш чоралари тўғри расмийлаштирилган ижро ҳужжати қонунда белгиланган тартибда топширилганда ҳамда ижро иши юритиши қўзғатиш тўғрисида давлат ижрочиси томонидан қарор қабул қилинганда қўлланилади.

Ихтиёрий равища ижро этиш учун давлат ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Қўйидагилар мажбурий ижро этиш чоралари ҳисобланади:

- 1) ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;
- 2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;
- 3) ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга қаратиш;
- 4) ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкий ҳуқуқларга қаратиш;
- 5) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;
- 6) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш;
- 7) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар.

Қонуннинг 47-моддасига кўра ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва мажбурий реализация қилишдан иборатdir.

Ижро ҳужжатлари бўйича жисмоний ва юридик шахслардан ундирув биринчи навбатда қарздорнинг сўмдаги ва чет элвалютасидаги пул маблағларига ҳамда бошқа қимматликларига, шу жумладан банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги пул маблағларига ҳамда ўзга қимматликларига қаратилиади.

Тегишли қарздор юридик шахсларга нисбатан ижро ҳаракатларини амалга оширишда ундирувни хусусий корхона мулқори, муассаса



мулқори, фермер хўжалигининг раҳбари, деҳқон хўжалигининг аъзолари, ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари, тўлиқ ширкат иштирокчилари, шунингдек коммандит ширкатдаги тўлиқ шериклар пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби ҳамда усулини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Ёдда туting!

Юридик шахснинг қарзлари бўйича, шу жумладан унинг мол-мулки ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли бўлмаганда, ундирув суд ҳужжати асосида, қонунда белгиланган шартларда ва тартибда ушбу юридик шахс мулқорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) пул маблағларига ҳамда бошқа мол-мулкига қаратилиши ҳам мумкин.

Қарздорнинг ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли мол-мулки бўлмаганда, ундирув суд қарори асосида қарздорнинг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига, қарздорнинг ишлаб чиқариш кооперативидаги пайига қаратилади.

Қонуннинг 53-моддасига кўра қарздорнинг мол-мулки ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор қарздорга топширилган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечиктирмай, зарур ҳолларда эса, уни топшириш билан бир вақтда хатланади.

Қарздорнинг мол-мулкини хатлаш мол-мулкни рўйхатга олишдан, уни тасаррuf қилиш ман этилганлигини эълон қилишдан, зарур ҳолларда эса, мол-мулқдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклашдан, уни олиб қўйиш ёки сақлашга топширишдан иборатдир. Чеклашнинг турлари, ҳажми ва муддатларини ҳар бир муайян ҳолда мол-мулкнинг хусусиятини, унинг мулқори ёки эгаси учун аҳамиятини ҳисобга олиб, давлат ижрочиси белгилайди.

Ёдда туting!

Қарздорнинг хатланган мол-мулкини тасаррuf қилиш юзасидан давлат ижро-чисининг тақиқини бузиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланганлигига риоя қиласлик қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Хатлаш қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

- ундирувчига олиб бериладиган ёки реализация қилинадиган қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш мақсадида;



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

– жавобгарга тегишли бўлиб, унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилаётганда.

Қонуннинг 59-моддасига кўра қарздор юридик шахснинг қарзларни узиш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, ундирув унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, қаерда ва кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъи назар, бошқа мол-мулкка (муомаладан чиқарилган ёхуд муомалада бўлиши чекланган мол-мулк бундан мустасно) қаратилади. Бу мол-мулк белгиланган тартибда хатланади ёки унга нисбатан бошқа ижро ҳаракатлари амалга оширилади.

Мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш асослари

тўғри расмийлаштирилган
ижро хужжати қонунда
белгиланган тартибда
ижрога берилганда

ижро иши юритишни
қўзатиш тўғрисида давлат
ижрочиси томонидан қарор
қабул қилинганда

ихтиёрий равища ижро этиш учун давлат ижрочиси
томонидан белгиланган муддат ўтганда

Мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш асослари

ундирувни қарздорнинг
пул маблағларига ва бошқа
мол-мулкига қаратиш

ундирувни қарздорнинг
дебиторлик қарзига, шу
жумладан қарздор
ундирувчи сифатида иштирок
этაётган ижро хужжати
бўйича унга тегишли бўлган
маблағларга қаратиш

ундирувни қарздорнинг
бошқа шахсларда турган
пул маблағларига ва бошқа
мол-мулкига қаратиш

ундирувни қарздорга
тегишли бўлган алоҳида
мулкий ҳуқуқларга қаратиш

ижро хужжатида кўрсатилган муайян ашёларни
қарздордан олиб кўйиш, ундирувчига топшириш
ва бошқалар



4.10. Ижро иши юритишни тамомлаш

Қонуннинг 41-моддасига кўра ижро иши юритиш қўйидаги ҳолларда тамомланади:

- ижро ҳужжати амалда ижро этилганда;
- йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро ҳужжатларидағи ундирув тўғрисидаги талаблар бир ёки бир нечта солидар жавобгар қарздор ҳисобидан амалда ижро этилганда;
- ижро ҳужжати уни берган суднинг ёки бошқа органнинг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилиганда;
- ижро ҳужжати қайтарилиганда;
- ижро ҳужжати ижро этиш учун бошқа давлат ижрочисига юборилганда;
- ижро ҳужжати ижро этиш учун тугатиш комиссиясига (тугатувчига, тугатиш бошқарувчисига) юборилганда.

Ижро иши юритиш тамомланганда давлат ижрочиси бу ҳақда қарор чиқаради. Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкини, олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар, шу жумладан Узбекистон Республикасидан чиқишига оид чеклашлар ва қарздорнинг ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқларига доир чекловлар бекор қилинади.

Ёдда тутиңг!

Ижро иши юритиш бошқа давлат ижрочисига юборилиши муносабати билан тамомланётганда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкини, олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар бекор қилинмайди. Мазкур ваколатлар ижро иши юритиш юборилган давлат ижрочисига ўтади.

Давлат ижрочиси қарорининг кўчирма нусхалари у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига ва қарздорга, шунингдек ижро ҳужжатини берган судга ёки бошқа органга юборилади. Айни вақтда давлат ижрочиси қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган



инкассо топшириқномаларини чақириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловларнинг бекор қилингандиги түғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Ижро иши юритиш тамомланганидан сўнг давлат ижрочиси қарздордан ижро йиғимини, давлат ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ҳамда ижро харажатларини ундириш түғрисида илгари чиқарилган ва ижро этилмаган қарорларнинг ижросини давом эттиради. Бунда қарздорга нисбатан ижро иши юритиш жараёнида белгиланган чекловлар мазкур қарорлар ижроси учун зарур бўлган миқдорда сақлаб қолинади. Ижро иши юритиш тамомланган тақдирда, ижро йиғими фақат ижро ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилган қисми бўйича ундирилади, номулкий хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бундан мустасно.



4.11. Суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси

ИПКнинг 342-моддасига кўра ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатлар мавжуд бўлганда суд давлат ижрочисининг, ундирувчининг ёки қарздорнинг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечикиришга ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Суд қарздорга ҳужжатни кечикириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш имконини берганда суд ҳужжатининг ижро этилишини ИПКнинг 8-бобида назарда тутилган тартибда таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Ёдда тутинг!

Суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, агар ваколатли давлат органининг қарори ёки тарафларнинг келишуви билан бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бир йилдан ошмаган муддатга берилиши мумкин.

Суд ҳужжати ижросини кечикириш ҳақидаги ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги ариза судга келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда суд томонидан суд мажлисида кўриб чиқилади.

Агар суд ҳужжатининг ижроси давлат ижрочисининг иш юритувида бўлса, ундирувчи, қарздор ва давлат ижрочиси суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ариза келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай чиқарилган суд ажрими орқали, ИПКнинг 127-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги аризани кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унинг кўчирма нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек, агар суд ҳужжатининг ижроси давлат ижрочисининг иш юритувида бўлса, давлат ижрочисига юборилади. Ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.



ИПКнинг 343-моддасига кўра, агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгаририлиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгаририлган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилади.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгаририлиб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, суд бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгаририлган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилиш ҳақида суд ҳужжатини қабул қиласди.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала илгари қабул қилинган суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгаририш ҳақида янги суд ҳужжатини қабул қилган суд томонидан ҳал этилади.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси процессалу институт сифатида бекор қилинган ҳал қилув қарорини ижро этиш натижасида жавобгарнинг ҳуқуқларини суд орқали тиклашни назарда тутади.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижросини амалга ошириш шартлари

иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ижро этилган бўлиши керак

ижро этилган суд ҳужжати ўзгаририлган ёки бекор қилинган бўлиши керак

даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинган ёки иш юритиш тугатилган ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилган бўлиши керак

Агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгаририш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза беришга ҳақли.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги ариза судга келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик мuddатда, тарафлар чақиририлмасдан ва суд муҳокамасиз суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги аризага илгари қабул қилинган суд ҳужжати ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.



Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси түғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суд ундирилган пул маблағларини, молмulkни ёки унинг қийматини қайтариш учун ижро варақаси беради.



4.12. Ижро иши юритишни тұхтатиб туриш ва тугатиш. Ижро ишини юритишни тиклаш

ИПКнинг 345-моддасига кўра суд берган ижро варақаси асосида давлат ижрочиси томонидан қўзғатилган ижро ишини юритишни суд қонунда назарда тутилган ҳолларда, ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризасига кўра тұхтатиб туриши ёки тугатиши мумкин.

Иқтисодий суд томонидан берилган ижро варақаси асосида қўзғатилган ижро ишини юритишни тұхтатиб туриш ва тугатиш ўша суд ёки давлат ижрочиси жойлашган ердаги суд томонидан амалга оширилади.

Ижро ишини юритишни тұхтатиб туриш ёки тугатиши тұғрисидаги ариза у судга келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда, тарафлар чақирилмасдан ва суд муҳокамасиз суд томонидан кўриб чиқилади.

Ижро ишини юритишни тұхтатиб туриш ёки тугатиши тұғрисидаги аризани кўриб чиқиши натижалари бўйича ажрим чиқарилади, унинг кўчирма нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек, агар суд хужжатини ижро этиш давлат ижрочисининг иш юритувида бўлса, давлат ижрочисига юборилади. Ажрим устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

ИПКнинг 346-моддасига кўра суд ижро ишини юритишни тұхтатган суд ижро ишини юритишни уни тұхтатиши асос бўлган сабаблар ёки ҳолатлар бартараф этилганидан кейин ундирувчининг, давлат ижрочисининг аризаси бўйича тиклади.

Ижро ишини юритишни тиклаш тұғрисидаги ариза у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда, тарафлар чақирилмасдан ва суд муҳокамасиз суд томонидан кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқиши натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унинг кўчирма нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек, агар суд хужжатининг ижроси давлат ижрочисининг иш юритувида бўлса, давлат ижрочисига юборилади. Ижро иши юритишни тиклашни рад этиш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

ИПКнинг 347-моддасига асосан суд ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги янгилишишлар билан берилган, шунингдек



ўзгартырған (бекор қилинған) суд ҳужжати асосида берилған ижро варақасини үндирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризаси бүйича ёки ўз ташаббуси билан тарафларни чақыртмасдан ҳамда суд мұхомамасисиз чақириб олишга ва унинг үрнига янги ижро варақасини беришга ҳақлы.

Ижро варақасини чақириб олиш ва янги ижро варақасини бериш тұғрисидаги аризани күриб чиқыш натижалари бүйича ажрим чиқарилади, унинг күчирма нұсхаси үндирувчига, қарздорга, шунингдек, агар суд қарорининг ижроси давлат ижрочисининг иш юритуvida бўлса, давлат ижрочисига юборилади.

Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишлар билан берилған ёки ўзгартырған (бекор қилинған) суд ҳужжати асосида берилған ижро варақаси үндирувчи ёки давлат ижрочиси томонидан уни берган судга ижро этилмасдан қайтарилади. Ижро варақасини чақириб олиш ва янги ижро варақасини бериш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

V БОБ

**СУД ҲУЖЖАТЛАРИ
УСТИДАН ШИКОЯТ
БЕРИШ ВА УНИ КҮРИШ
ТАРТИБИ**





5.1. Суд ҳужжатларига нисбатан шикоят беришнинг умумий қоидалари

5.1.1. Суд ҳужжатларига нисбатан шикоят бериш ҳуқуқи

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 8-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонунда берилган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, ваколатли миллӣ суд томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир.

Бирлашган Миллат Ташкилоти томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси қўшилган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" 2-моддасининг 3-бандига кўра ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахсни, агар бу ҳол расмий ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари билан таъминлаш, ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя ваколатли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминлаш ва суд орқали ҳимояланиш имкониятини ривожлантириш мажбуриятини олган.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти ҳисобланган Ўзбекистонда юқоридаги ҳужжатларда ва бошқа халқаро шартномаларда ўз аксини топган мажбуриятларга қатъий амал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган деярли барча тегишли ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган, истиқлол йилларида қабул қилинган кодекслар ва қонунларда ҳам ўз ҳифодасини топган.

Суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарорлари, қарорлари, ажримлари) га нисбатан шикоят бериш жисмоний ва юридик шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг узвий давоми ҳисобланади. Қонун одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишини эътироф этса-да, иш бўйича қабул қилинган суд қарорининг мутлақо қатъий ва якуний табиатини истисно этиб, биринчи инстанция судлари



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

қарорларининг манфаатларига дахл қилувчи шахсларнинг шикояти ҳамда прокурорнинг протестига асосан юқори инстанция судлари томонидан қонунийлиги, асослилиги ва адолатлиигини текшириш имконини беради.

Яъни бошқача таъриф бериладиган бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар нафақат ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, шунингдек ушбу мурожаат бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонунийлигини ҳам низолашибга ҳақлидирлар.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ИПКнинг 42-моддасида белгиланган.

ИПКнинг 259-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти, прокурор эса апелляция протести беришга ҳақлидир.

Иқтисодий судларнинг ҳужжатларини қайта кўриш босқичлари

биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳужжатларини шикоят (протест) асосида апелляция инстанциясида кўриб чиқиш

биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳужжатларини шикоят (протест) асосида кассация инстанциясида кўриб чиқиш

биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриш

барча инстанция судларининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти, прокурор эса кассация протести беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари, агар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ушбу суд ҳужжатлари туфайли бузилган бўлса, ушбу шахсларнинг шикояtlари бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринbosарларининг протести бўйича



Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ҳамда Раёсати томонидан назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Хуқуқий атамаларга кўра суд ҳужжатларига нисбатан жисмоний ва юридик шахслар томонидан келтирилган эътиroz аризаси “шикоят” деб, прокурор томонидан келтирилган эътиroz эса “протест” деб номланади.



5.1.2. Суд ҳужжатларига нисбатан протест келтириш ҳақида прокуратура органларига мурожаат қилиш

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддасининг еттинчи хатбошисига кўра прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - судларда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтиришdir.

Шунингдек, мазкур Қонун 35-моддасининг 1-қисми прокурорнинг белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ваколатини эътироф этади.

Фуқаролар ва юридик шахслар суд ҳужжатларига нисбатан бевосита шикоят келтиришлари, шунингдек, протест келтириш ҳақида прокуратура органларига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Ёдда тутинг!

Агар суднинг муайян ҳужжатига нисбатан фуқаро томонидан шикоят берилган бўлиб, ушбу қарорга нисбатан прокурор томонидан ҳам протест келтирилган тақдирда, улар биргаликда кўриб чиқиласди.

Қонунга мувофиқ прокуратура органлари давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлиб, ушбу қоида суднинг ҳужжатларига нисбатан прокурор томонидан протест келтирилган ҳолда ҳам тадбиқ этилади. Яъни прокурор протести асосида ишни юқори инстанция судида кўриш учун давлат божи тўланмайди.

Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал қонун талабларига мувофиқ келтирилган апелляция ёки кассация шикоятлари мазкур инстанция судлари томонидан барча ҳолатларда кўриб чиқиласди.

Фуқароларнинг прокуратурага мурожаатлари асосида суд ҳужжатларининг юқори инстанция судларида кўрилиши учун эса прокурор томонидан ушбу ариза асосида суд ҳужжатига ҳал қилув қарорига нисбатан протест келтирилган бўлиши лозим.



Суд ҳужжатларига нисбатан протест келтирилганда ушбу протест қайси тарафнинг манфаатида берилаётган бўлса, судда ушбу тарафнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда прокуратура органлари вакиллари ҳам иштирок этади.



5.1.3. Суд ҳужжатларига нисбатан шикоят беришда тўланадиган суд харажатлари

Амалдаги қонун ҳужжатлари суд ҳужжатларига нисбатан шикоят беришда давлат божи тўланишини назарда тутади.

Жумладан, Солиқ кодекси 328-моддасининг 2-банди мазмунига кўра иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, шунингдек иш юритишини тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган аппеляция ва кассация шикоятлари, шунингдек, иқтисодий суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ва ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятларидан давлат божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 2-бандининг "д" кичик бандига кўра иқтисодий судларнинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича эса талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган ставкалар миқдорида давлат божи тўланади.

Ёдда тутинг!

Агар апелляция ва кассация шикоятлари берилганда суд ҳужжатининг фақат ундириш ёки ундиришни рад этиш қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисбланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида" 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорининг 4.6-бандига кўра суд ҳужжатининг фақатгина давлат божини ундириш қисми устидан шикоят қилинаётган ҳолда, давлат божи тўланмайди.



Қайд этиш керакки, суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят келтиришда давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг шикоятга илова қилинмаганлиги, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаганлиги ёхуд илтимоснома рад этилганлиги апелляция ва кассация шикоятларини қайтаришга асос бўлади.

Давлат божи тўланган, лекин иқтисодий судга келиб тушмаган ёки у қайтарган аризалар, апелляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда божни тўлиқ ёки қисман қайтаришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари бўйича уни қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.



5.2. Суд ҳужжатларининг апелляция тартибида қайта кўрилиши

5.2.1. Суд ҳужжатларига нисбатан апелляция шикояти келтириш тартиби ва муддатлари

Суд ҳужжатларига нисбатан шикоят келтиришнинг биринчи босқичи апелляция шикояти бериш бўлиб, ишда иштирок этиувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ҳақлидир.

Апелляция шикоятини кўриш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан амалга оширилсада, ИПКнинг 261-моддасига асосан апелляция шикояти апелляция шикоятини кўрувчи судга ҳал қилув қарорини қабул қилган суд орқали берилади. Яъни, апелляция шикояти апелляция инстанцияси номига ёзилсада, у ҳал қилув қарори чиқарган биринчи инстанция судига берилади.

Ёдда тутинг!

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини мазкур судларнинг ўзи кўриб чиқади.


Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни апелляция инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

ИПКнинг 262-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида бошқача муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикояти биринчи инстанция суди томонидан шикоят қилинаётган ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичida берилиши мумкин.

Суднинг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ичida берилади.



Апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар



Устидан шикоят бериш мумкин бўлган суд ҳужжатлари қўйидагилар:

- 1) ҳал қилув қарорлари, шунингдек кўшимча ҳал қилув қарорлари;
- 2) ИПКда шикоят қилиш мумкинлиги бевосита назарда тутилган ҳолларда ажримлар:

- тарафни ҳуқуқий ворис билан алмаштириш тўғрисидаги ажрим (46-модда);
 - даъвони таъминлаш ёки таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим (96-модда);
 - даъвони таъминлаш чорасини алмаштириш ҳақидаги ёки алмаштиришни рад этиш тўғрисидаги ажрим (97-модда);
 - даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим (99-модда);
 - иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги, иш юритишни тиклашни рад этиш ҳақидаги ажрим (106-модда);
 - даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим (108-модда);
 - иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим (111-модда);
 - процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим (123-модда);
 - суд жаримасини солиш тўғрисидаги ажрим (126-модда);
 - келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрим (133-модда);
 - суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим (140-модда);
 - суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш ҳақидаги ажрим (141-модда);
 - суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисидаги ажрим (144-модда);
 - суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим (147-модда);
 - даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим (154-модда);



- даъво аризасини қайтариш түғрисидаги ажрим (155-модда);
- ҳал қилув қарорини тушунтириш ҳақида ёки тушунтиришиңи рад қилиш түғрисида ажрим (190-модда);
 - ёзуздаги хатоларни, ҳарфий хатоларни, ҳисоб-китобдаги янгишишларни тузатиш түғрисидаги ёки тузатишни рад этиш ҳақидаги ажрим (191-модда);
 - ҳусусий ажрим (200-модда);
 - ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш түғрисидаги иш бўйича ажрим (227-модда);
 - ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим (232-модда);
 - чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш түғрисидаги аризани қайтариш ҳақидаги ажрим (253-модда);
 - чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш түғрисидаги иш бўйича ажрим (257-модда);
 - апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш түғрисидаги ажрим (268-модда);
 - апелляция шикоятини (протестини) қайтариш түғрисидаги ажрим (269-модда);
 - апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш түғрисидаги ажрим (272-модда);
 - апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш түғрисидаги ажрим (273-модда);
 - кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш түғрисидаги ажрим (291-модда);
 - кассация шикоятини (протестини) қайтариш түғрисида ажрим (292-модда);
 - кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш түғрисидаги ажрим (295-модда);
 - кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш түғрисидаги ажрим (296-модда);
 - қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш түғрисидаги аризани қайтариш түғрисида ажрим (331-модда);
 - қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш түғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрим (333-модда);
 - ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш түғрисидаги аризани кўриш натижаси бўйича чиқарилган ажрим (340-модда);



- ижро варақасининг (суд буйруғининг) дубликатини бериш тұғрисидаги аризани күриш натижалари бүйіча чиқарилған ажрим (341-модда);
- суд ҳужжатининг ижросини кечикитириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тұғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бүйіча ажрим (342-модда);
- суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тұғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйіча ажрим (344-модда);
- ижро ишини юритишни тұхтатиб туриш ёки тугатиш тұғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйіча ажрим (345-модда);
- ижро иши юритишни тиклашни рад этиш тұғрисидаги ажрим (346-модда);
- ижро варақасини чақириб олиш ва янги ижро варақасини бериш тұғрисидаги ажрим (347-модда).

ИПКнинг 199-моддасига кўра, агар ИПКда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ажрим чиқарилған кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда унинг устидан шикоят (протест) берилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг қолган барча ажримлари устидан шикоят қилинмайди, аммо уларга нисбатан эътиrozлар ҳал қилув қарорига нисбатан берилган апелляция шикоятида билдирилиши мумкин.

ИПКнинг 260-моддасига асосан апелляция шикоятлари (протестлари):

тегишли туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг ҳал қилув қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг ҳал қилув қарори устидан берилганда – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарори устидан берилганда – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйіча судлов ҳайъати томонидан кўрилади.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

НАМУНА

Фарғона вилоят иқтисодий судига

Даъвогар: “GOLD TEXTILE” масъулияти чекланган жамияти

Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси 25-үй.

АТ “Асака” банкининг Марғилон шаҳар филиали,

х/р: 20208000516987944001, МФО: 00597,

СТИР: 200599384, тел: 234-54-98

Жавобгар: “SKY TEX” масъулияти чекланган жамияти

Марғилон шаҳри, Чилонзор кўчаси 47-үй.

АТ “Капитал” банкининг Марғилон шаҳар филиали,

х/р: 202080002457896582005, МФО: 00554,

СТИР: 207894575, тел: 234-64-05

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

(2017 йил 19 апрелдаги 15-1705/12121-сонли даъво аризани қайтарииш тўғрисидаги ажрим устидан)

“GOLD TEXTILE” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йил 14 апрелда Марғилон туманлараро иқтисодий судига жавобгар “SKY TEX” МЧЖдан муддати ўтган қарздорликни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилган.

Марғилон туманлараро иқтисодий суди судьяси А.К.Абдуллаевнинг 2017 йил 19 апрелдаги 15-1705/12121-сонли ажрими билан даъво аризаси қайтарилган.

Мазкур ажримни қуидагиларга кўра асоссиз деб ҳисоблаймиз:

Ажримда даъво аризаси ИПКнинг 155-моддасининг биринчи қисми, 7-бандига риоя қилинмаган ҳолда киритилгандиги, яъни талабнома юбориш тартибига риоя қилинмаганилиги кўрсатилган.

Шунингдек, ажримда “томонлар ўртасида тузилган шартноманинг 16.1 ва 16.2 бандида тарафлар ўртасида низо келиб чиқсанда талабнома юбориш назарда тутилган” деган важ келтирилган.

Суднинг даъво аризани қайtarish учун юқорида келтирган асослари нотўғри.

Чунки, авваламбор, шартномада 16.1 ва 16.2 бандлар йўқ, шартнома 13 банддан иборат.

Қолаверса, шартноманинг низоларни ҳал қилиш (11-банд) шартларида талабнома юбориш кўзда тутилмаган.

Шу сабабли, даъвогарда жавобгарга талабнома юбормасдан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Суд эса нотўғри ажрим чиқариб, даъвогарнинг ўз ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини чеклаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ИПК 155-модданинг учинчи қисми, 281-моддаларини кўллаб суддан Марғилон туманлараро иқтисодий суди судьяси А.К.Абдуллаев томонидан чиқарилган 2017 йил 19 апрелдаги 15-1705/12121-сонли ажримни бекор қилиб, даъво аризани иш юритувига қабул қилишингизни сўрайман.

Илова: “8” варақда

“GOLD TEXTILE” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

НАМУНА

А.Қодиров



5.2.2. Апелляция шикояти бериш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тартиби ва асослари

Суд ҳужжатига нисбатан апелляция шикоятини келтириш бўйича белгиланган муддат ўтказиб юборилган тақдирда қонун ушбу муддатни тиклаш эҳтимолини назарда тутади.

ИПКнинг 262-моддасига мувофиқ апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддати, шикоят берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечикитрмасдан берилган ва апелляция шикоятини бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

Апелляция шикоятини бериш муддатини тиклашни рад этиш ҳақида апелляция шикоятини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

Ёдда туting!

Апелляция шикоятини бериш учун белгиланган бир ойлик муддат иқтисодий суд ташабуси билан аризачининг талабисиз қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин эмас. Бунинг учун ишдирик этувчи шахслар ариза, илтимоснома билан мурожаат этишлари лозим.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома апелляция шикояти билан бирга берилади. Мазкур илтимосномада апелляция шикояти келтириш учун муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини асословчи ҳолатлар кўрсатилиши ҳамда уларни тасдиқловчи далиллар илова қилиниши лозим.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида сўровни ва узрли сабабларни апелляция шикоятининг ўзида ҳам ёзиш мумкин.

ИПКнинг 268-моддасига кўра тикланиши рад этилган апелляция шикоятини бериш муддати ўтказиб юборилган бўлса судья апелляция шикоятини қабул қилишни рад этади.



Қандай сабаблар шикоят беришнинг ўтказиб юборилган муддатни тиклаш учун асос бўлиши мумкин?



Қонунда бундай асослар рўйхати берилмаган. Аммо суд томонидан узрли деб топилиши мумкин бўлган сабаблар жумласига ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз вақтида шикоят келтириши имконига эга бўлмаганигини тасдиқловчи ҳолатлар, хусусан, уларнинг бунга имкон бермайдиган даражада касаллиги, хизмат сафарига кетганини, ҳал қилув қарорини ўз айбига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра кеч олганлиги каби сабабларни киритиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг қатъий рўйхати қонун билан белгиланмаган бўлиб, шикоят бериш учун ўтказиб юборилган муддатнинг узрли эканлиги ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиққан ҳода суд томонидан баҳоланади.

ИПКнинг 269-моддасига кўра апелляция шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса, судья апелляция шикоятини қайтаради.

Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилганда, у қонуний кучга кирмайди.

Апелляция шикояти уни бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолда берилганда ва ушбу муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра тўхтатиб туришга ҳақли.

Ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг ижроси апелляция инстанцияси суди томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ҳужжати қабул қилингунга қадар бўлган муддатга тўхтатиб турилади.



5.2.3. Апелляция шикоятининг мазмунига қўйиладиган талаблар

Судга аризалар тақдим этишда мазкур аризаларнинг мазмунига нисбатан процессуал қонунчиликда муайян талаблар белгиланган бўлиб, ушбу талаблар апелляция шикоятига ҳам таалуқидир.

Апелляция шикоятида шикоят берадиган шахснинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Апелляция шикояти нафақат иқтисодий суднинг тўлиқ ҳал қилув қарорига, балки қарорнинг бир қисмига, масалан, хулоса қисмига, суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш масалаларига, қарорларнинг ижро этиш тартиби ва муддатларига ҳамда ишни кўришда суд ҳал қилган бошқа масалаларга доир қисмига нисбатан ҳам келтирилиши мумкин.

Апелляция шикоятида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- шикоят йўлланаётган суднинг номи
- шикоят берадиган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми)
- устидан шикоят берадиган ҳал қилув қарорини қабул қилган иқтисодий суднинг номи, ишнинг рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети
- шикоят берадиган шахснинг талаблари ҳамда шикоят берадиган шахс иш ҳолатлари ва далилларга, қонулар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблаш учун келтирган асослар
- шикоятга илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати

Апелляция шикоятида албатта суд қарори устидан тўла ёки қисман шикоят қилинаётганини кўрсатилиши керак. Агар қисман шикоят қилинаётган бўлса, ҳал қилув қарорининг айнан қайси қисмига, яъни суднинг қайси хуносаларига қўшилмаслиги кўрсатилиши керак.

Апелляция шикоятини тузишда унда келтирилаётган важларнинг қонунларга ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда далиллашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу далиллар



аризачининг фикрига кўра суд томонидан ушбу ишни ҳал қилишда эътиборга олиниши лозимлиги, аммо суд буни эътиборга олмаган ёки нотўғри қўллаганлиги кўрсатилиши керак. Шунингдек, аризачи ишда бор бўлган ва қўшимча тақдим этилган далилларга ҳам суднинг эътиборини қаратиши керак.

Апелляция шикоятида аризачининг, хусусан уни бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоси, давлат божини тўлашни кечикитириш, узайтириш, даъвони таъминлаш, ишни янги далиллар билан тўлдириш тўғрисидаги сўровлари ҳам бўлиши мумкин. Мазкур илтимосномалар алоҳида аризада ҳам келтирилиши мумкин. Бундай ҳолда улар апелляция шикояти билан бирга қўшиб судга топширилади.

Даъво аризасини қайтариш ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган апелляция шикоятига қайтарилигтан даъво аризаси ва судга тақдим этишда унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Апелляция шикоятига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар

ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция шикояти ва унга илова қилинган, уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат

апелляция шикояти вакил томонидан имзоланган тақдирда, унинг имзолашга доир ваколатини тасдиқловчи ҳужжат

апелляция шикоятида баён этилган апелляция бераётган шахснинг талабларини асослантирувчи ҳужжатлар

илтимосномалар, хусусан, апелляция шикояти келтириш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида, иш ҳужжатларига қўшимча далиллар тақдим этиш тўғрисида ва ҳоказо.

Апелляция шикоятини имзолаш. Апелляция шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Агар шикоят ташкилот номи билан берилса, уни имзолайдиган шахснинг лавозими, мавқеи ҳақида маълумотлар бўлиши керак.

Апелляция шикояти аризачининг вакили (адвокат, юристконсульт ва бошқалар) томонидан имзоланганда шикоятга тегишли равишда расмийлаштирилган ишончнома (агар ушбу иш бўйича бундай ишончнома аввал берилган бўлмаса) тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси



Ёдда тутинг!

ИПКнинг 63-моддасига мувофиқ вакилнинг иқтисодий суд ҳужжатлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқи махсус назарда тутилган бўлиши керак. Агар шундай ишончнома ишда мавжуд бўлса, апелляция шикоятида унга ҳавола қилиниши керак.

Хўжалик процессуал Кодексини қўллаш ҳақида” 2007 йил 28 декабрдаги 173-сонли қарорининг 7-бандига кўра, агар апелляция шикояти (протести) иш юритишига қабул қилинганидан сўнг шикоятга (протестга) имзо қўйган шахснинг уни имзолашга ҳақли эканлигига шубҳа туғилса, аризачига тегишли далилларни тақдим этиш таклиф этилади. Бундай далиллар тақдим этилмаганда, шикоят (протест) кўрмасдан қолдирилади.

Апелляция шикоятининг нусхасини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш. ИПКнинг 264-моддасига мувофиқ апелляция шикоятини бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция шикоятининг кўчирма нусхасини ва унга илова қилинган, бу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларни юбориши ёки тилхат билан шахсан топшириши керак.

Шикоят нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхалари жўнатилганлигини:

- агар улар буюртма хат билан ёхуд телеграф орқали жўнатилган бўлса – поча квитанцияси тасдиқлайди;
- агар улар тегишли шаклдаги рўйхат бўйича оддий поча орқали жўнатилган бўлса - аризачи томонидан тасдиқланган ва поча бўлими қабул қилганини тасдиқловчи поча квитанциясининг рақами ва муддати кўрсатилган кўчирма тасдиқлайди;
- агар улар шахсан топширилган бўлса – олувчининг лавозими, исми, фамилияси, отасининг исми ва олган вақти кўрсатилган дастхати тасдиқлайди.

Ёдда тутинг!

Агар ишда бир неча даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахслар қатнашаётган бўлса, апелляция шикоятининг нусхаси ва уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатлар нусхалари уларнинг ҳар бирига жўнатилади, чунки ишда иштирок этувчи барча шахслар шикоятнинг мазмуни, ҳужжатлар билан танишишлари ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайёрланишлари керак.

Апелляция шикояти юзасидан ёзма фикр билдириш. ИПКнинг 270-моддасида кўра ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикоятининг кўчирма нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ёзма фикрини ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ёзма фикрининг кўчирма



нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далилларни апелляция шикояти кўриб чиқиладиган кунгача етиб боришни таъминлайдиган муддатда судга юборишига ҳақлидир.

Апелляция шикояти юзасидан ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Апелляция шикояти юзасидан ёзма фикрга аввал тақдим этилмаган ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Бу ҳолда ёзма фикрга ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

Апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция суди каби, тортишув тамоили амал қиласи, шунинг учун ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикоятини олгандан сўнг судга, шунингдек бошқа ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикоятига ёзма фикр юбориш ҳуқуқини беради.

Апелляция шикоятига ёзма фикр йўллаш мажбурият эмас, балки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқидир. Бундай ёзма фикрни бермаслик ишни кўриб чиқишига тўскенилик қилмайди.

Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилишни рад этиши. ИПКнинг 268-моддасига кўра судья апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

1) апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

2) апелляция шикояти (протести) қонун ҳужжатларига мувофиқ апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган ҳал қилув қарори устидан берилган бўлса;

3) апелляция шикояти (протести) апелляция тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

4) тикланиши рад этилган апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилган бўлса;

5) апелляция шикоятидан (протестидан) уни берган шахс воз кечганлиги (уни чақириб олганлиги) сабабли апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тутатиш тўғрисида ажрим мавжуд бўлса.

Апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримда апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш асослари кўрсатилади, апелляция шикоятини беришда тўланган давлат божини қайтариш тўғрисидаги масала ҳал этилади.



Апелляция шикоятини қайтариши. ИПКнинг 269-моддасига кўра судья апелляция шикоятини қўйидаги ҳолларда қайтаради:

1) апелляция шикояти имзоланмаган бўлса ёхуд уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёинки мансаб мавқеи ёки фамилияси ва исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикоятига унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигига доир далиллар илова қилинмаган бўлса;

3) давлат божи ва поча харажатлари белгиланган тартибда ҳамда миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикояти ҳал қилув қарорини қабул қилган иқти-
содий судни четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса;

5) апелляция шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаса;

6) апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунинг қадар шикоятни берган шахсдан уни қайта-
риб олиш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажримда апелляция шикоятини қайтариш асослари кўрсатилади, апелляция шикоятини бериш чоғида тўланган давлат божини қайтариш тўғрисидаги масала ҳал этилади.

Апелляция шикояти қайтарилганда тўланган давлат божи қайтариб берилади. Қайта берилган апелляция шикояти учун, агар биринчи марта шикоят қилганда тўланган бож қайтариб олинмаган бўлса, қайта бож тўланмайди.

Апелляция шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси шикоятни берган шахсга шикояти ва илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ИПК 197-моддасида белгиланган тартибда юборилади.

Апелляция шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикояти берилиши мумкин.

Ёдда тутинг!

Апелляция шикоятини қайтариш тўғрисидаги суд ажрими бекор қилинган тақдирда, апелляция шикояти дастлаб судга мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади.



Шикоят берган шахс юқоридаги ИПК 269-моддасыда күрсатилған ҳолатлар бартараф этилганидан кейин судга апелляция шикояти билан умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақлы.

ИПКнинг 267-моддасига кўра белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилинган ҳолда берилган апелляция шикояти апелляция инстанцияси судининг иш юритувига қабул қилинади.

Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда апелляция шикоятини кўриш бўйича суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.



5.2.4. Апелляция шикоятидан воз кечиш түшүнчаси, тартиби ва оқибатлари

Судга мурожаат қилиш ҳар қандай манфаатдор шахснинг ҳуқуқи бўлиб, ушбу мурожаат натижаси бўйича қабул қилинган суд ҳужжатига нисбатан шикоят келтириш ҳам шундай ҳуқуқ тоифасига киради. Яни, қонун апелляция шикояти берган шахсга ундан воз кечиш ҳуқуқини ҳам беради.

Жумладан, ИПКнинг 275-моддасига кўра апелляция шикояти берган шахс ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилгунига қадар ундан воз кечишига ҳақли.

Апелляция шикояти берилгандан кейин шикоятидан воз кечиш ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда, апелляция инстанцияси судига топширилиши лозим.

Агар шикоятидан воз кечиш қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, иқтисодий суд шикоятидан воз кечишни рад этиб, ишни апелляция тартибида кўриб чиқишига ҳақли.

Суд шикоятидан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатади. Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятидан қисман воз кечилгандан иш юритиш тугатилмайди.

Суд томонидан апелляция шикоятидан воз кечишнинг қабул қилиниши шикоятидан воз кечган шахснинг иккинчи бор апелляция шикояти билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиласди. Аммо бу шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган, уни расмийлаштириш талабларига, бериш муддат ва тартибларига риоя қилган ҳолда мурожаат қилган бошқа шахслар апелляция шикоятини иш юритиш учун қабул қилишга монелик қилмайди.

Апелляция инстанциясида иш юритиш тугатиш биринчи инстанция судининг шикоят қилинган ҳал қилув қарори тақдирига таъсир қилмайди. У ўзгаришсиз қонуний кучга киради.



5.2.5. Апелляция шикоятини судда күриш тартиби ва муддатлари

Апелляция инстанциясида ишни күриш тартиби. Апелляция инстанцияси суди ишни суд мажлисида ИПКнинг 34-бобида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция судида күриш қоидалари бўйича кўради.

Апелляция инстанцияси судида: ишларни бирлаштириш тўғрисидаги; даъвонинг предметини ёки асосини, даъво талабларининг миқдорини ўзгартириш ҳақидаги; қарши даъво тақдим этиш; ишда иштирок этиш учун учинчи шахсларни жалб этиш тўғрисидаги қоидалари, шунингдек ИПКда фақат биринчи инстанция судида ишни күриш учун белгиланган бошқа қоидалар қўлланилмайди.

Апелляция инстанцияси судининг суд мажлисига суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган апелляция шикоятини берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди, бундан жамият ёки давлат манфаатларини кўзлаб қўзғатилган ишлар бўйича прокурорнинг келмаганлиги мустасно.

Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги масала шикоят иш билан бирга судга келиб тушган кунидан эътиборан беш кундан кечиктирмай судья томонидан якка тартибда ҳал қилинади.

Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай юборилади.

Биринчи инстанция судидан фарқли ўлароқ, апелляция инстанциясида барча ишлар ҳайъат томонидан кўрилади. Бунда ишни кўраётган суднинг таркибига уч ёки бошқа тоқ сонли судьялар киритилади, улар суд раиси томонидан белгиланади. Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ҳам ўтказилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг мажлисида раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикояти ёки протести бўйича қандай иш кўрилишини эълон қиласди. Раислик қилувчи ишда



иштирок этувчи шахслар, иш юритишининг бошқа иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равища хабардор қилинганикларини ҳамда улар келмаганлигининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади. Шунингдек, суд таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ҳамда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда судлов ишини юритишининг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган бўлса ва у ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинганиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Ишда иштирок этувчи, иш кўриладиган вақт ва жой тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маъруzasasi билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатини, биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикояти ёки протестида келтирилган далилларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни (эътиrozларни), келтирилган янги далилларнинг мазмунини, шунингдек ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган барча маълумотларни баён этади.

Судда раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маъруzasидан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари тингланади, бу шахслар апелляция шикояти ёки протестида кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материалларни тақдим этишга ҳам ҳақли.

Аввал апелляция шикоятини берган шахс ва унинг вакили ёки агар иш протест бўйича кўриб чиқилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан кейин прокурор ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисида фикрини баён қиласди.

Ишда иштирок этувчи шахсларни эшитганидан ва қўшимча материаллар билан танишганидан сўнг суд қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага чиқади.

Судьялар томонидан қабул қилинган қарор суд залида ошкора эълон қилинади.



ИПКнинг 277-моддасига кўра апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, суднинг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти у судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичida кўриб чиқлади.

Алоҳида ҳолларда апелляция шикоятини кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш чегараси. Апелляция инстанциясида ишни кўриш чегаралари деганда биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини текшириш доираси, ҳажми тушунилади. ИПКнинг 276-моддасига асосан суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослантирилганлигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Ёдда тутинг!

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятида баён этилган вожлар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширади.

Ишни тўла ҳажмда кўрап экан, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини шикоят қилинган қисмига нисбатан ҳам, шикоят қилинмаган қисмига нисбатан ҳам, шунингдек шикоят бермаган шахсларга нисбатан ҳам текширади.

Шунинг учун апелляция шикоятида кўрсатилганидан ташқари қўшимча далилларни суд жараёнининг қарор қабул қилишгача бўлган исталган босқичида тақдим этиш мумкин.

Қўшимча далилларни тақдим этиш тўғрисидаги ариза оғзаки тарзда (суд мажлисида оғзаки илтимос қилиш) ҳам, ёзма тарзда ҳам (апелляция шикоятида, ёзма илтимосномалар орқали) амалга оширилиши мумкин.

Қўшимча далиллар сифатида ёзма далиллардан, эксперталар хуносасидан, гувоҳлар кўрсатмасидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан фойдаланиш мумкин.



Қўшимча далиллар апелляция шикоятини берган шахс томонидан ҳам, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан ҳам судга тақдим этилиши мумкин.

Бу апелляция инстанцияси судида даъво асоси ва предметининг, шунингдек даъво талабарининг ҳажми ўзгартирилишига, тегишли бўлмаган тарафнинг алмаштирилишига, бошқа жавобгарнинг жалб этилишига йўл қўйилмаслигини англатади.

Ёдда туting!

ИПКнинг 276-моддаси учинчى қисмiga асосан биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Янги илтимоснома ҳамиша янги талаб бўлавермайди. Масалан, апелляция шикоятини берган шахс судда гувоҳларни сўроқ қилишни, даъвони таъминлашни, далилларни текширишни илтимос қиласди - бу янги илтимоснома, аммо даъво талаби эмас, шунинг учун бунга апелляция инстанцияси судида йўл қўйилади.

Апелляция инстанцияси суди томонидан қўшимча далиллар қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

агар аризачи қўшимча далилларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имкониятига эга бўлмаганлигини асосласа

далиллар биринчи инстанция судида ишни кўриш вақтида мавжуд бўлган, аммо шахс унинг мавжуд бўлганлигини билмаган ёки билиши мумкин бўлмаган бўлса

далиллар биринчи инстанция судида ишни кўриш вақтида мавжуд бўлган ва уларни тақдим этган шахс буни билган, аммо ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра судга тақдим эта олмаган бўлса

қўшимча далиллар биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг пайдо бўлган бўлса

биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган, шахс томонидан тақдим этилган далилларни муҳокама қилмаган бўлса

биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган далилларни текширишни асоссиз рад этган бўлса

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллаш ҳақида" 2007 йил 28 декабрдаги 173-сонли қарорининг 13-бандига кўра қўшимча



далилларни қабул қилиш ҳақидаги масала ҳал этилаётганда биринчи инстанция судида мазкур далилларни тақдим қилмаганлик сабаблари, уларни апелляция инстанцияси судига тақдим қилишнинг зарурлиги, шунингдек низони тӯғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга далилларнинг дахлдорлиги ҳақидаги арз қилувчининг тушунтиришлари эътиборга олинади. Агар манфаатдор шахс биринчи инстанция судида ўзини инсофисизларча тутганилиги ва суд жараёнини чўзиш мақсадида мазкур далилларни тақдим қилмаганлиги аниқланса, қўшимча далиллар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмаслиги мумкин.

Апелляция шикоятини кўрмасдан қолдириши. ИПКнинг 272-моддасига асосан агар апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинганидан сўнг унинг имзоланмаганлиги ёки уни имзолаш хуқуқига эга бўлмаган ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси ва исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдиради.

Апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиб, унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатиши. ИПКнинг 273-моддасига кўра апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни қўйидаги ҳолларда тугатади, агар:

1) апелляция шикояти (протести) ИПКга мувофиқ апелляция тартибида шикоят қилинмайдиган ажрим устидан берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса;

2) апелляция шикояти (протести) апелляция тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса;

3) апелляция шикояти суд ҳужжати устидан шикоят қилиш хуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

4) апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинганидан сўнг шикоят берган шахс томонидан шикоятдан воз кечиш тўғрисида ариза келиб тушган ва воз кечиш апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинган бўлса;

5) апелляция протести иш юритишга қабул қилинганидан сўнг протест келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан протестни чақириб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса;

6) апелляция шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ишда тараф бўлган юридик шахс тугатилган бўлса;



7) апелляция шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этса, низоли ҳуқуқий муносабат эса ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Агар апелляция шикоятида (протестида) шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар билдирилган бўлса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятининг (протестининг) бу талабларга тааллуқли қисми бўйича иш юритиши тугатади.

Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритиши тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритиши тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан назорат тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.



5.2.6. Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари

Ишни апелляция тартибида кўриш натижасига кўра апелляция инстанцияси судининг хуносаси қарор шаклида қабул қилинади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри тинглаб бўлинганидан кейин апелляция инстанцияси суди қарор чиқариш учун маслаҳатхонага чиқади.

Судъяларнинг маслаҳатлашуви, қарор чиқариш ва уни эълон қилиш тартиби биринчи инстанция судида иш юритиш тартибида белгилангани каби амалга оширилади.

Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари деганда суднинг апелляция шикояти бўйича текширилаётган, ҳали қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорига нисбатан қонун билан белгиланган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқларининг мажмуи тушунилади.

Агар апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўриш давомида янги фактик ҳолатлар аниқланса, иш бўйича янги далиллар таҳлил этилса, бошқа ҳуқуқий норма қўлланилса, ҳал қилув қарорини

Иқтисодий суд ишни апелляция инстанциясида кўргач, қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш

ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тутатиш ёхуд даъвони тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдириш

ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш ёки ҳал қилув қарорини ўзгартириш

иша иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганилиги аниқланган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юбориш



бекор қилиши ва иш бўйича янги қарор қабул қилиши мумкин. Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг мазмунан акси бўлган қарор янги қарор ҳисобланади. Масалан, биринчи инстанция суди даъвогардан жавобгарга 10 млн. сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Апелляция инстанцияси суди эса даъвони рад этиш керак, деган хуносага келди. Даъвони рад этиш ҳақидаги қарор янги ҳисобланади, чунки у мазмунига кўра биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг аксидир.

Апелляция инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ҳуқуқи ҳам янги қарор қабул қилиш ҳуқуқини берган шартлар асосида юзага келади. Ҳусусан, ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ундириладиган маблағ миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳолати сабаб бўлиши мумкин.



5.2.7. Апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорини ўзгартериш ёки бекор қилиш асослари

Ҳал қилув қарорини ўзгартериш деганда унга киритилган, аммо биринчи инстанция судининг ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир сўнгги хуносаларига таъсир этмайдиган тузатишлар тушунилади.

Ҳал қилув қарорининг бекор қилиниши - бу апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриши натижасида чиқарган ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилишга йўналтирилгандир.

Ҳал қилув қарорини ўзгартериш ёки бекор қилиш асослари ҳал қилув қарорининг ноқонунийлиги ва асослантирилмаганинг келиб тақалади.

Ноқонунийлик ва асослантирилмаганик тушунчалари ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Қонунни бузган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарори асослантирилган деб ҳисобланishi мумкин эмас, асослантирилмаган қарор - қонуний ҳисобланмайди.

Ишнинг фактик ҳолатлари нотўғри аниқланган ҳал қилув қарори асослантирилмаган ҳисобланади. Ноқонуний деб иқтисодий суднинг моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланиши натижасида чиқарилган ҳал қилув қарори тушунилади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиш ёки нотўғри қўлланилиши. ИПКнинг 279-моддасига асосан процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартериш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Суд таркибининг ноқонунийлиги деганда ишнинг кўрилишида судьялик ваколатига эга бўлмаган, шунингдек ушбу суднинг судьялари бўлмаган шахслар иштирок этганлиги, судьяларни рад қилиш ёки уларнинг ўзларини рад қилишларига асос бўла туриб, улар рад қилинмаганинг, муайян ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўймаслик қоидалари бузилганлиги тушунилади.

Суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидаларнинг бузилганлиги



ҳам процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилиши ҳисобланиб, у ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Ҳал қилув қарори ўзгартерилиши ёки бекор қилиниши мумкин, агар:

иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган бўлса, хусусан:

иқтисодий суднинг хулосалари суд мажлисида кўриб чиқилган далиллар билан тасдиқланмаса

иқтисодий суднинг хулосаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар инобатга олинмаган бўлса

иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори асослантирилмаган бўлса

иқтисодий суднинг хулосаларида унинг қонунийлигига таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса

иқтисодий суд аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганилиги, хусусан:

ҳал қилув қарори бир-бираiga қарама-қарши бўлган, рад этилган ёки бошқа далиллар билан тасдиқланмаган далилларга асослансан; ҳал қилув қарорига асос бўлган далиллар ҳақиқий бўлмаса; ҳал қилув қароридаги хулосалар аниқланган фактларга эмас, балки тахминларга асосланган бўлса

ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофик келмаслиги, хусусан:

иқтисодий суд аниқланган фактлар асосида тарафларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида нотўғри хулосага келган бўлса

моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги, хусусан:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжатининг қўлланилмаганилиги

қўлланилиши мумкин бўлмаган қонун ҳужжатининг қўлланилганлиги

қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги

процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги

Ишга жалб қилинмаган шахсларнинг ишга киришлари биринчи инстанция суди томонидан ноқонуний тарзда рад қилиниши ёки уларни, тарафнинг тегишли илтимосномаси (розилиги) борлигига ёки суд томонидан уларни ишдан манфаатдорлиги бевосита аниқланганига қарамасдан, ишга иштирок этишга жалб қилмаслик ва шу билан бирга



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир ҳал қилув қарори қабул қилиш процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши сифатида тан олинади.

Ёдда тутинг!

Суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилганлиги деганда ишда иштирок этаётган, бироқ суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсга таржимон ёрдамида ишга тааллуқли материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳамда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланмаганлиги тушунилади.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда баъзан бир неча процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўйилади, шунинг учун ҳал қилув қарори бир йўла бир эмас, бир неча асосларга кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўладиган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши

Суд томонидан ишнинг қонунга хилоф таркибда кўрилганлиги

ишнинг ишда иштирок этувчи, суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегиши тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир шахс йўқлигига кўрилганлиги

Суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги

ҳал қилув қарорининг судья ёки, агар иш судьялар ҳайъати таркибда кўрилган бўйса, судьяларнинг бири томонидан имзоланмаганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганилиги

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги

Билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги ва судьялар маслаҳатининг сир сақланиши тўғрисидаги қоиданинг бузилганлиги

Ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд эмаслиги ёки у раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан имзоланмаганлиги



5.2.8. Апелляция инстанцияси қарорининг мазмуни

ИПКнинг 280-моддасига кўра апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қиласди, қарор ишни кўрган судьялар томонидан имзоланади.

Қарор чиқариш пайтида юзага келган барча масалалар судьялар томонидан кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Қарорга қўшилмаган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилиши мумкин, у иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади. Ишда иштирок этувчи шахслар алоҳида фикр билан таниширилмайди.

Апелляция инстанцияси судининг қарорида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг тақсимланиши кўрсатилади.

Суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган тақдирда, суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ишни янгидан кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Апелляция инстанцияси суди қарорининг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга у қабул қилинган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади. Апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Апелляция инстанциясининг қарорида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

апелляция инстанцияси судининг номи, қарорни қабул қилган суд таркиби, суд мажлиси котиби; ишнинг рақами, қарор қабул қилинган сана ва жой;

апелляция шикоятини (протестини) берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг процессал ҳолати

ишда иштирок этувчи шахсларнинг, шунингдек улар вакилларининг ва суд процесси бошқа иштирокчиларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми)

низо предмети

биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, уни қабул қилган судьяларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми; иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори мазмунининг қисқача баёни



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

апелляция шикоятида (протестида) көлтирилган ҳал қылув қарорининг қонунийлигини ва асосилигини текшириш тұғрисида талаф билдирилишига доир асослар; апелляция шикояти (протести) қозасидан ёзма фикрда баён қилинган важлар

ишда иштирок этувчи ва суд мажлисида ҳозир бүлган шахсларнинг тушунтиришлари

апелляция инстанцияси суди томонидан аниқланған иш ҳолатлары; суднинг ушбу ҳолатлар тұғрисидаги хulosалари учун асос бүлган далиллар; суд қарорни қабул қилишда амал қылған қонуналар ҳамда бошқа норматив-хуқукий хужжатлар; суднинг у ёки бу далилларни рад этишига ва ишда иштирок этувчи шахслар ҳавола қылған қонуналар ва бошқа норматив-хуқукий хужжатларни күлламаганлығына доир сабаблар

агар биринчи инстанция судининг ҳал қылув қарори түлиқ ёки қисман ўзгартырылған бўлса, апелляция инстанцияси суди унинг хulosаларига кўшилмаганлыгининг сабаблари; агар иш янгидан кўриш учун юборилаётган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар

апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари тұғрисидаги хulosалар



5.3. Суд ҳужжатларига нисбатан кассация тартибида шикоят келтириш ва шикоятни судда кўриш тартиби

Иқтисодий процессуал қонунчиликка қўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари, қарорлари ва ажримлари устидан шикоятларни кўришнинг навбатдаги босқичи кассация тартибида иш юритиш бўлиб, бундай тартиба иш юритиш қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори, қарор ёки ажримнинг устидан келтирилган шикоятлар бўйича амалга оширилади.

Кассация тартибида иш юритишнинг апелляция тартибида иш юритишдан асосий фарқи, унда қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан келтирилган шикоятлар кўрилади. Яъни, апелляция шикояти қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатига нисбатан ва мазкур ҳужжат қабул қилинганидан кейин бир ойлик муддат давомида берилса, кассация шикояти суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилади.

Суд ҳужжатлари устидан кассация шикояти бериш тартиби, кассация шикоятининг мазмунига қўйиладиган талаблар, шикоятга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар, давлат божи тўлови масаласининг ҳал этилиши, кассация шикоятидан воз кечиш, даъвогарнинг арз қилган даъво талабидан воз кечиши, жавобгарнинг даъво талабини тан олиши ва тарафларнинг келишув битимини тузиши, кассация шикоятини суд мажлисида кўриш тартиби ишни апелляция тартибида кўриш учун белгиланган тартиб билан деярли бир хилдир.

Кассация инстанция судида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, ҳал қилув қарорини, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш, кассация инстанциясининг ваколатларида яқъол кўринади.

ИПКнинг 283-моддасига қўра кассация шикоятлари (протестлари): тегишли туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг ҳал қилув қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг ҳал қилув қарори устидан берилганда – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарори устидан берилганда – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.



Кассация инстанциясида иш юритишнинг умумий қоидалари

биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган суд хужжати устидан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин

қўшимча ҳал қилув қарори шикоятнинг мустақили предмети бўлиши мумкин

иша иштирок этувчи шахслар, яъни тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошقا органлар ўз зиммаларига юқлатилган ваколатга кўра кассация шикояти (протести) бериш ҳуқуқига эга

иша иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар ҳам кассация шикояти бериш ҳуқуқига эга

вакиллар ҳам кассация шикоятини бериш ҳуқуқига эга, агар шикоятни беришга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада маҳсус назарда тутилган бўлса

кассация шикояти (протести) суд хужжати қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилиши мумкин

кассация шикояти (протести) кассация инстанциясида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширувчи судга шикоят қилинаётган суд хужжатини қабул қилган суд орқали берилади

Кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судининг номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни кассация инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичida берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичida берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Кассация шикоятини берадётган шахс иша иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация шикоятининг ва унга илова қилинган, бу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхасини юбориши ёки тилхат олиб шахсан топшириши керак.



Кассация шикоятида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

кассация шикояти йўлланаётган суднинг номи

шикоят берадиган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми)

устидан шикоят бериладиган ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низо предмети

шикоят берадиган шахснинг талаблари ва шахс қонунларга ёки бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, иш ҳолатларига ҳамда далилларга ҳавола қилинган ҳолда суд хужжатини нотўри деб ҳисоблаш учун келтирган асослар

шикоятга илова қилинаётган хужжатлар рўйхати

Кассация шикоятига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

давлат бози ва поча ҳаражатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар

иша иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация шикоятининг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат

кассация шикояти вакил томонидан имзолangan тақдирда, унинг имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат

аризалар, илтимосномалар

Даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, апелляция шикоятини қайтариш ва апелляция шикоятини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига қайтарилиган даъво аризаси, апелляция шикояти ва судга тақдим этиш чоғида унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

ИПКнинг 291-моддасига кўра кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни қўйидаги ҳолларда рад этади, агар:

1) кассация шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) хуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

2) кассация шикояти (протести) қонун ҳужжатларига мувофиқ кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган ҳал қилув қарори устидан берилган бўлса;

3) кассация шикояти (протести) кассация тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;



4) тикланиши рад этилган кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилган бўлса;

5) кассация шикоятидан (протестидан) уни берган шахс воз кечганлиги (уни чақириб олганлиги) сабабли кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса;

6) кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган бўлса.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримда кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш асослари кўрсатилади, кассация шикоятини бериш чоғида тўланган давлат божини қайтариш тўғрисидаги масала ҳал этилади.

Кассация шикояти қўйидаги ҳолларда қайтарилади, агар:

кассация шикояти имзоланмаган бўлса ёхуд уни имзолаш хуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса

шикоят ҳал қилув қарорини қабул қилган судни четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса

кассация шикоятига унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганилигига доир далиллар илова қилинмаган бўлса

давлат божи белгиланган тартиба ва микдорда тўланганилигини тасдиқловчи хужжатлар кассация шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса

кассация шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаса

кассация шикояти иш юритишга қабул қилинганилиги тўғрисида суд ажрими чиқарилгунига қадар шикоятни берган шахсдан уни қайтариб олиш тўғрисида ариза тушган бўлса

ИПКнинг 293-моддасига кўра иштирок этувчи шахс кассация шикоятининг (протестининг) кўчирма нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ёзма фикрини ҳамда ушбу ёзма фикрнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганилигини тасдиқловчи хужжатларни кассация шикояти (протести) кўриб чиқиладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда судга юборишга ҳақлидир.

Кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан



имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ёзма фикр бериш шахс кассация инстанцияси судининг суд мажлисида шахсан иштирок эта олмайдиган ёхуд иш кейинчалик назорат тартибида қайта кўриб чиқладиган ва ишда мавжуд бўлган кассация шикоятига билдирилган ёзма фикр тўғри холоса чиқаришга ёрдам берадиган ҳолатларда жуда муҳимдир.

Ҳал қилув қарорини ижро этишини тўхтатиб туриш. ИПКнинг 294-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунинг қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида ёки унинг ижросини тўхтатиб туришини рад этиш ҳақида кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатади.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгартириш, янги қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун, agar кассация инстанцияси қарори биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ижро этилганидан сўнг қабул қилинса, мазкур суд ҳужжати бўйича олинган барча нарсаларни қайтаришлик фақатгина суд ҳужжатининг қайтарма ижроси институтидан фойдаланиш йўли билан ҳал этилиши мумкин.

Суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилади, якуний қарорни кассация инстанцияси суди чиқаради.

Ижрони қанча муддатга тўхтатиш мумкинлиги ИПКда кўрсатилмаган. Аммо одатда ижро кассация тартибида иш юритиш тугатилгунга қадар тўхтатиб турилади.

Кассация шикоятини кўрмасдан қолдириш ва кассация шикояти бўйича иш юритишни тугатиш асослари апелляция шикояти билан боғлиқ асослар билан бир хилдир.

Худди шунингдек, кассация инстанцияси суди томонидан ишни кўриш тартиби, шикоятдан воз кечиш, ишни кўриш чегаралари апелляция инстанцияси билан айнан ўхшашибдири.

Суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) у иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқлади.

Алоҳида ҳолларда суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

ИПКнинг 299-моддасига кўра суд ишни кассация инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослантирилганлигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Кассация инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт. Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Кассация инстанциясида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида” 2005 йил 23 декабрдаги 36-сонли қарорининг 11-бандига кўра кассация инстанцияси суди ИПКнинг 186-моддасига мос ҳолда биринчи инстанция судида арз қилинмаган янги талабларни қабул қилишга ёки кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бунда янги талаблар деганда, биринчи инстанция судида кўриб чиқилмаган моддий-хуқуқий талаблар, шунингдек биринчи инстанция судида ишни кўришда иштирок этмаган шахсга нисбатан билдирилган талаблар тушунилади.

Агар кассация шикоятида (протестида) биринчи инстанция судида кўриш предмети бўлмаган янги талаблар арз қилинган бўлса, кассация инстанцияси суди қарорнинг асослантирувчи қисмида ушбу талаблар биринчи инстанция судида кўриш предмети бўлмаганлиги сабабли, кўриб чиқилмаслигини кўрсатиши лозим.

Кассация инстанцияси суди ишни кўрганидан кейин қўйидагиларга ҳақли:

ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш

ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва янги қарор қабул қилиш

ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тутатиш ёхуд даъвони тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдириш

ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни ҳал қилув қарори бекор қилинган суд инстанциясига янгидан кўриш учун юбориш

ҳал қилув қарорини ўзгаририш



ИПКнинг 302-моддасига мувофиқ биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қўйидагилар асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) ҳал қилув қарорида баён қилинган хуносаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;
- 4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин, агар:

моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёхуд нотўғри қўлланилган бўлса, хусусан:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжатининг қўлланилмаганлиги

қўлланилиши мумкин бўлмаган қонун ҳужжатининг қўлланилганлиги

қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги

процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ёхуд нотўғри қўлланилган бўлса, хусусан:

суд томонидан ишнинг қонунга хилоф таркибда кўрилганлиги

ишнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда ҳабардор қилинмаган бирор-бир ишда иштирок этувчи шахс йўқлигida кўрилганлиги

суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги

ишда иштирок этишга жал қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги

ҳал қилув қарорининг судья ёки, агар иш судьялар ҳайъати таркибда кўрилган бўлса, судьяларнинг бири томонидан имзоланмаганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганлиги

ишда суд мажлиси баённомасининг мавжуд эмаслиги ёки унинг ИПК 202-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганидан бошқа шахслар томонидан имзоланганлиги ёхуд, агар суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзувни амалга оширилган бўлса, аудио- ва видеоёзувнинг электрон ёки бошқа ташувчилари суд мажлиси баённомасига қўшиб кўйилмаганлиги

билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги

судьялар маслаҳатининг сир сақланиши тўғрисидаги қоиданинг бузилганлиги



Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПКнинг 303-моддасига кўра кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қиласди, қарор ишни кўрган судьялар томонидан имзоланади.

Кассация инстанцияси судининг қарорида қўйидагилар кўрсатилади:

- 1) кассация инстанцияси судининг номи, қарорни қабул қилган суд таркиби, суд мажлисининг котиби;
- 2) ишнинг рақами, қарор қабул қилинган сана ва жой;
- 3) кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг номи, унинг процессуал ҳолати;
- 4) ишда иштирок этувчи шахсларнинг, шунингдек улар вакилларининг ва суд процесси бошқа иштирокчиларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 5) низо предмети;
- 6) ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, уни қабул қилган судьяларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- 7) иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори мазмунининг қисқача баёни;
- 8) кассация шикоятида (протестида) келтирилган ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослантирилганлигини текшириш тўғрисида талаб билдирилишига доир асослар;
- 9) кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикрда баён қилинган важлар;
- 10) ишда иштирок этувчи ва суд мажлисида ҳозир бўлган шахсларнинг тушунтиришлари;
- 11) кассация инстанцияси суди томонидан аниқланган иш ҳолатлари; суднинг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хulosалари учун асос бўлган далиллар; суд қарор қабул қилишда амал қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар; суднинг у ёки бу далилларни рад этишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар ҳавола қилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларни қўлламаганлигига доир сабаблар;
- 12) агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, унинг хulosаларига кассация инстанцияси суди қўшилмаганлигининг сабаблари;
- 13) кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари тўғрисидаги хulosалар;
- 14) агар иш янгидан кўриш учун юборилаётган бўлса, суд томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар.



Кассация инстанцияси судининг қарорида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг тақсимланиши кўрсатилади.

Суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган тақдирда, суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ишни янгидан кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Кассация инстанцияси суди қарорининг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга у қабул қилинган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

Кассация инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

ИПКнинг 304-моддасига асосан кассация инстанцияси судининг қарорида баён қилинган кўрсатмалар ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир. Кассация инстанцияси суди у ёки бу далилнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги тўғрисидаги, иш янгидан кўрилганида қандай ҳал қилув қарори қабул қилиниши ҳақидаги масалаларни илгаридан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.



5.4. Суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби

5.4.1. Назорат шикояти бериш тартиби ва муддатлари

Иқтисодий процессуал қонунчилиқда суд ҳужжатларига нисбатан шикоят келтиришнинг охирги босқичи суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат шикояти (протести) келтиришдир.

ИПКнинг 307-моддасига кўра туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари агар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ушбу суд ҳужжатлари түфайли бузилган бўлса, ушбу шахсларнинг шикоятлари бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларининг протести бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан қабул қилинган қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан, номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёки жамият ва давлат манфаатларини бузадиган суд ҳужжати устидан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан протест келтирилиши мумкин.

Ёдда тутинг!

Судларнинг қонуний кучга кирган ажримлари улар устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) ИПКда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек улар ишнинг бундан бўёнига ҳаракатига тўсқинлик қилган тақдирда ҳал қилув қароридан алоҳида назорат тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

ИПКнинг 310-моддасига асосан назорат шикояти (протести) бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.



Назорат шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичиди берилиши мумкин.

Назорат тартибидаги протестни келтириш тўғрисидаги ариза суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ўтгач берилган бўлса, кўриб чиқилмайди.

Агар суд ҳужжати номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёки жамият ва давлат манфаатларини бузилганда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг протести бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш ҳоллари бундан мустасно.



5.4.2. Назорат шикоятининг мазмуни

ИПКнинг 311-моддасига кўра назорат шикоятида қўйидагилар ҳурсатилиши керак:

- 1) назорат шикояти берилаётган суднинг номи;
- 2) шикоятни бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери ва ишдаги процескуал ҳолати;
- 3) ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 4) ишни биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияларида кўрган судлар ва улар қабул қилган қарорларнинг мазмуни;
- 5) устидан шикоят берилаётган суд ҳужжати;
- 6) суд ҳужжатини назорат тартибида қайта кўриш учун асослар, важлар келтирилган ҳолда;
- 7) шикоят бераётган шахснинг илтимоси.

Ёдда тутинг!

Ишда иштирок этмаган шахснинг назорат шикоятида қонуний кучга кирган суд ҳужжати билан унинг қандай ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари бузилганилиги ҳурсатилиши керак.

Назорат шикояти шикоят берәётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак. Вакил томонидан тақдим этилган шикоятга ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади.

Назорат шикоятига иш бўйича қабул қилинган, тегишли тарзда тасдиқланган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари ва шикоятнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганилигини тасдиқловчи далил илова қилинади.

Назорат шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат бози ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.



5.4.3. Назорат шикоятини ўрганиш, қайтариш ва қабул қилишни рад этиш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси назорат шикоятини унга илова қилинган материаллар, зарур бўлган ҳолларда эса талаб қилиб олинган иш ҳужжатлари билан бирга ўрганади.

Назорат шикоятини ўрганиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси:

1) назорат шикоятини ИПК 313-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра қайтариш тўғрисида;

2) назорат шикоятини қабул қилишни ИПК 314-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра рад этиш ҳақида;

3) агар суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш асослари мавжуд бўлмаса, назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бунда назорат шикояти, шунингдек шикоят қилинаётган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари назорат инстанцияси судида қолади;

4) назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси назорат шикоятини қайтариш тўғрисида ва қабул қилишни рад этиш ҳақида беш кундан кечикитирмай ажрим чиқаради, назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ва назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ҳамда уни кўриб чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида эса шикоят Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кундан кечикитирмай ажрим чиқаради.

Ажримнинг кўчирма нусхаси назорат шикоятини берган шахсга ва ишда иштирок этувчи шахсларга ажрим чиқарилганидан кейинги кундан кечикитирмай юборилади.

Назорат шикояти унинг мазмунига қўйилган талабларга жавоб бермаса, белгиланган тартибида ва миқдорда давлат божи ҳамда



почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар назорат шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлашни кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ҳамда назорат шикоятини қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса қайтарилади.

ИПКнинг 314-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди судъяси назорат шикоятини қабул қилишни қўйидаги ҳолларда рад этади, агар:

- 1) назорат шикояти назорат инстанцияси судига мурожаат қилиш хукуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;
- 2) назорат шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса;
- 3) назорат шикояти қонунга мувофиқ назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;
- 4) назорат шикояти назорат тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;
- 5) назорат шикоятига белгиланган тартибида ва микдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илова қилинган илтимоснома эса рад этилган бўлса.



5.4.4. Ишни назорат тартибида кўриш муддатлари ва тартиби

Назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақидаги масала тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда низолашилаётган суд ҳужжатининг ижросини шикоятни берган шахснинг илтимосномасига кўра назорат тартибида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб қўйишга ҳақли.

ИПКнинг 318-моддасига кўра назорат шикояти берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриш вақти ва жойи тўғрисида ИПКнинг 127-моддасида назарда тутилган тартибида хабардор қилинади. Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни назорат тартибида кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида иш назорат тартибида кўриб чиқилаётганда ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлар бериш учун чақирилиши мумкин. Бу ҳолда уларга ИПКнинг 127-моддасида назарда тутилган тартибида назорат инстанцияси суди мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарнома юборилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

Иш назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган ёки протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг котибиятига келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай кўрилади.

Иш назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида, назорат шикоятини берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ва (ёки)



уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин бўлган суд мажлисида кўрилади.

Иш назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судъясининг маърузаси бўйича кўрилади, судья иш ҳолатлари, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг мазмунни, назорат шикоятида (протестида) келтирилган важларни баён этади.

Суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахслар иш бўйича тушунтиришлар беришга ҳақли. Назорат шикоятини берган шахс биринчи бўлиб тушунтириш беради, агар иш прокурорнинг протести бўйича кўрилаётган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан ишни назорат тартибида кўриша ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, иш бўйича ўз фикрини баён этади.

Иш назорат тартибида кўрилаётганда барча масалалар ишни кўриб чиқишда иштирок этаётган судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Ишни назорат тартибида кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилинади. Қарорнинг кўчирма нусхаси назорат шикоятини (протестини) берган шахсга ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ИПКнинг 127-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади.



5.4.5. Ишни назорат тартибида кўрадиган суднинг ваколатлари

Ишни назорат тартибида кўрувчи суд ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қиласди. Агар ишни назорат тартибида кўрувчи суднинг ҳозир бўлган аъзоларидан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Ишни назорат тартибида кўрувчи суднинг аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Ишни назорат тартибида кўрувчи суднинг қарори раислик қилувчи томонидан имзоланади. Ишни назорат тартибида кўрувчи суднинг қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Суд ишни назорат тартибида кўриб чиқсанда қўйидагиларга ҳақли:

ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгаришсиз, назорат шикоятини (протестини) эса қаноатлантиրмасдан қолдириш

ИПК 302-моддаси тўртинчи қисмининг 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юбориш

ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш ҳамда ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилиш

ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдириш

иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорларидан ёки қарорлардан бирини ўз кучида қолдириш

Суд ҳужжатининг қонунга хилофлиги ёки асослантирилмаганлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори фақат юзаки асослардан бири бўйича бекор қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати қарори ишни назорат тартибида кўрган бутун суд таркиби томонидан имзоланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори Раёсат мажлисида раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Ишни назорат тартибида кўрган суднинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори устидан шикоят қилинмайди (протест келтирилмайди).

ИПКнинг 324-моддасига кўра ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисида ишни назорат тартибида кўрган суднинг қарорида баён этилган кўрсатмалар мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни назорат тартибида кўраётган суд ҳал қилув қарорида, қарорда аниқланмаган ёхуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қандай қарор қабул қилиниши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан ҳал этишга ҳақли эмас.



5.5. Қонуний кучта кирған суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бүйича қайта қўриш

5.5.1. Қонуний кучга кирған суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бүйича қайта қўриш тушунчаси ва асослари

Янги очилган ҳолатлар бу – мавжуд бўлган фактик ҳолатлар бўлиб, лекин улар суд ҳужжатини қабул қилиш вақтида аризачига ва судга номаълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бўлиб, уларнинг мавжудлиги эса иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади ёхуд суд ҳужжатининг қонуний ва асослилигига шубҳа туғдиради.

ИПКнинг 325-моддасига кўра суд ўзи қабул қилган ҳамда қонуний кучга кирған суд ҳужжатини ИПКнинг 35-бобида назарда тутилган асосларга кўра ва тартибда янги очилган ҳолатлар бүйича қайта қўриши мумкин.

Биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирған ҳал қилув қарори, ажрим янги очилган ҳолатлар бүйича шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган суд томонидан қайта қўрилади.

Янги очилган ҳолатлар бүйича апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг қайси қарорлари ва ажримлари билан суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган бўлса, ўша қарорлар ва ажримларни қайта қўриш суд ҳужжатини ўзгартирган ёхуд янги суд ҳужжати қабул қилган инстанция томонидан амалга оширилади.

Янги очилган ҳолатлар бүйича қайта қўриш далилларни сохталашибориши: гувоҳнинг била туриб ёлғон қўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хulosasi бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги мавжуд бўлганда бўлиши мумкин.

Ушбу асоснинг ташқи аломати сифатида жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирған ҳукми билан аниқланган далилларни сохталашибориши фактининг белгиланиши ҳисобланади. Аммо бунда сохталашибориленган далиллар ишни кўриш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бунга сохта банкротлик ҳолати яққол мисол бўлиб, иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор чиқарилганидан кейин жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан иқтисодий суд томонидан қарор чиқарилиши учун асос бўлган



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

бухгалтерлик баланси қалбакилаштириб тузилиши натижасида сохта банкротлик фактини аниқлаштирилганлигини келтириш мүмкін.

Суд ҳужжатларини янги очилған ҳолатлар бүйича қайта қўриш учун асослар:

суд ҳужжати қабул қилингандай пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган иш учун муҳим ҳолатлар

экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги, била туриб нотўғри таржима қилинганилиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган бўлса ва мазкур иш бўйича қонунга ҳилоф ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса

ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни қўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиной қилмишлари

иқтисодий суднинг ёки фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурӣ суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилинганилиги

экспертнинг хулоаси билан аниқланган, мазкур иш бўйича суд ҳужжати қабул қилинишига олиб келган ҳужжатларнинг ёки ашёвий далилларнинг сохталиги

Суд ҳужжатини янги очилған ҳолатлар бўйича қайта қўриш учун ишда иштирок этувчи шахслар ёхуд улар вакиллари ёки улар вакилларининг ёхуд судьяларнинг шу ишни қўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиной қилмишлари ҳам асос бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, суд ҳужжатини янги очилған ҳолатлар бўйича қайта қўриш учун ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган иқтисодий суднинг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганилиги асос бўлади. Айрим ҳолларда иқтисодий суд бошқа суднинг ҳужжатларида аниқланган фактларга таянган ҳолда қарорлар қабул қиласди. Масалан, иқтисодий суд томонидан қарор қабул қилишда таянилган жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича суднинг қарори бекор қилинганилиги иқтисодий суднинг қарорини янги очилған ҳолатлар бўйича қайта қўриш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилған ҳолатлар бўйича қайта қўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланиши ҳақида" 2003 йил 25 июлдаги



111-сонли қарорининг 5-бандига кўра иқтисодий судлар шуни ётиборга олишлари лозимки, суд хужжатини қайта кўриб чиқиш учун асос бўлаётган ҳолатлар жиддий бўлиши, яъни суд хужжатини қабул қилишда иқтисодий суд холосасига таъсир кўрсатадиган даражада бўлиши лозим. Бу ҳолат иқтисодий суд томонидан аввалда текшириш предмети бўлган фактга нисбатан янги далиллар эмас, балки айнан юридик фактларнинг ўзи бўлиши лозим.

Суд томонидан ишни кўриб чиқишида текшириш предмети бўлмаган ҳамда мавжудлиги аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган юридик фактни белгиловчи янги далиллар янги очилган ҳолатлар деб эътироф этилиши мумкин. Агар ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш давомида суд келтирилган далиллар аризачига маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлганлигини аниқласа, янги очилган ҳолатлар бўйича келтирилган аризани қаноатлантириш рад этилиши лозим, чунки ИПКнинг 68-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътиrozларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак (тортишув принципи).



5.5.2. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг мазмуни, уни бериш тартиби ва муддати

ИПКнинг 329-моддасига кўра қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда берилади. Ариза уни берган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Аризада қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
 - 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
 - 3) аризачи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни талаб қилаётган суд ҳужжатини қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, суд ҳужжати қабул қилинган сана, низо предмети;
 - 4) аризачининг ҳужжатларга ҳавола қилинган фикри бўйича суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўладиган янги очилган ҳолат;
 - 5) ариза бераётган шахснинг талаби;
 - 6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.
- Аризага қўйидагилар илова қилинган бўлиши керак:
- 1) янги очилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари;
 - 2) аризачи қайта кўришни талаб қилаётган суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси;
 - 3) ариза ва ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
 - 4) суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза вакил томонидан имзолangan тақдирда, уни имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

Ёдда тутинг!

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ушбу суд ҳужжатини қабул қилган судга суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай, ишда иштирок этувчи шахслар ёки прокурор томонидан берилади.



Аризанинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар аризага илова қилинади.

Ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддати, ариза билан мурожаат қилган шахснинг илтимосномаси бўйича, агар илтимоснома қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва суд муддатни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топса, суд томонидан тикланиши мумкин.

Суд ҳужжати қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил ўтгач берилган аризалар кўриб чиқилмайди.



5.5.3. Қонуний кучга кирған суд ҳужжатини янги очилған ҳолатлар бүйича қайта қўриш тартиби

ИПКнинг 330-моддасига асосан қонуний кучга кирған суд ҳужжатини янги очилған ҳолатлар бүйича қайта қўриш тўғрисидаги ариза, агар у ўзининг шакли ва мазмунига нисбатан ушбу Кодексда қўйиладиган талабларга риоя этилган ҳолда берилган бўлса, тегишли суднинг иш юритишига қабул қилинади.

Аризани суднинг иш юритишига қабул қилиш тўғрисидаги масала у судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай судья томонидан якка тартибда ҳал қилинади. Аризани иш юритишига қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судининг қонуний кучга кирған ҳужжатларини янги очилған ҳолатлар бүйича қайта қўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланиши ҳақида" 2003 йил 25 июлдаги 111-сонли қарорининг 10-бандига кўра суд ҳужжатини янги очилған ҳолатлар бүйича қайта қўриш ҳақидаги аризани қабул қилишда шуни назарда тутиш керакки, аризада янги очилған ҳолатларни тасдиқловчи асослар мавжуд бўлиши лозим. Аризага зарурый бўлган далиллар, хусусан, кўрсатилган ҳолатлар санасини аниқлаш имконини берувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Бундай ҳолатларнинг аниқланганлик куни бўлиб, шу ҳолатларнинг аризачига маълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлган кун ҳисобланади. Агар янги очилған ҳолатлар ҳукм, суднинг ҳал қилув қарори, бошқа органнинг қарори билан боғлиқ бўлса, унда янги очилған ҳолат суд ҳужжатларини қабул қилиш учун асос бўлган ҳолатга мазмунан қарама-қарши ҳужжатларнинг қонуний кучга кирған куни ёки ҳукм, ҳал қилув қарори ва қарорнинг қонуний кучга кирганилиги аризачига маълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлган кун шу ҳолат аниқланган кун ҳисобланади.

Қонуний кучга кирған суд ҳужжатини янги очилған ҳолатлар бүйича қайта қўриш тўғрисидаги ариза у судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда, ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг



келмаганлиги аризани кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилиш ҳақида ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган тақдирда, илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилган суднинг ўзи ишни ИПКда белгиланган умумий тартибда кўради.

Юқорида номи қайд этилган Пленум қарорининг 1-бандига кўра ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор суд ҳужжатлари қабул қилинган тақдирда, шу асосда янги очилган ҳолатлар бўйича ариза билан чиқишига ҳақли эмаслар, бу ҳолатда улар шу суд ҳужжатларига нисбатан апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоятларни келтиришлари мумкин.



**Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларига
мурожаат қилиш учун маълумотлар**

| Суднинг номи | Манзили |
|---------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий суди | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, О. Дўсназаров кўчаси, 92-үй, e-mail: i.qr@sud.uz |
| Тошкент шаҳар иқтисодий суди | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 6-үй, e-mail: i.toshkent@sud.uz |
| Андижон вилоят иқтисодий суди | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 41-үй, e-mail: i.andijon@sud.uz |
| Бухоро вилоят иқтисодий суди | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Янги ҳаёт кўчаси, 122-үй, e-mail: i.buxoro@sud.uz |
| Жizzах вилоят иқтисодий суди | Жizzах вилояти, Жizzах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-үй, e-mail: i.jizzah@sud.uz |
| Навоий вилоят иқтисодий суди | Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 11-үй, e-mail: i.navoiy@sud.uz |
| Наманган вилоят иқтисодий суди | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Н. Наманганий кўчаси, 20-үй, e-mail: i.namangan@sud.uz |
| Самарқанд вилоят иқтисодий суди | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мингтут кўчаси, 2-үй, e-mail: i.samarqand@sud.uz |
| Сурхондарё вилоят иқтисодий суди | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, С. Содик кўчаси, 286 "б"-үй, e-mail: i.surxondaryo@sud.uz |
| Сирдарё вилоят иқтисодий суди | Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 75-үй, e-mail: i.sirdaryo@sud.uz |
| Тошкент вилоят иқтисодий суди | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 6-үй, e-mail: i.toshkent.v@sud.uz |
| Фарғона вилоят иқтисодий суди | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 47-үй, e-mail: i.fargona@sud.uz |



| | |
|---------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------|
| Хоразм вилоят иқтисодий суди | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
ал-Хоразмий кўчаси, 107-уй,
e-mail: i.xorazm@sud.uz |
| Қашқадарё вилоят иқтисодий суди | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри,
Бунёдкорлик кўчаси, 7-уй,
e-mail: i.qashqadaryo@sud.uz |



Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби


Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига мурожаат қилиш учун маълумотлар

Тошкент шаҳри

| Суднинг номи | Манзили |
|------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|
| Тошкент туманлараро иқтисодий суди | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 6-йй, e-mail: i.toshkent.t@sud.uz |

Қорақалпоғистон Республикаси

| Суднинг номи | Манзили |
|-------------------------------------|------------------------------------------------------------------|
| Нукус туманлараро иқтисодий суди | Нукус шаҳри, О. Дўсназаров кўчаси, 92-йй, e-mail: i.nukus@sud.uz |
| Чимбой туманлараро иқтисодий суди | Чимбой тумани, Дўстлик гузари, e-mail: i.chimboy@sud.uz |
| Қўнғирот туманлараро иқтисодий суди | Қўнғирот тумани, Р. Абдуллаев кўчаси, e-mail: i.qungirot@sud.uz |
| Беруний туманлараро иқтисодий суди | Беруний тумани, Беруний кўчаси, e-mail: i.beruniy@sud.uz |
| Амударё тумани иқтисодий суди | Манғит шаҳри, Янгиобод кўчаси, e-mail: i.amudaryo@sud.uz |





Андижон вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|---------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
| Андижон туманлараро иқтисодий суди | Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 41-йй, e-mail: i.andijon.t@sud.uz |
| Асака туманлараро иқтисодий суди | Асака шаҳри, Янгисор кўчаси, 1-йй, e-mail: i.asaka@sud.uz |
| Бўз туманлараро иқтисодий суди | Бўз тумани, А.Икромов кўчаси, 36-йй, e-mail: i.buz@sud.uz |
| Избоскан туманлараро иқтисодий суди | Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 2-йй, e-mail: i.izboskan@sud.uz |
| Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди | Хўжаобод тумани, Покният кўчаси, 2-йй, e-mail: i.xujaobod@sud.uz |
| Қўргонтепа туманлараро иқтисодий суди | Қўргонтепа шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 50 "а"-йй, e-mail: i.qurgontepa@sud.uz |

Иқтисодий судлар сони: 6



- Туман маркази
- Суд жойлашган туман




Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Бухоро вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|-------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
| Бухоро шаҳар иқтисодий суди | Бухоро шаҳри,
Янги ҳаёт кўчаси, 122-йй, e-mail:
i.buxoro.sh@sud.uz |
| Фиждувон туманлараро иқтисодий суди | Фиждувон тумани,
Ю.Ҳамадоний кўчаси, 54-йй,
e-mail: i.gijduvon@sud.uz |
| Когон туманлараро иқтисодий суди | Когон шаҳри,
Қоровулбозор шоҳ кўчаси, 2-йй,
e-mail: i.kogon@sud.uz |
| Қоракўл туманлараро иқтисодий суди | Қоракўл тумани,
Файзобод кўчаси, 14-йй,
e-mail: i.qorakul@sud.uz |
| Ромитон туманлараро иқтисодий суди | Ромитон тумани, Амир Темур кўчаси,
6-йй, e-mail: i.romitan@sud.uz |
| Пешку туманлараро иқтисодий суди | Пешку тумани,
Амир Темур кўчаси, 5-йй,
e-mail: i.peshku@sud.uz |

Иқтисодий судлар сони: 6





Жиззах вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|-----------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------|
| Жиззах туманлараро иқтисодий суди | Жиззах шаҳри,
Тошкент кӯчаси, 1-уй,
e-mail: i.jizzah.t@sud.uz |
| Дўстлик туманлараро иқтисодий
суди | Дўстлик шаҳри,
“Алишер Навоий” МФЙ,
e-mail: i.dustlik@sud.uz |
| Зомин туманлараро иқтисодий суди | Зомин тумани,
Сайилгоҳ кӯчаси,
e-mail: i.zomin@sud.uz |
| Фаллаорол туманлараро иқтисодий
суди | Фаллаорол тумани,
“Сарбозор” МФЙ,
e-mail: i.gallaorol@sud.uz |
| Фориш тумани иқтисодий суди | Фориш тумани,
“Осмонсой” ҚФЙ, Тутак қишлоғи,
e-mail: i.forish@sud.uz |





Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Навоий вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|-------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------|
| Кармана туманлараро иқтисодий суди | Навоий шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 11-үй,
e-mail: i.karmana@sud.uz |
| Зарафшон туманлараро иқтисодий суди | Зарафшон шаҳри,
Марварид кўчаси, 19-үй,
e-mail: i.zarafshon@sud.uz |
| Навбаҳор туманлараро иқтисодий суди | Навбаҳор тумани, Бешработ қўрғони,
Бобур шоҳ кўчаси, 4-үй,
e-mail: i.navbahor@sud.uz |
| Учқудук тумани иқтисодий суди | Учқудук тумани,
Амир Темур кўчаси, 46-үй,
e-mail: i.uuchquduq@sud.uz |





Наманган вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|---------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
| Чуст туманлараро иқтисодий суди | Чуст шаҳри,
Чустий кӯчаси, 5-уй,
e-mail: i.chust@sud.uz |
| Наманган туманлараро иқтисодий суди | Наманган шаҳри, Марғилон кӯчаси,
105-уй, e-mail: i.namangan.t@sud.uz |
| Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий суди | Янгиқўрғон тумани,
Чорток кӯчаси, 15-уй,
e-mail: i.yangiqurgon@sud.uz |
| Учқўрғон туманлараро иқтисодий суди | Учқўрғон шаҳри, Нодира кӯчаси, 4-уй,
e-mail: i.uchqurgon@sud.uz |





Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Самарқанд вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|----------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
| Самарқанд шаҳар иқтисодий суди | Самарқанд шаҳри, Мингтут кўчаси, 2-йй, e-mail: i.samarqand.sh@sud.uz |
| Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди | Каттақўрғон тумани, Мустақиллик кўчаси, 37-йй, e-mail: i.kattaqurgon@sud.uz |
| Иштихон туманлараро иқтисодий суди | Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси, 11-йй, e-mail: i.ishtixon@sud.uz |
| Тайлоқ туманлараро иқтисодий суди | Тайлоқ тумани, "Пайшанбасиёб" ҚВП, e-mail: i.tayloq@sud.uz |
| Жомбой туманлараро иқтисодий суди | Жомбой тумани, Тошкент кўчаси, 35-йй, e-mail: i.jomboy@sud.uz |
| Пастдарғом тумани иқтисодий суди | Пастдарғом тумани, Гўзалкент қўргони, e-mail: i.pastdargom@sud.uz |
| Пайариқ тумани иқтисодий суди | Пайариқ тумани, Пайариқ 50-йиллиги кўчаси, 4-йй, e-mail: i.payariq@sud.uz |
| Нуробод тумани иқтисодий суди | Нуробод тумани, Амир Темур кўчаси, 14-йй, e-mail: i.nurobod@sud.uz |


Иқтисодий судлар сони: 8





Сурхондарё вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|--------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------|
| Термиз туманлараро иқтисодий суди | Термиз шаҳри,
С. Содик кўчаси, 286 "б"-уй,
e-mail: i.termiz@sud.uz |
| Денов туманлараро иқтисодий суди | Денов тумани, Й. Охунбобоев кўчаси,
63-уй, e-mail: i.denov@sud.uz |
| Кумкўрғон туманлараро иқтисодий суди | Кумкўрғон тумани,
"Янгишаҳар" маҳалласи,
e-mail: i.qumqurgon@sud.uz |
| Шеробод туманлараро иқтисодий суди | Шеробод тумани,
Х. Тўрамуродов кўчаси,
e-mail: i.sherobod@sud.uz |
| Сариосиё туманлараро иқтисодий суди | Сариосиё тумани, "Мехр-шафқат"
МФЙ, e-mail: i.sariosiyo@sud.uz |
| Бойсун тумани иқтисодий суди | Бойсун шаҳри, Олмазор кўчаси,
e-mail: i.boysun@sud.uz |






Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Сирдарё вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|-------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------|
| Гулистан туманлараро иқтисодий суди | Гулистан шаҳри, Ислом Каримов кӯчаси, 75-йй, e-mail: i.guliston@sud.uz |
| Сирдарё туманлараро иқтисодий суди | Сирдарё шаҳри, Хондамир кӯчаси, 1-“а” уй, e-mail: i.sirdaryo.t@sud.uz |
| Оқолтин туманлараро иқтисодий суди | Оқолтин тумани, Сардоба қўрғони, Гулистан кӯчаси, 5-уй, e-mail: i.oqoltin@sud.uz |
| Боёвут туманлараро иқтисодий суди | Боёвут тумани, Тинчлик кӯчаси, 26-уй, e-mail: i.boyovut@sud.uz |


Иқтисодий судлар сони: 4





Тошкент вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|----------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|
| Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди | Чирчиқ шаҳри, Истиқлол кўчаси, 8-йй, e-mail: i.chirchiq@sud.uz |
| Зангигота туманлараро иқтисодий суди | Зангигота тумани, Эшонгузар қўргони, И. Охунбобоев кўчаси, e-mail: i.zangiota@sud.uz |
| Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий суди | Ўртачирчиқ тумани, Темирчи кўчаси, 3-йй, e-mail: i.urtachirchiq@sud.uz |
| Оҳангарон туманлараро иқтисодий суди | Оҳангарон шаҳри, Эзгулик кўчаси, 100-йй, e-mail: i.oxangaron@sud.uz |
| Бекобод туманлараро иқтисодий суди | Бекобод шаҳри, Истиқлол кўчаси, 16-йй, e-mail: i.bekobod@sud.uz |
| Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий суди | Юқоричирчиқ тумани, “Оқ овул” ҚФЙ, “Султонравот” даҳаси, e-mail: i.yuqorichirchiq@sud.uz |
| Қўйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди | Қўйичирчиқ тумани, “Майдонтол” ҚФЙ, “Дўстлик” ФХУ, e-mail: i.quyichirchiq@sud.uz |






Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Фарғона вилояти


| Суднинг номи | Манзили |
|---------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
| Фарғона туманлараро иқтисодий суди | Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 47-йй, e-mail: i.fargona.t@sud.uz |
| Қўқон туманлараро иқтисодий суди | Қўқон шаҳри, Бухорий кўчаси, 37 "а"-йй, e-mail: i.quqon@sud.uz |
| Марғилон туманлараро иқтисодий суди | Марғилон шаҳри, Хиёбон кўчаси, e-mail: i.margilon@sud.uz |
| Риштон туманлараро иқтисодий суди | Риштон тумани, Амир Темур кўчаси, 7-йй, e-mail: i.rishton@sud.uz |
| Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди | Ўзбекистон тумани, Алишер Навоий кўчаси, 18-йй, e-mail: i.uzbekiston@sud.uz |





Хоразм вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|-----------------------------------|------------------------------------------------------------------------|
| Урганч туманлараро иқтисодий суди | Урганч шаҳри, ал-Хоразмий кӯчаси,
107-йўй, e-mail: i.urganch@sud.uz |
| Шовот туманлараро иқтисодий суди | Шовот тумани, Туркистон кӯчаси,
e-mail: i.shovot@sud.uz |
| Боғот туманлараро иқтисодий суди | Боғот тумани, Наврӯз кӯчаси, 5-йўй,
e-mail: i.bogot@sud.uz |





Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби

Қашқадарё вилояти

| Суднинг номи | Манзили |
|--------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
| Қарши туманлараро иқтисодий суди | Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси, 7-йўй, e-mail: i.qarshi@sud.uz |
| Косон туманлараро иқтисодий суди | Косон тумани, "Дўстлик" МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси, e-mail: i.koson@sud.uz |
| Яккабоғ туманлараро иқтисодий суди | Яккабоғ шаҳри, "Айғиркўл" МФЙ, Амир Темур кўчаси, e-mail: i.yakkabog@sud.uz |
| Ғузор туманлараро иқтисодий суди | Ғузор тумани, Мустақиллик кўчаси, e-mail: i.guzor@sud.uz |
| Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий суди | Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 158-йўй, e-mail: i.shaxrisabz@sud.uz |
| Касби тумани иқтисодий суди | Касби тумани, "Дўстлик" маҳалласи, "Муғлон" ҚФЙ, e-mail: i.kasbi@sud.uz |
| Чироқчи туманлараро иқтисодий суди | Чироқчи тумани маркази, e-mail: i.chiroqchi@sud.uz |

